



МАҚСУД
ҚОРИЕВ

Қиз
узатиб
борганда

ҚИССА ВА ҲИКОЯЛАР

Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1978

Уз
Қ 60

Қориев Мақсуд.

Қиз узатиб борганда: Қисса ва ҳикоялар.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 С.— 96 б.

Мақсуд Қориевнинг бу китобидаги қиссалари кенг китобхоналар оmmasига яхши таниш. Унинг бу китобига йнгрманчи йиллар воқеаларини акс эттирган янги лирик-саргузашт қиссаси ҳамда кейинги пайтда ёзилган ҳикоялари жамланган.

Қариев Максуд. Провожая невесту. Повесть и рассказы.

Уз2

70303—193

Доп 78

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 й.

ҚИЗ УЗАТИБ БОРГАНДА

Қисса

Эрта баҳор эди ўшанда. Майсалар энди бош кўтариб сабза бўлган, ниҳоллар ниш ура бошлаганди. Бирдан совуқ шамол турниб, ёмғир бошлади, кейин қорга айланиб, ҳаммаёқни қайтадан қиш либосига буркади-қўйди.

Оппоқ қорга бурканиб олган азим тоғ чўққилари, қир-адирлар, арчазор ёнбағирлар худди яна қайтадан уйқуга кетгандек жим ётибди. Бундай кезларда табиат ўз салобати, ҳеч кимга бўйсунмайдиган ўзига хос қонуниятлари билан бутун борлиқни ана шундай жимжитликда ушлаб тургандек туюлади кишига. Дарахтлар бўлса, устидаги қор кўрпасини силкитиб тушириб юборса совуқ уриб кетадигандай майишиб-эгилиб бўлса ҳам, ўзини тутиб тургандек.

Тоғ-тошлардан урилиб-сурилиб, водий томон шошилиб келаётган шўх дарё шалолалари ғоят гўзал бўлса ҳам, бугунги совуқда кишига ёқимсиздек туюлади, яқинига боргинг келмайди. Лекин бу шўх оқим баҳор яқинлашиб келаётган бир вақтда қайтадан қиш уйқусига кетмоқчи бўлаётган дов-дарахтларни ғафлат уйқусидан уйғотмоқчидек жўш уриб тўлиб-тошади, тошларга урилади, нималардир деб тўхтовсиз шовуллайди, шовқин солади.

Ҳа, бу водийнинг ажиб бир фусункор, ўзига хос табиати бор. Худди уйқудаги гўзалдек. Қишлоқ бетинч. Қаердадир одамлар оёғи етмайдиган тоғ ёнбағирларида босмачи тўдалари яшириниб олиб, вақт-вақти би-

лан ён атрофдаги аҳолини бетинч қилгани-қилган. Улар Боғидарё аҳолисидан олганини олиб, энди бу ерларнинг одамларига «тегмай» қўйишган. Айтишларича, шариат пешволаридан бири Пирмат Махсум улар билан сўзлашган эмиш. Шундан кейин: «Мен ҳаёт эканман, қишлоғимизга бирорта ҳам босмачи йўламайди», деган эмиш. Ана энди қарангки, диндорлару шайхлардан тортиб ҳамма жойда изғиб юрадиган қаландарларгача бу «хуш-хабар»ни одамлар орасида тарқатиб, Пирмат Махсумга ўхшаганларининг обрў-эътиборини осмонга кўтаришади, унинг ҳаққига дуо қилишарди. Гўё бу билан босмачилар зулмидан кўч-кўронларини олиб бошқа жойларга қочиб кетаётган мўмин-мусулмонларни тинчитиб қўйишмоқчи бўлишарди.

Баҳор бошланганида бирданига совуқ тушиб қолиши юнун, бева-бечораларни айниқса довдиратиб қўйди. Уйда бир кафт уни ёки дони қолмаган, қарзга ботиб кетган Деҳқонбойга ўхшаш камбағал батрақлар энди қаерга борсин? Яна ўша бой-боёнлар ёки Пирмат Махсум каби бир кафт дон бериб, икки соат дийдиё ўқийдиганларга ялинсинми?

Албатта, Деҳқонбой каби ҳали билагида куч-қуввати бор, ёзда деҳқончилик, куз бошлангани билан тоғ-тошларда ов қилиб кун кечирадиган садоқатли мўмин-мусулмонга Пирмат Махсумнинг ўзи ҳам ёрдамини дариг тутмайди. Деҳқонбой ҳақиқий мусулмон фарзанди, беш вақт намозини қанда қилмайди, «савоб оламан», деб ҳеч қачон шайхларнинг юмушидан бош тортган эмас. Бунинг яна бир сабаби бор: унинг эндигина бўйи етиб келаётган сулув қизи борки, қишлоқнинг казо-казо одамлари аллақачон унга кўз ташлаб қўйишган. Пирмат Махсумнинг ўзи «қизингизни мендан берухсат ҳеч қаерга берманг», деб Деҳқонбойни огоҳлантирган. Ҳатто у бир куни Деҳқонбойни чақириб, бундан кейин қизингизни овга эргаштириб юрманг, деб қаттиқ уришди ҳам.

Деҳқонбой бомдод намозини ўқиб, кеча кечқурун

хотини бир амаллаб, супра тагидаги қолган-қутган урвоқдан ясаган нондан бир бурда еди-ю, худонинг юборган бирор насибаси бордир, деб дийдираганча гузарга томон йўл олди. Ҳозир далада ишлар кўп бўлмаганлиги учун ҳамма эрталабданоқ иши бўлса-бўлмаса чойхона томонга йўл олади.

Деҳқонбой узоқдан гузар майдонига тўпланган отлиқлар тўдасини кўрди-ю, «нима гап экан», деб ўша томонга қараб жўнади. Оёғидаги этигининг учи тешилганлиги боисидан, сувли жойдан юрмай, тепалаб кетарди. Деҳқонбой етиб борганида қизил аскар командири тўпланганлар билан нима ҳақдадир қизгин суҳбатлашарди. Ҳаво анча совуқ бўлса ҳам, у шинелини қўлига солиб олган, ҳарбий кийимлари бир оз эскириб қолган бўлсада, ўзига мослаб тикилганлиги учун қадди-бастига ярашиб тушганди. У ўзига савол билан мурожаат қилаётган ҳар бир кишига ҳеч шошилмасдан жавоб берар, ўзбек тилида жуда ширин сўзларди. Рус кишининг соф ўзбек тилида чиройли иборалар ишлатиб сўзлаши тўпланганлар учун ғоят мароқли туюларди. Қизил аскар командири ўзбек тилида сўзлаганида унинг рус эканлигига ишонмай қолардингиз.

— Менинг исмим Николай, Николай Иванович, фамилиям Қараганов. Тенгдошларим Коля дейишади, кўриб турибсиз, ҳали ёшман, бунинг устига уйланганим ҳам йўқ.

Турганлар кулиб юборишди. Болалар атрофида парвона эди. У чўнтагидан рўмолчага ўралган, кичик-кичик бўлақларга бўлиб қўйилган чақмоқ қанд олиб болаларга бўлашиб берди. Жулдур чопон кийган бир ёш бола унинг елкасига чиқиб олди. Бошқа болалар ҳам ундан ўрнак олиб, қизил аскарлар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Саман отга миниб, будёновка кийиб олган бир бола ғоят хурсанд эди, от устида ҳаммага бир-бир қараб мағрур ўтирарди. Бошқа болалар ҳам энди унга тақлид қилиб, қизил жангчилар ёнига бориб: «Мени ҳам отга

миндиринг, юлдузли шапкангизни беринг», деб ёлворишарди. Кимдир ҳаддидан оғиб кетаётган болаларга пўписа қилиб қўйди. Улар пўписадан қўрқиб бир оз жим туришди-да, от устида ҳамон мағрур ўтирган ҳалиги болани кўриб, яна жангчиларга ёпиша кетишди. Қизил аскарлар болаларга меҳрибонлик кўрсатишар, қопчиқларидан озгина бўлса ҳам нон, қанд олиб, совуқда дийдираган, юпун болаларга улашишарди.

Мана, қишлоқ шўросининг раиси Ҳакимжон қаердан-дир шоша-пиша етиб келди. Кўп ухлаганиданми ёки ухламаганиданми, қовоқлари шишиб кетган. Кела солиб қизил командирга ўзини таништирди. Командир ҳарбий-часига честь бериб, взвод командирин Николай Иванович Караганов деб ўзини таништирди.

Деҳқонбой ўзига-ўзи: «Булар босмачиларни қидириб юришган бўлса керак»,— деб кўнглидан ўтказди. Шу вақт кимдир унинг орқасида туриб олиб ҳадеб чопонининг енгидан торта бошлади. Қизи Чўлпон экан. У ийманиб отасига сурқанди.

— Қиз бола нарса бу ерда нима қилиб юрибсан, жўна уйга!

Чўлпон чаросдек кўзларини маъюс сузиб, ёлворгандек отасига суйқанди.

— Отажон, бир оз томоша қилай, кейин кетаман...

Деҳқонбой бундай пайтларда қизининг одамлар орасида кўринмаганини маъқул кўради. Зеро шу йилдан бошлаб Чўлпоннинг бўй-басти кўзга ташланадиган бўлиб қолган. «Қудаларникига ҳам боролмадик», деб кўнглидан ўтказди Деҳқонбой. Замон оғир, ёмон одамлар кўп. қизга кўз олайтириб юрганлар бор. Чўлпон бўлса, ҳали гўдак, ҳеч нарсани тушунмайди, ҳаётнинг мураккаблигини, одамларнинг ғаламис ниятлари, ҳайвоний ҳиссиётлари борлигига ақли ҳам етмайди.

Деҳқонбой совуқда юзлари қизариб, яна ҳам гўзал тортиб кетган қизига термилиб, гўё биров бугун-эрта уни бағридан юлиб олиб кетадигандек, юрагининг аллақасери

ачишиб кетди. Кейин Чўлпонга ҳеч нарса демай, қишлоқ шўросининг елкасига қўлини ташлаб меҳрибонлик кўрсатаётган қизил командирга қаради.

Отаси индамадими, бу розилик аломати эди. Энди Чўлпон яширинмасдан бемалол тураверди. Қизнинг кўзи зулукдек отнинг ёлларини силаб, эркалаб турган қорачадан келган, қоматдор йигитга тушиб қолди. Афтидан йигит ҳам Чўлпонга қараб турган экан. Чўлпон унинг ўтли қарашига дош беролмай, отасининг орқасига яширинди.

— Ота-ота, улар нима дейишяпти? Қаерга боришаркан-а?

— Эй, нима ишинг бор сени, борадиган жойига боради-да!

Чўлпон нега ҳам сўрай қолдим, ҳозир яна уйга ҳайдаб юборадилар, деб қўрқа-писа отасига қаради. Аनावи аскар йигит унга ғалати қарамаганида, отасига савол бермаган бўларди. Аммо отаси бу сафар қизига эътибор ҳам қилмади, хаёли қизил командирда эди.

Чўлпон хаёлидан шуларни ўтказди-ю, бехосдан яна ўша йигитга кўзи тушди. У, зулукдек қоп-қора отининг сувлиғидан ушлаб, эркалаб юзларига секин-аста уриб қўяр, от бўлса бошини сарак-сарак қилиб, йигитга нималардир деяётгандай бўларди. Қизил аскар йигит отининг бурнига астагина чертган эди, қўққисдан у пишқириб юборди, сўлаклари йигитнинг юзига сачраб кетди. Буни кузатиб турган Чўлпон қўққисдан кулиб юборди. Йигит уялиб кетиб, юзларини шинелининг енги билан артар, жаҳл билан ҳадеб отининг сувлиғидан тортиб уришган бўларди. Кейин ўзи ҳам билмаган ҳолда Чўлпонга қараб, кулиб юборди.

— Намунча ғимиллайсан, бўлди, томоша тамом, қани уйга жўнаб қол-чи!

Чўлпон ноилож уйга жўнади. Чойхона ёнидан ўтиб, ўзича кулимсираганча сув ёқалаб борар экан, яна бир бор ўгирилиб орқасига қараб қўйди. Ҳалиги йигит оти-

нинг сувлиғидан ушлаганча ҳамон унга тикилиб турган-дек туюлди...

Деҳқонбой пешинга яқин совуқ қотиб уйга келди. Шу куни ҳаво очилиб кетган бўлса-да, қорлар эримади, тоғдан қандайдир аччиқ совуқ уради.

— Мажлис бўлди, катта гаплар бўлди. хотин. Галла йўқ эмиш, одамлар оч эмиш, отларга хўрак керак эмиш, Ҳа, яна бер-бер. Уйлаб қарасам, шўролар ҳукуматига ҳам қийин экан. Пичан тайёрлашга ёрдам беринглаз дейишяпти. Қизил командир бирам гапга чечан эканки, ҳаммамизни оғзига қаратди-қўйди. Аммо анавиларни боплади.

— Анавиларингиз ким ўзи?— сўради хотини ҳайрон бўлиб.

— Ўша бой, боёнлар-да! Лекин начора, ҳар ким пешонасида борини кўради, худои-таоло ҳар кимни ҳар хил қилиб яратган, биров бой, биров камбағал, улар ҳам нима қилсин.

— Жуда соддасиз-да, отаси, раҳмингиз келяптими уларга? Сиз ўша Махсумнинг гапларини айтяпсиз.

— Эй, сен нодон хотин, худонинг қудрати буларнинг ҳаммаси! Лекин ҳаммага тил теккизсанг ҳам пиримга теккизма! У киши покиза одам, ҳа.

— Терингизни шилиб олса ҳам покиза бўладими!

— Бўлди, одам деб сенга гапириб ўтирибман тагин! Олдимизда бўй етиб турган қизимиз бор; пирим ўзлари оталик қилмоқчилар...

Чўлпон кирди-ю, гап бўлиниб қолди.

— Дада, дада, менга ҳам айтиб беринг, нима гап бўлди ўзи, босмачилар йўқ бўлар эканми энди?..

— Ҳа, айтмоқчи, босмачиларни тезда тугатамиз деяпти қизил командир. Лекин босмачи бизнинг нимамизни ҳам оларди.

— Вой, дадажон ундай деманг, улар ёмон одамлар! Келаётганимда чойхона ёнида қаландар кийимидаги бир одам орқамдан анча жойгача кузатиб келди. Қўрқиб

кетдим. Биламан, у қаландар эмас, босмачи, бир кунни отда, милтиқ, қилич тақиб кетаётганида кўриб қолганман. Муғамбир, қаранг энди қаландар бўлиб олибди.

— Даданг жуда соддалар, туғилганлар-ку, шундай тўғриликларича қолганлар, дўст билан душманни ҳали ажратиб олганларича йўқ.

— Сенлар бунақа ишларга аралашманглар. Эркак бир нарса деганда билиб гапиради. Пиримнинг ўзлари менга ихлос қўйганлар. Ҳа, сен ҳам ҳадеб жаврайверма, тилнинг узун бошга етади, ҳа! — деди Деҳқонбой хотинига дашном бериб.

Кўчада от туёқларининг товушлари эшитилди. Деҳқонбой эшик томон югурди, Чўлпон билан онаси ҳам унинг кетидан чиқишди. Ҳартугул отлиқлар қизил аскарлар экан. Улар қаёққадир кетишаётганди. Чўлпоннинг кўзи яна ўша, қорабайир минган йигитга тушди. У гўё отга ёпишиб, сингиб кетгандек эди. Кўзи Чўлпонга тушди-ю, отининг ёлидан ушлаб кулимсираб қўйди. Қиз бирдан кўчанинг нариги бетидаги қия очиқ турган эшикдан қараб турган таниш башарани кўриб қолди. Эрта-лаб чойхона ёнида учратган қаландар кийимдаги ўша босмачи-ку! Бу ерда нега ивирсиб юрибди? Чўлпон унинг юзини бу сафар жуда аниқ кўрди. Афтидан, кўчадан ўтиб бораётган отлиқ қизил жангчиларни бармоқлари билан бирма-бир санаётган эди, у. Қиз жиддий-лашди, отасига қараб: «Дада, ана ўша босмачи», деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Овозингни ўчир, — деди Деҳқонбой ва эшикни занжирлади-ю, қизининг қўлидан қаттиқ тортиб, уйга олиб кириб кетди.

Хуфтонга яқин Деҳқонбойнинг эшиги тақиллаб қолди. «Ким бўлди бу бемаҳал келган», деди-ю, Деҳқонбой кўча эшик томон юрди. «Ким, ким» деганча бориб занжирни туширди. Малла чопон кийган, япалоқдан келган нотаниш одам эшик ёнида турарди.

— Ассалом алайкум, — сертавозелик билан салом берди ҳалиги одам.

Салом-аликдан кейин Деҳқонбой таклиф этмаса ҳам ҳалиги одам пилдираганча, индамай уйга кириб келаверди. Остонага кавушини ечди-ю, уйнинг тўрига чиқиб кетди. Чақирилмаган меҳмоннинг уйга кириб қўнқайиб ўтириб олгани уй эгаларининг гашига тегди. Ноилождан, дастурхон ёзмоқчи бўлишган эди, меҳмон «озора бўлманглар, ҳозир кетаман» деб туриб олди.

Деҳқонбой чақирилмаган меҳмоннинг оғзини пойлаб, пойгакда «хизмат» деганча жим ўтирарди. Чўлпон ҳам, онаси ҳам эшик тирқишидан қараб: «Нимага келибди бу одам», деб ҳайрон бўлар эдилар.

— Бир оғиз гапим бор эди, — гап бошлади меҳмон.

Лекин овози яхши эшитилмади. Гўё унинг оғзи қуриб қолгандай туюлди Деҳқонбойга. Ёнида турган чойнакдан бир пиёла илиб қолган чойни қуйиб меҳмонга узатди. У ҳам шуни кутиб тургандек, чойни бир хўплашда ичди-ю, пиёлани қўли билан чертиб, уй эгасига узатди.

— Нима гап экан?— сўради Деҳқонбой ҳайрон бўлиб.

— Бу ёғини сўрасангиз, қудачилликка келган эдим, — чайналди ҳалиги одам.

— Ия, кимсиз ўзингиз? Қимнинг ўғлига?

— Бахтингиз чопган одам экан, қизингизни қўрбошининг ўзлари сўратяптилар... — ҳалиги одамнинг кўзлари чақнаб кетди.

— Ия, тушунолмадим, бу қанақаси? — Деҳқонбой довдираб қолди.

— Тушунолмадим-тушунолмадим! Эй овсар, ундан кўра раҳмат де, қуллуқ қил, ахир қўрбоши, биласанми ким, эрта-индин пошшо бўладиган одам-а! Яхшилаб тушуниб ол! Ҳа, сен бир юпун одамга шундай одам куёв бўламан дебди-ю, тагин ноз қиласанми!

— Пирим нима дер эканлар, у кишининг олдиларидан ўтишим керак.

— Эй эси паст, ўша мағзава Махсумга ўзимиз тунтириб қўямиз! Қўрбошига йўқ демайди! Ҳар ҳолда пиринг бу ишдан хабардор бўлса керак.

Деҳқонбой нима жавоб айтишни билмай, пешонасидан тер чиқиб кетди. Ўзича-ўзи икки оёғини бир этикка тиқиб турган қаршисидаги номаълум кимсага жавоб ахтарар, қандай қилиб бўлса ҳам уни шу хонадондан тезроқ чиқариб юбориш йўлини ўйларди.

— Тақсир, исмингиз нима, билмайман. Бир нарсани айтиб қўяй, ахир биз бир ғариб бечорамиз, уларга тенг келолмаймиз. — Деҳқонбой бошини эгганча турди.

— Тўғри, сен у кишига тенг эмассан, аммо қизинг муносиб, шу боисдан эшигингни қоқиб келдим... Ҳа, танимасанг таниб қўй, мени Башар полвон дейдилар,— ҳалиги одам мўйловини силаб қўйди.

— Ҳар ҳолда қизим ҳали ёш-да...

Башар полвон деганнинг энди жаҳли чиқиб кетди.

— Пасткаш одам экансан! Али десам бали дейсан! — Гап бундай: сенга икки кун муҳлат, агар ўз ихтиёринг билан қизингни бермас экансан, бу ёғини ўзинг биласан, сен билан адн-бадн айтишиб ўтирмаймиз. Чоршанба кун яна келаман, агар у ёқ-бу ёққа хабар қиладиган бўлсанг, қизингни олиб, ўзингни хотининг билан эшик олдидаги ёнғоққа осиб кетамиз. Ҳазил-пазили йўқ.

— Нима... раҳм қилинг.

— Гап битта, ақл-фаросат билан иш тут, — ҳалиги одам фотиҳа ўқиб ўрнидан турди. Кейин белбоғидан кичик халтача олиб, Деҳқонбойнинг қўлига тутқазди.

— Сен кўрганни ҳали ҳеч ким кўрмайди, бахтинг бор экан.

Деҳқонбой умрида бунақа нарсани кўрмаган эди, қўлига олишни ҳам, ташлаб юборишни ҳам билмай эсанкираб қолди.

— Эй нодон, буни қаттиқ ушла, ахир одамга давлат

бир келади, — ҳалиги одам халтачадаги олтинларни Деҳқонбойнинг бўз яктаги чўнтагига солди-да кўз қисиб қўйди. Кейин орқасига қарамай тез-тез юриб чиқиб кетди.

...Қишлоқ шўросининг идораси тунука томли иморатга жойлашганди. Қишлоқдаги кўзга ташланадиган бирдан-бир салобатли уй ҳам шу эди. Кечқурун шўро раёсининг хонасида қишлоқ активлари йиғилишди.

Николай Иванович мамлакатдаги ҳозирги оғир вазиятни активларга бошдан-оёқ очиқ-ойдин сўзлаб берди. Сиёсий вазиятнинг оғирлиги, иқтисодий қийинчиликлар, очарчилик, хуллас ҳамма-ҳаммасини бирма-бир таҳлил этиб, ҳукуматга ёрдам бериш хусусида қишлоқ активлари билан маслаҳатлашди. Қандай қилиб бўлса ҳам аҳолидан бир оз ғалла тўплаш, пичан тайёрлаш лозимлигини айтди.

Бу масалада қизил жангчиларга кичилар ёрдам бериши мумкинлиги ҳақида узоқ мулоҳаза юритилди.

— Ҳамма ёрдам беради. Лекин ҳар ҳолда олдин анави Пирмат Махсум билан гаплашиб кўриш фойдадан холи эмас, — деди активлардан бири.

— Нима учун шундай деб ўйлайсиз?— сўради Қараганов.

— Чунки, қишлоғимиздаги ҳар ҳолда ўзига тўқ, ғалласи бор хонадонларнинг ҳаммаси ўша кишининг изми билан иш қилади, — деди ҳалиги киши.

— Қўйсангиз-чи! Ўша тулкига ишониб бўладими! Ундан фақат гап оласиз. Бу дунёнинг гаплари қолиб кетиб, сизни беҳиштга олиб кириб фаришталарга рўбарў қилади-да, ўзи қайтиб кета беради.

Ўтирганлар гур этиб кулиб юборишди. Хуллас, гап кетидан гап уланиб мажлис ярим кечага бориб тугади.

Николай Иванович одамларни кузатиб, хонада ўз комиссари Григорий Михайлович билан қолди. Қўшни

хонага иккита каравот қўйилиб, жой қилинганди. Ухлаш олдидан ҳаво олиш учун эшикка чиқишди. Ҳаво беғубор очилиб кетганди. Ойсиз тун қоронғусида юлдузлар чамани яна ҳам ёрқин милтиллайди. Лекин совуқ анча қаттиқ эди. Қаердадир лайча итнинг бетўхтов акиллаши эшитилди, кимдир уни урди шекилли, ангиллаганча бирпасда жим бўлиб қолди.

Григорий Михайлович орқасига бурилган эди, дераза ёнидан қандайдир кўланка юриб кетгандек бўлди. Аввалига ит деб ўйлади. Лекин ҳалиги соя дераза ёнидан тез-тез юриб борди-ю, сайҳонликка чиққач, чопиб кетди.

— Ким экан-а, дераза ёнида ўралашиб юрган анави одам?— ҳайрон бўлди Николай Иванович

— Афтидан, айгоқчига ўхшайди, — деди Григорий Михайлович. — Ушлаш керакмиди?

— Энди кетиб қолди, чопган билан етиб бўлмайди отлар ҳам узоқда, — деди командир афсуслангандай.

— Ҳар ҳолда ёвуз ниятли ғаламис одам бўлмаса бевақт бу ерда ўралашиб юрмас эди, — деди Григорий Михайлович. Кейин қўшиб қўйди. — Йигитларга айтнинг, ҳар ҳолда ҳушёр бўлишсин, эҳтиёткорлик керак. Постлар кучайтирилсин.

— Григорий Михайлович, биласизми, биз бу ерда баъзи маълумотлар тўпландик. Маълум бўлишча, ўша Нурмат қўрбошининг саккиз юздан ортиқ йигити бор эмиш. Қуроллари ҳам етарли. Қўл пулемётлар ҳаммаси чет элдан олинган. Довон орқали қурол-яроғ келиб турибди, дейишяпти. Қаердадир, довоннинг ичида қурол-яроғ сақланадиган жой бор эмиш. Қаерда, кимда, бу ҳозирча жумбоқ. Разведка маълумотлари жуда аниқ эмас. Бизнинг одамларимиз нима учундир ҳеч қандай янги маълумот бермаяпти. Афтидан, довондан ўтиш қийин бўлса керак, бунинг устига яна қор ёғди. Босмачилар одамларининг жонини олиб қўйган. Бирорта киши оғиз

очишга қўрқадн. Бирорта одам бизга ёрдам қилса, биз кетгач, босмачилар уларнинг таъзирини беради. Ҳа, худди шундай, азизим.

— Ҳар ҳолда тил биладиган йигитлар аҳоли ўртасига кириб, тушунтириш ишлари олиб борсин, қаерда ортиқча галла бор, бойларнинг пичан гарамлари қайси жойда, билиб олсак, чакки бўлмас эди.

Улар қайтиб хонага энди киришган ҳам эдики, эшик аста тақиллади.

— Ким у?— Николай Иванович тўппончасини олди.

— Мен...

Николай Иванович эшикни зудлик билан очиб юборди. Эшик остонасида юпунгина кийинган, қўрққанидан дағ-дағ титраб Деҳқонбой турарди.

— Мумкинми, ўғлим, — ийманибгина сўради Деҳқонбой.

— Кириг, нима гап ўзи?— деди Николай Иванович, бу ташрифдан ҳайрон бўлиб.

— Бир ташвиш билан келдим, — деди Деҳқонбой секингина.

— Хўш, қандай ташвиш экан?

— Садағанг кетай, командир ўғлим, менга ёрдам бер, илтимосини ерда қолдирма, яккаю ягона қизим жувонмарг бўлиб кетмасин бу золимлар қўлида...

— Хўш, хўш, отахон, очикроқ гапиринг, ўзи нима гап, ким қизингизни жувонмарг қилаяпти?— сўради меҳрибонлик билан командир.

— Агар билсангиз қизимни бир дўстимнинг ўғлига фотиҳа қилиб қўйганмиз, йигит ҳам кўнглимдагидек яхши бола. Бу йил қиш оғир келди, қор қалин тушди. Довондан ўтиб бўлмайди. Қудалар билан келишиб қўйганмиз. Улар кутиб ётишибди. Агар ҳаво яхши бўлганда аллақачон қизни ташлаб, тинчитиб келган бўлардик. Энди кунлар бир оз юмшаб қолди, йўл очилган бўлса ажаб эмас. Агар бугун-эрта уни эгасига олиб бориб топширмасам, ундан айрилиб қоладиганга ўхшайман.

Сиз билмайсиз бу аблаҳ босмачиларни, бир кечада олиб қочиб кетишадн.

— Ота, кўп ташвиш қилманг, хотиржам бўлинг, бунга ҳеч йўл қўймаймиз, хоҳласангиз қўриқчи бераман...

Чол командирга ўйчан қараб турди. Эрта-ю кеч юрагига ғашлик солаётган, азоб бераётган чуқур туйгуларига бепарволик билан муносабатда бўлаётган қизил командирдан бир оз ўпкалангандек бўлди.

— Қоровул керакмас, командир ўғлим, агар у аблаҳлар қасд қилишса борми, албатта олиб кетишадн, қизимдан тирик жудо бўламан. Уларнинг айғоқчилари ҳамма жойда изғиб юришибди, сизлар ҳам эҳтиёт бўлинглар, уларнинг йигитлари сизларникидан икки-уч баравар кўп.

— Хавотир бўлманг, отахон, биз ҳам бўш келадиганлардан эмасмиз, — деди комиссар.

— Бу майлику-я, лекин ҳушёр бўлмасангизлар, улар кўпчилик. Бир кекса одамнинг сўзига ҳам қулоқ бер. Ҳар хил галлар эшитяпман, қизим қўрбошига ёқиб қолган эмиш, агар бир амаллаб, тезда уни куёвникига жўнатиб юбормасам, қиз кетди деявер, буни юрагим сезиб турибди. Бундай ғам-аламни кўтаролмайман, мени тушунсанглар-чи, болаларим...

Командир бир оз ўйлаб қолди. Чўнтагидан махорка халтачасини олиб, махорканиғижимлаб, шошилмасдан, қирқиб қўйилган хитой қоғозга чиройли қилиб ўради.

— Қизингизни қаерга олиб бориш керак?

— Ҳа, анави тоғ оралиғидаги Яйпан қишлоғига. Бунинг учун икки довондан ўтиш керак.

— Қизингиз от мина оладими?

— Бўлмаса-чи, минганда ҳам чавандознинг ўзи, — деди мағрурлик билан Деҳқонбой.

— Қачон кетгани маъқул?

— Яхшиси, саҳарлаб.

— Довондан ўтиб бўладими?

— Ҳар ҳолда, у ерларга қор кўп тушмаган дейишяпти, бунинг устига ҳаво очилиб кетди, ҳа, бу ёғи кўклам.

— Йўл хавфли-ку, — деди комиссар ташвишланиб.

— Садаганг кетай командир, шунинг учун сенга илтижо билан келдим, бўлмаса ўзим кузатиб олиб бориб қўйиб келардим...

— Шундай денг? Ҳа майли, тонгда қизингиз билан казармага келинг.

Деҳқонбой командирни дуо қила-қила чиқиб кетди.

* *

*

Бу йўллар ғоят гўзал, мафтункор. Бугун эрталабдан қуёш чиқиб, қир-адирлардаги қорларни эритиб юборди. Ердан буғ кўтарилиб, навбахор ҳиди анқиб қолди. Икки отлиқ қир оралиғидаги ёлғизоёқ йўлдан олдин-кейин шитоб билан кетишмоқда. Олдинда бораётган узун бўйли, қадди-басти келишган, сабза мўйловли бу йигитни Чўлпон кунни кеча чойхона ёнидаги майдонда кўрган, узоқдан бўлса ҳам, ҳар ҳолда, танишиб қолганди. Тақдирни қарангки, келиб-келиб, куёвникига элтиб қўйиш шу йигитнинг зиммасига тушибди. Бўлмаса қанча аскар йигитлар бор. Чўлпон шунга ҳам шукур қилди, ҳар ҳолда бу йигитни ўша кунни мажлис бўлган жойда кўриб қолган, кўзи-кўзига тушган. Шу боисдан унга бир оз бўлса ҳам яқин бўлиб қолгандек.

Қизил аскар йигит олдинда, Чўлпон унинг ортидан бормоқда эди. Чўлпон ҳам унга ўхшаб аскарча кийиниб олган. Узоқдан кўрган одам иккита қизил аскар кетяпти, деб ўйлайди. Ҳарбий кийим қизга шу қадар ярашиб тушган эдики, бу қанақа келишган йигит экан ўзи деб, ҳар қандай киши ҳайрон қоларди. Будёновкаси тагидан чиқиб турган кокиллари, камон қошлари остидаги қоп-қора кўзлари... Қандайдир зулмат дунёсида икки ёруғ юлдуз нур сочиб тургандек туюларди. Лекин бу

қайрилма қошлар, жоду кўзлар олдинда мағрур бора-
ётган қизил аскар йигитни озгина бўлса ҳам ўзига жалб
этмагандек. У бепарво, хаёли қандайдир бошқа режа-
лар билан банддек. У отга қамчи босиб олга интилар,
баъзан орқада келаётган ҳамроҳини ҳам тезроқ юр,
деб қистовга оларди.

Қир-адирлар тугаб, энди кенг сайҳонликка чиқишди.
Кечаги ёққан қордан асар қолмабди. Балки бу ерларга
ёғмаган бўлса ҳам ажаб эмас. Майсалар эндигина кўка-
риб, баҳор ўзининг зангори чойшабини адирларга ёй-
моқчи. Йўллар бўм-бўш, одам зоти кўринмайди. Қаер-
дадир ҳаққа сайрайди, негадир безовта бўлади. Гўё,
отлиқларни кўриб, келаётган хавфдан кимндир огоҳ-
лантираётгандек. Бир оздан сўнг сайҳонлик тугаб, яна
ўнқир-чўнқир йўллар бошланди. Энди улар тоғ ёнбағир-
лари бўйлаб кетишяпти. Йўл оғир ва анча хавфли. Аммо
отлар бақувват ва тажрибали эди. Улар бундай йўл-
лардан кўп юрган бўлишса керак. От устида бораётган
чавандозлар ҳам чаккига ўхшамайди. Олдинги отлиқ
гоҳо-гоҳо шеригига: «келяпсанми» дегандек қараб қўя-
ди. Қизнинг от устида дадил келаётганлигини кўриб,
кўнгли таскин топади, кейин яна отга қамчи босади.

Энди улар тоғ ёқасидаги қияликдан кетишяпти.
Пастга қарасангиз, жар бўйи чуқурлик, юрагингиз ор-
қага тортиб кетади. Ҳа, тепадан устингизга тушиб кета-
ётгандек эгилиб турган қудратли қоялар минг-минг
йиллардан бери шу ҳолатда туришибди. Бу ерлардан
кимлар юрмади, кимлар ўтмади. Бу қоялар қандай даҳ-
шатли воқеаларнинг гувоҳи бўлмаган. Қанча қувончли
дамлар, кўз ёшлар... Лекин шу мўйсафид тилсиз тоғлар,
унсиз қоялар ҳеч кимга ҳеч нарса демайди, жимжит сув
қуйгандек...

— Ҳой қиз, сўрамабман ҳам, отинг нима ўзи?—ор-
қасига юзланиб сўради олдинги отлиқ.

Қиз унга қараб ғалати бир қараш қилди. Бу гўё: «ке-
йинроқ сўрардингиз-да», деган маънони англатарди.

— Нега индамайсан, отинг нима деб сўраяпман, ахир билиб қўйишим керак-да ҳар эҳтимолга қарши.

— Шундай денг. Ҳар эҳтимолга қарши денг...— Қиз бир оз кесатгандек бўлиб турди. Кейин нимагадир йигитга бир оз таманно билан қараш қилиб:— Исмим Чўлпон, — деди. Йигит индамади. Энди яна жимгина олға кетишди.

Тоғ ёнбағридаги бу ёлғизоёқ йўлдан кейинги вақтларда ҳеч ким юрмаган, баъзи жойларда излар йўқолиб кетибди. Йўл устига тошлар тушиб, уни бекитиб қўйган, қор-ёмғир сувлари баъзи жойларни бўзиб юборганди.

— Кечирасиз, сизни ким деб чақирай, «ҳар эҳтимолга қарши», — сўради Чўлпон охириги иборага алоҳида маъно бериб.

— Исминми? Менинг исмим Жўрабек.

— Эшитмай қолдим, — сўради Чўлпон.

— Жўрабек, Жўрабек, — таъкидлади йигит.

— Эшитдим, қўшнимизнинг ўғли бор, оти Жўра, аммо беки йўқ...

— Беки йўқ дегин-а...— Шу вақт йигит отининг жиловини қаттиқ тортди. От бирдан тўхтаб қолди, оёғи тагидаги катта харсанг тош пастга қараб гумбурлаганча тушиб кетди.

— Жўрабек ака, эҳтиёг бўлинг.

Йигит орқасида келаётган сарвқомат қизга бир қараб қўйди-ю, ҳеч нарса бўлмагандек кета берди.

Анави энг баланд тоғ тепасидаги паға-паға булутлар чўққилар устига туриб олиб, оппоқ, серсавлат қояларни кўрсатмай қўйди. Шу пайт негадир беўхшов шамол эсиб, самодаги жим турган булутлар тўдасини бирданига ҳаракатга келтирди.

Ҳа, тоғ ҳавоси шундай, бирпасда ўзгаради-қолади. Айниқса баҳор кезларида. Бир кунда бу ерда тўрт фасл ҳавосини кўриш мумкин. Отлиқлар энди баландликдан пастга томон кета бошлашди. Кўм-кўк ўт билан қоплан-

ган тоғ этагига тушишганида яна бир текис манзара пайдо бўлди. Ҳов узоқда бир неча оҳу ўтлаб юрибди. Одамлар шарпасидан ҳуркиб кетган какликлар галаси бирданига гуриллаб кўтарилиб, осмонда бир оз учди-ю, кейин яна қайтиб, сайҳонликнинг нариги томонига ёпирилишди. Оҳулар бўлса аллақачон қочиб қолишди.

— Сочмам бўлганда анави какликлардан беш-олтитасини уриб олардик,— деди Чўлпоннинг ҳаваси қўзғаб.

— Нима қилса ҳам овчининг қизисан-да!

— Узим овчиман, табиатни яхши кўраман.

— Нима қилардинг какликларни отиб? Қуёвникига сеп қилиб олиб борармидинг, — ҳазил қилди Жўрабек.

— Уз қўлим билан сизларга кабоб қилиб берардим.— деди Чўлпон негадир бир оз кесатиброқ.

— Илгари какликдан кабоб қилганмисан?

— Ҳа, кўп марта қилганман, сихи ҳам дарахт новдасидан қилинади.

— Оббо, овчи-ей, зўр экансан-ку!

— Овчилик жуда гаштли иш, аммо дадам кўпинча мени олиб кетмайдилар.

— Яхшиси, битта оҳуни отсак, ана сизга барра гўшт, ана унинг кабоби! Мазза!

— Оҳу қолиптими, одам шарпасини кўрди дегунча бир чақиримдан қочади. Ундан кейин бир ўйланг-а, шундай гўзални отиб бўладими? Қаҳрингиз жуда қаттиқ экан-ку, Жўрабек ака!

— Ахир ҳозир ўзинг айтдинг-ку, каклик отсак деб.

— Каклик бошқа, оҳу бошқа...

— Ахир каклик ҳам чиройли қуш-ку, сайрашини айтмайсанми-а?

— Қуш — қуш, жонивор эмас.

— Ҳали ёш боласан, Чўлпон, — кулди Жўрабек.

— Ёш эмасман, ҳар ҳолда оҳу билан каклик ўртасида катта фарқ бор.

— Лекин мен сенга айтсам, иккаласи ҳам табиат-

нинг ижоди, ҳа, ғоят гўзал ижоди. Милтиқ ўқталишга қўлинг бормайди, киши! Ҳа, агар менга қолса, оирорта ҳам жониворга ўқ узмасдим. Кара, қандай чиройли, кўриб баҳри дилинг очилади, — Жўрабек ўтлоқлардаги жониворларни, тоғ, адирларни кўрсатди.

— Биз жониворлар ҳақида сўзлаяпмиз, уларга раҳм қилияпмиз, одамлар-чи, нега улар ҳақида ўйламаймиз? — Сир оз қизишгандек гапирди Чўлпон.

— Бу бошқа гап. Инсон дунёда энг азиз нарса. Шўро ҳукумати ана шу ҳақда кўпроқ ўйлапти. Етим-есирларни бошини силапти. Аммо, бизнинг душманларимиз ана шунга чидай олмаяптилар. Улар неча йиллар мобайнида инсон деган олий зотни эзиб, топтаб, қул қилиб келдилар. Инқилоб ана шу ҳақсизликка чек қўйди. Кўрдингми, ўшалар деб сен билан биз мана шу тоғ-тошларга юрибмиз, ҳа, сени бахтинг деб. Эй, ҳали кўрасан, сундан кейин шундай ажойиб замонлар келадики...

Чўлпон ер остидан Жўрабекка қараб қўйди. Энди у хаёлга чўмиб маъюсгина кетарди.

Тоғ манзаралари мафтункор. Чўлпон ҳам, Жўрабек ҳам ҳар бири ўз хаёли, ўз орзулари билан банд. Улар табиат гўзалликларини, ҳаётнинг нақадар ширин дақиқаларини хаёл кўзгусида кўраётгандек.

Ҳалиги безовта тураётган шамол бирданига кучайиб, булутларни суриб кетди. Қора булутлар гўё қуюндек босиб келди-ю, бирданига ёмғир шаррос қўйиб кетди. Ҳалиги ўтлаб юрган оҳулар бирпасда қаергадир ғойиб бўлишди-қолди. Какликлар ўша тушган жойидан учиндимми, йўқми, сезилмади. Аммо ёмғир шу қадар тез шиддат билан ёғардики, худди челақ билан қуйгандек эди. Тоғ ёнбағирларидан тушган сув сел бўлиб, сойликларни тўлдириб оқа бошлади.

Чўлпон оёғи остида дарёдек оқаётган сувга қараб, ваҳми келар, отининг жилловини бўш қўйиб, йўлдоши кетидан орқама-орқа эҳтиётлик билан борарди.

Сойликнинг оёғига стишганда энди йўл икки тоғ

оралиғи буйлаб кетарди. Лекин бу йўлдан юриб бўлмасди; чунки тепадан тушаётган сел ана шу оралиқда катта бир дарё ҳосил этганди. Қиялаб кетишга тўғри келарди. Лекин қиялик жуда сирғанчиқ, йиқилиб кетиш ҳеч гап эмасди. Бироқ тўхтаб туриш ҳам мумкин эмас эди. Жўрабек отини тепа томонга буриб, тийғончиқ йўлдан қийналик кўтарила бошлади. Чўлпоннинг оти юрмади, тўхтаганча жойида туриб қолди.

— Жиловни менга бер, — деди Жўрабек ва бир оз тисланиб Чўлпоннинг қўлидан отнинг жиловини олиб тепага торта бошлади. Ҳартугур от юриб кетди. Улар қийнала-қийнала қияликка кўтарила бошлашди.

Жўрабек бир оз юргач, катта қоя тош тагидаги горга кўзи тушди. Отни ўша томонга бурди. Ғор ёнига яқин қолганда отдан тушиб, милтиғини тайёр тутиб ғор томон юрди. Ғор бўм-бўш экан. Афтидан, бу ерда бошқа одамлар ҳам бўлган. Гулхан излари бор эди. Қимдир тошдан ўчоқ қилибди. Бир чеккада хашак ҳам бор. Балки бу ер босмачилар масканидир. Жўрабек тезда қайтиб чиқиб, отларни ўша томонга етаклади.

Қизни ҳам отдан тушириб қўймоқчи эди, Чўлпон «ўзим» деди-ю, чаққонлик билан ерга сакради. Қизнинг кийимлари шалаббо бўлиб, ёмғир ич-ичигача ўтиб кетган, совуқдан лаблари-лабларига тегмасди. Лекин шунда ҳам сир бой бермай, қаршисидаги йигит ёнида ўзини дадил тутарди.

— Сен ичкарига кириб тур, мен бир оз ўтин топиб келаман.

Чўлпон йигитга бирпас қараб турди-да, аввалига негадир горга киргисн келмади, кейин «қўрқди деб ўйламасин тағин» деб, тўппа-тўғри йигитлардек юриш қилиб ўзини ичкарига олди. Бир оз вақт ўтиши билан Чўлпон яна қайтиб чиқди, оти томон юриб, ундаги нарсаларни туширмоқчи бўлди. Жўрабек қизни нари суриб, ивиб, оғир бўлиб кетган нарсаларни отдан тушириб ола бошлади.

— Қаранг, булут устимизда туриб олиб, қасдма-қасдига фақат шу ернинг ўзигагина қуяпти, бошқа жойга ёғаётгани йўқ.

— Бахтинг бор экан, — деди Жўрабек кулимсираб.

— Нега ундай дейсиз?

— Қизларнинг тўйида ёмғир ёғса, бахтли бўлади дейишади.

— Бу тўй эмас-ку, — деди Чўлпон ўзини босиб.

— Ахир мен сени узатиб кетяпман. Шундай бўлгач, бизнинг бу сафаримиз тўйнинг бошланиши.

Чўлпон индамади, уялганидан майда-чуйдаларини кўтарганча ғорга кириб кетди.

— Бу ерда ўтин ҳам бор экан, — ичкаридан Чўлпоннинг овози эшитилди.

— Камлик қилади, — деди Жўрабек.

Бир оздан сўнг ғор ичида гулхан ёнди. Жўрабек атрофидан майда-чуйда хашакларни тўплаб, ўтириш учун жой тайёрлади.

— Мен ташқари чиқиб тураман, сен кийимларингни ечиб, қуришиб ол.

— Керак эмас, шундай ўтира бераман, ўзи қуриб қолади, — деди қиз жиддий.

— Жиннимисан, шамоллаб қоласан-ку, қасал бўлиб қолсанг нима бўлади?

— Қасал бўлмайман...

— Йўқ, бўлмайди, сен ҳам, мен ҳам навбат билан кийимларимизни қуришиб олишимиз керак. Қани, тез бўл.

— Бўлмайди...

— Армияда «бўлмайди», «бормайман» деган гап кетмайди, ҳозирча, мен сенинг командиригман, айтганимни қиласан, — деди Жўрабек қатъий.

— Агар шахсий масалага тааллуқли бўлса, буйруққа бўйсунмаслигим мумкин, — деди Чўлпон бўш келмай.

— Бу шахсий масала эмас-ку!

— Шахсий... ахир мени...

— Агар сен кийимларингни ечиб қуришиб олмасанг, касал бўлиб қолишинг мумкин.

— Менга ортиқча юк бўласан денг...

— Шундай деса ҳам бўлади-ю, лекин бу сал қўполроқ гап экан, — деди ҳазил аралаш Жўрабек.

У ўрнидан туриб чиқиб кетди.

— Қўрқма, қарамайман, — деди у ғор ёнида туриб.

Чўлпон устидаги аскарча кийимларини ечиб, хуржундан бўз кўйлагини олиб кийди. Ҳўл кийимларини яхшилаб сиқиб, гулхан атрофига битта-битта ёйиб қўйди.

— Қира беринг, — деди кейин.

Жўрабек ичкарига кирганда Чўлпон гулхан чеккасида тундек қора кокилларини ёйиб, оловга тикилганча жим ўтирарди. Унинг олпоқ юзи ёмғир сувидан кейин яна ҳам гўзаллашиб кетган, жоду кўзлари гулхан ёғдусида юлдуздек ялтирарди. У этикларини қуришиб қўйиб, олпоқ момиқдек текис оёқларини гулханга тутиб, қўлидаги узун ёғочни силкитиб, чиройли ёнаётган оловнинг тиллари билан ўйнашарди.

Чўлпон эндигина ўн етига қадам қўйган. Ун тўрт кунлик ойдек тўлишган, камолот ёшида. Унинг бутун қизлик латофати эндигина етилиб, қип-қизил ёноқлари ёмғирдан кейин қуёш нурини эмаётган нимранг олманн эслатарди.

Жўрабек қизга тикилганича маҳлиё бўлиб, жим қолди. У ҳам ҳали ёш, шу вақтга қадар севги нима, оила нима эканлигини татиб кўрмаган. Лекин у қиз боланинг шу қадар кўҳлик, шу қадар сулув бўлишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди. Қизил армияга ихтиёрий ёзилгач, нима қилиб бу ёқларга келиб қолганлигини ўзи ҳам билмайди. Қарангки, келиб-келиб командир ҳам шу соҳибжамол қизни қаллиғига олиб боришни унга топширибди-я! Гўё Жўрабек тоғ йўлларини яхши билар эмиш.

— Сиз ҳам энди бемалол кийимларингизни қуритиб олинг, тагин касал бўлиб қолманг, — деди Чўлпон ярим ҳазил аралаш.

— Ортиқча юк бўлиб юрманг демоқчисанда-а?

— Ҳа, қасосли дунё, бирпасда қайтиб келади.

— Сен, овчининг қизи, жуда шўх экансан, билмадим, бунақанги ўткир тилинг билан қаллигингни ҳам роса адабни берсанг керак, — кулди Жўрабек.

— Киши нима экса шуни олади, бугдой экса — бугдой, тариқ экса — тариқ, — Чўлпон ерга қараганча кулимсираб ўтирарди.

— Бу билан нима демоқчисан? — сўради ўзини гўлликка солиб Жўрабек.

— Демоқчиманки, бировни ҳурмат қилсанг — ҳурмат оласан, беҳурмат қилсанг — ҳурматсизлик.

Жўрабек қизнинг қатъий сўзларига бир оз кулимсираб, эгнидаги кийимларини ечиб, битта-битта оловга ёя бошлади. Кейин ўзи ҳам гулхан чеккасига чўкди. Гулханнинг иссиғи чарчаган, совуқ еган баданларга роҳат бахш этар, суякларни қиздириб, қалбларни аллаларди. Қани энди шу чоқ тўйиб бир ухлаб олсанг. Чўлпон қаршисида ярим яланғоч ҳолда серсавлат гавдаси билан олов оқимини тўсиб, бақувват оёқлари, қўлларини иситиб ўтирган қорачадан келган қирра бурун, қундуз қош бу йнгитга кўз қирини ташлади. Жўрабек қадди-басти келшган йнгит эди. Кийим-бошларини ечиб ташлагач, унинг салобатли гавдаси, қоп-қора жингалак сочлари гулхан ёғдусида қадимий қаҳрамонларни эслатарди. Қўлларининг мускуллари курашчиларникидек чиқиб кетган, кўкрагидаги ёли йнгитлик ҳуснига ҳусн қўшарди. Жўрабекнинг гулхан ёнида уйқу элтиб кетаётган ҳолати Чўлпонга ғалати туюлди шекилли, бирдан хохолаб кулиб юборди. Жўрабек бу шўх кулгидан чўчиб кетди, бир оз илинган кўзларини наридан-бери уқалаб, қаршисида ўтирган хушсурат қизга қаради:

— Ҳа, нима гап ўзи? — сўради Жўрабек.

— Қизің, тавба, шундай бўлади деб ҳеч ўйламаган эдим...

— Нима бўпти?

— Утиришимизга қаранг, жуда қизің.

Чўлпон тинмай қаҳ-қаҳ уриб куларди. Жўрабек ўзининг у ёқ-бу ёғига қараб, сержун, кўпол оёқларини яширди. Кўкракларини ёйиб қўйган ҳўл кўйлагига билан ёйиб олди. Кейин ўзининг ҳозирги аҳволдан бир оз уялиб, ўзи ҳам Чўлпонга қўшилиб бор овози билан хоҳлаб кулиб юборди.

— Кўп кулдик, тагин йиғлаб юрмайлик, — деди Чўлпон ўзини кулгидан зўр-базўр тўхтатиб.

Чўлпоннинг сўзи Жўрабекни ҳушёр торгитди. Ахир кимсасиз тоғ ёнбағрида кичик бир гор ичида гулхан ёқиб бемалол кулишиб ўтириш ҳақиқатан ҳам ғалатику! Ҳар қадамда босмачилар изғиб юрибди. Бу ерларда ҳам уларнинг қолган-қутганлари яшириниб юрган бўлса ажаб эмас. Жўрабекнинг юраги бир оз сесканди. Ахир у жуда масъул вазифани бажариш учун кетяпти. Агар Чўлпонга бирор нарса бўлса, бир умр маломатга қолиб кетади. Урндан туриб, гор чеккасига тираб қўйилган милтиқларга қараб қўйди.

— Отлардан хабар олай,— Жўрабек зилдек оғир шинелини яланғоч баданининг устидан кийиб, шошганича чиқди. У анча вақт отлар билан бўлиб қайтиб келганида Чўлпон гулхан ёнида бошига хуржун қўйиб ёнбошлаганча ширин уйқуга кетган эди...

* * *

Эрта билан саҳарлаб яна йўлга тунишди. Кечаги ёмғирдан ҳаммаёқ ювилиб, яшнаб кетгандек эди. Мусаффо тоғ ҳавосини бутун вужудинг билан шмиргинг келади. Қуёш эрта саҳардан тиниқ нур сочади. Ҳа, бутун борлиқ унинг заррин нурларида чўмилаётгандек.

Кечаги осмон тўла булутлар бир кечада қаергадир ғойиб бўлган. Отлар ҳам яхши дам олганидан бўлса керак, манзил қайдасан, деб шипиллаганча олға силжишди.

Бу сафар Чўлпон олдинга ўтиб олганди. У гўё ёмғирдан кейинги лоладек, яна ҳам очилиб кетибди. Жийрон отга аскарча кийимда шундай ярашиб тушган эдики, энди уни ҳеч ким қиз бола демасди. Сочларини ҳам будёновкаси тагига яшириб қўйганди.

Ҳамма ёқ сукутда. Тоғлар уларни кутиб, тантанавор тургандек, отлар туёғининг тақиллашигина эшитиларди. Энди улар сой бўйлаб кетишарди. Кечаги ёмғирдан кейин сойнинг суви яна ҳам кўпайиб, лойқаланиб оқмоқда. Сел қаттиқ келганлиги учун баъзи жойларни уриб кетиб, сойнинг ўзани ҳам ўзгариб кетган, отлар зўр-базўр, қийналиб ўтарди.

Даранинг сойга туташиб кетган жойидан бурқираб чиқаётган тутун кўринди. Жўрабек отининг жиловини тортди. От тисланиб таққа тўхтади. Чўлпон ҳам тўхтади.

— Қара, ҳов анави ерда одамлар борга ўхшайди.

Улар тўхтаб, отларини бир чеккага олишди. Ким бўлиши мумкин? Чўлпоннинг отаси бу томонлар тинч, босмачилар йўқ деб айтган эди-ку! Наҳотки, улар шу ёқларга ҳам ўралашиб қолишган бўлса. Балки босмачилар эмасдир? Бу водийда яйловлар серўт, одамлар ўз мол-қўйларини боқиш учун келишгандир. Қўй боқиб юрган чўпонлар бўлса ҳам ажаб эмас. Ё бўлмаса ўрмон кесиб, ўтин тайёрлашга келган саржинчилардир.

Жўрабек масалани ҳар тарафлама мулоҳаза қилиб кўрди. Лекин нима учундир юраги безовталанарди. Ҳар ҳолда эҳтиёткорлик зарур, ёнида суқсурдай қиз бор. У кўпроқ Чўлпонни ўйларди. Бирор фалокат юз берса борми...

Ўйлаб қараса, ўтиб кетиш учун бошқа йўл йўқ. Икки томон осмонўпар баланд тоғлар билан қопланган. Ор-

қага қайтиш ҳам мумкин эмас. Мана шу икки тоғ оралигидаги йўлдан юриш керак.

— Чўлпон, менга қара, энди ўйлаб иш тутиш керак. Гап бундай. Сен шу ерда қимир этмай турасан, иложи бўлса, кўряпсанми, ҳов анави катта харсанг орқасига бориб яшириниб ўтир. Мен бир разведкага бориб келай. Сени отингни бу ерда қолдиролмайман, бирор одам пайқаб қолиши мумкин. Отлар билан у ерга бориб бўлмайди. Уларни бирор жойга яшириб қўяман. Уқдингни? Ҳушёр бўл! Менга айт-чи, бу ерда бир ўзинг қўрқмайсанми?

— Нега қўрқар эканман, — дадил жавоб берди Чўлпон. Лекин бир ўзи ёлғиз қолаётганлигидан бўлса керак, юзларида негадир маъюслик аломати сезиларди.

— Дадил бўл, сени эсон-омон ўз манзилингга етказаман, шунга сўз берганман, тўйингда ўзим ўйнаб берман.

— Илтимос, энди бу ҳақда гапирманг, ҳозир бундақанги ҳазилнинг мавриди эмас.

— Кечирасан... — Жўрабек отига минди-ю, иккинчисини эргаштириб сой бўйлаб кетди.

Тутун чиқаётган жойга яқинлашгач, отларни ҳеч ким кўрмайдиган жойга боғлаб, у ёғига пиёда кетди. Соё чеккаси бўйлаб бориб, кейин тоғ ёнбағридаги катта тошлар орқасидан яшириниб, ҳалиги одамлар жойлашган соёликни кузатиш учун тоғ чеккасида қояга ёпишиб ўсган арча тагига келиб ёнбошлаганча пастни кузата бошлади. Ҳа, бу ердан соёлик кафтдек бўлиб кўриниб турарди. Ҳамма нарса, ҳатто кичкина нуқталар ҳам киши кўз ўнгидан четда қолмайди. Кузатиш учун жуда қулай жой эди.

Кузатиш бошланди. Гулҳан ёнида икки киши ўтирар, ундан парироқда яна бир киши эндигина сўйилган қўйни дарахтга осиб терисини шилмоқда эди. Дарахтлар остида бўлса, тўртта от ўтлаб юрибди, Жўрабек яна у ёқ-бу ёқни синчиклаб кузата бошлади. Қуроллари борми, йўқ:

ми? Гулхан ёнида ўтирган икки кишининг бири пўстин кийган, бошида сувсар телпак. Униси қора чопон кийиб, устидан белбоғ боғлаб олибди. Бошига дўппи кийиб, устидан пешонасига айлантириб қийиқ боғлабди. Улар иккаласи даҳанларини даҳанларига қўйиб нима ҳақдадир сўзлашар, сувсар телпак кийган мўйловли киши шеригига жон-жаҳди билан ниманидир тушунтирарди. Шу вақт ҳалиги қўй сўяётган киши тайёр нимта гўштларни қўй терисига ўраб олиб келиб, уларнинг ёнига ташлади. Шунда унинг тўни ичидан белига қатор қилиб териб қўйилган ўқлар кўрнниб кетди. Мўйловли киши ўрнидан туриб, гулхан устига осиб қўйилган қозонга челақдаги сувни ағдарди. Кейин сонига тегиб халал бераётган маузерини бир оз орқа томонга суриб қўйиб, ҳалиги нимта гўштларни битта-битта қозонга ташлай бошлади.

Жўрабек булар оддий кишилар эмаслигига энди тўла ишонч ҳосил этди. Демак, уларнинг ҳаммасида ҳам қурол бор. Лекин нима учун отлар тўртта? Битта отнинг эгаси қаерда экан? Ким билсин, улар кўпчилик бўлиши ҳам мумкин. Ҳали шериклари келиб қолишса ҳам ажаб эмас. Катта қозон осишиб, битта бутун қўйни пиширишяпти, ахир. Хўш, бир қўйнинг гўшти неча кишига етади? Бундай ўйлаб қараса, улар ҳаммаси бақувват одамлар. Тўрт кишининг ўзи ҳам еб қўйиши мумкин. Лекин гап бошқа ёқда. Майли, уларни тўрт киши деб фараз қилайлик. Шундай бўлганда бу ердан Чўлпон билан қандай қилиб ўтиб кетиш мумкин? Отлар билан борса дарҳол кўзга ташланади. Фақат жанг қилиш қолади. Хўп майли, жанг қилинганда қандай йўл тутиш керак? Тўрт кишига Жўрабекнинг бир ўзи бакор келолармикин? Битта ўқ билан уш бирёқлик қилиб қўйишлари ҳеч гап эмас. Ахир улар ҳам чакки мерган бўлмасалар керак. Демак, жанг қилиш фойдасиз, ҳар ҳолда бу ерда ақл-фаросат билан иш тутиш керак.

Жўрабек Чўлпондан хавотир ола бошлади. Ҳозир унинг ёнига тезроқ қайтиб бориши керак эди. Лекин бир

дақиқа ҳам бу ердан кетиб бўлмайди. Отлар-ку, бежавотир, ҳар ҳолда яхши жойга яшириб қўйилган. Лекин Чўлпоннинг иши қийин, бир ўзи қолди. Бу хавфли. Қиз бола нарса. Ҳали кўрқиб ўтиргандир. Йўқ, Чўлпон унақанги кўрқадиганлардан эмас. Хаёлига яна бир нарса келди: ҳали Чўлпон «мени келмай қолди» деб қидириб шу томонга келиб қолса-чи? Йўғ-ей, эсини ебдими, жуда ҳам унчалик қилмас, у жуда зийрак, фаросатли қиз.

Шу вақт ҳалиги катта тол тагидаги одам қўйининг қолган калла-почаларини саранжомлади. Кейин сой бўйига бориб юз-қўлларини ювиб келди. Шу вақт сувсар телпак кийган киши уни ёнига чақириб, нимадир деган эди, бу гап ҳалиги одамга маъқул тушди шекилли, чопганича бориб ўтлоқда эгарлоғлиқ турган қорабайирга чаққонлик билан минди-ю, Жўрабек келган томонга қараб от чоптириб кетди. Жўрабек ҳайрон бўлди. Уйлаб қараса, бу яқин атрофда ҳеч ким йўқ, қаерга кетди экан бу отлик? Боши қотди. Нима топшириқ берди экан анави шериги? Жўрабекнинг миясига бир фикр келиб урилди. Йўл-йўлакай Чўлпонни кўриб қолса-я? Ишқилиб қиз тушмагур ҳушёр бўлиб турсин-да. Лекин кўнгли негадир безовта. Вақт ганимат, тезда бир фикрга келиш, ҳаракат қилиш керак. У тоғ ёнбағридаги қия йўл билан секин-аста пастга туша бошлади. Белидаги кичик ханжарини олиб этининг қўнжигга тиқиб қўйди. Пастга тушди-ю, ўтлар орасидан эмаклар ўша қўй сўйилган жойга бир амаллаб келиб олди. Ҳалиги сувсар телпакли одам чўмич билан қозондаги биқиллаб қайнаётган шўрваннинг кўпигини олиб бир чеккага итқитмоқда эди.

— Бўдир, анави ердан бирорта идиш топиб кел,— деди у шеригига юзланиб.

Бўдир дегани япасқидан келган тепакал одам лапанглаб идиш олиб келиш учун ҳалиги қўй сўйилган томонга кела бошлади. Жўрабек катта тол орқасига бекиниб, худди ўз овига ташланмоқчи бўлган йиртқичдек пайт пойлаб турарди. Бўдир дарахт тагига энди етиб

келган ҳам эдики, сувсар телпакли орқасидан бақириб қолди:

— Ҳой Бўдир, эсингни едингми, милтигингни олвол.

Бўдир орқасига бурилди-ю, икки-уч қадам ташлаб шеригига гап отди:

— Эй полвон ака, ўзингиз ҳам юрагингизни б.р оз олдириб қўйибсиз чамамда, бу ерларга ким ҳам к ларди, — деди хотиржамлик билан.

— Шундай дейсан-да, ҳар ҳолда эҳтиёт бўлиш керак. Бу қизил деганинг оёгингни тагидан чиқиб қолади, ўзинг билмай қоласан, шунинг учун милтиқни тақиб юрсанг зарар қилмайсан.

Бўдир қайтиб келиб, дарахтда суёғлиқ турган беш-отарини олиб, бақувват қўллари билан ушлаб у ёқ-бу ёғини кўрди. Кейин затворини очиб, ўқини чиқариб кўрди. Милтиқ ичидаги битта ўқни ташқарига чиқариб ташлади. Кейин затворни шарақлатиб тортиб, ўқларни бирма-бир милтиққа жойлаб, яна қайтариб олди.

— Зўр милтиқ-да, тиши ҳам чаёндек ишлайди, — деди завқланиб.

— Чакки эмас, ишқилиб ажнабий дўстларимиз омон бўлсин, — деди Башар.

Бўдир милтиқни кўтарганча семиз гавдасини лапанглатиб, иккинчи бор қўй сўйилган жойга борди. Шеригининг гапидан кейин анча ҳушёр тортгандек, у ёқ-бу ёққа алаанглаб қўярди. У бир чеккада тўнтарилиб ётган эски тоғорани олди-ю, йўлига қайтди.

Тол орқасида биқиниб турган Жўрабекнинг режаси амалга ошмай қолди. Энди унинг шу дарахт канорасида чидам билан қулай фурсат келишини кутиб туришдан бошқа иложи қолмаган эди.

Жўрабек катта тол орқасидан аста-секин ер бағирлаб чеккадаги ўтлар ўсиб ётган чуқурликка тушди. Бу ер кузатиш учун анча қулай экан. Хаёлига яна бир фикр келди. Бу ерга босмачиларнинг яна бошқа шериклари келармикан ёки йўқми? Тўртинчи отнинг эгаси

қаерда? Анави отлиқ қачон қайтиб келади? Бу саволларнинг ҳаммасига тезда жавоб олиш керак. Бундан кейинги ишлар ана шу режа асосида бориши зарур.

Шу вақт ҳеч ўйламаганда дарахтлар орасидан оҳулар тўдаси пайдо бўлиб, Жўрабек писиб ётган жойга, катта тол сари кела бошлади. «Ия, эси йўқми, буларни, шундай хуркович жонивор-а, оббо, бу ёғи қандай бўлди, — ўйлади Жўрабек. — Тағин анавилар кўриб қолса борми!»

Жўрабек гулхан томон қараб қўйди. Улар ҳозир қозондаги хушбўй ҳид таратиб пишаётган гўшт атрофида гирдикапалак. Теварак-атроф билан ишлари йўқдек. Башар полвон чўмич билан шўрванинг тузини татиб кўрмоқда. Бўдир бўлса майда-чуйда шохларни қалаб, оловни яна жонлантириб юбориш ҳаракатида. У ерда ётиб олиб, кечаги ёмғирдан нам босиб қолганлигидан бурқираб тутаётган шохларни бор кучи билан пуфларди, қани энди олов авж олиб кета қолса. Бўдирнинг кўзи ачиб, чалқанча тушганча ётиб қолди.

— Қараб турганингда шунчалик бўлмасди, бирпасда ўчирдинг-қўйдинг, — деди Башар шўрвани шопираркан.

— Нима қилай, ўтинлар нам тортиб қолибди, ҳалиги ўрик ўтин ҳам ёниб бўлди, — Бўдир оловни титкилаб кетди.

— Оловга тегсанг ўчади, қўшинга тегсанг кўчади, қўй, ҳадеб кавлайверма, бир оз қизисини, ўзи ёниб кетади, — деди Башар зарда қилиб.

Жўрабек уларнинг ўзи билан ўзи овора бўлиб қолганлигидан кўнгли бир оз бўлса ҳам таскин топди. Нима қилиб бўлса ҳам бу жониворларни бу ердан тезда қочириб юбориш керак, деб ўйларди.

Шу вақт тўдадан бир оҳу чиқиб, тўппа-тўғри Жўрабек ётган жойга келиб, ниманидир кавшаниб жим туриб қолди. Жўрабек умри бунёд бўлиб оҳуни ҳеч қачон

бунчалик яқиндан кўрмаганди. Кеча сел келганда тоғ оралиғидаги яйловда Чўлпон билан бирга уларни узоқдан кузатганди. Балки булар ўша оҳулар тўдасидир. Энди бу томонларга келиб қолишибди. Бугун бўлса, мана, ёнгинасида турибди. «Ажабо, табиатнинг саховатига қаранг. Рассом ҳам бундай гўзалликни ўзига ўхшатиб чиза олмаса керак», — ўйлади Жўрабек. Оҳуннинг кўзлари шу қадар чиройли эдики, Жўрабек маҳлиё бўлганча қараб тура берди. Қизиқ: унинг қаерга, кимга, қайси томонга қараётганини билиб бўлмасди, гўё хаёл дарёсига чўмиб кетган қиз кўзларини эслатарди. Ҳа, бу, ўша нигорон кўзлар, худди Чўлпоннинг ёниб турган, хаёлчан кўзлари... Лекин оҳуники Чўлпоннинг кўзларига нисбатан каттароқ, унда бугун тоғ манзаралари акс этгандек. Нима демоқчи эканлигини билиб бўлмас, гўё мазмунсиз гўзаллик эди. Чўлпоннинг кўзларида бутун бир дунё акс этар, гоҳо кулар, аразлаган бўлар, гоҳо ўйчан бўлиб қоларди. Унинг кўзларида ҳаёт жўшқинлиги, гўзалликка интилиш, инсонга меҳр-муҳаббат акс этганди. У ҳозир нима қилаётган экан?

Жўрабек оҳуннинг мазмунсиз уммондек кўзларига маҳлиё бўлганча қотиб қолди. Қимир этишга қўрқар, ҳатто қаттиқроқ нафас олмас, негаки, бундай ҳаракат қаршисида турган жон олувчи кўзларни бир дақиқа ичида ғойиб бўлишга олиб келарди.

Шу вақт нарироқда турган оҳулар ҳам шу томонга юриб қолишди. Жўрабек нима қиларини билмай шошиб қолди. Гўё энди ўзини гўзаллик оламига тушиб қолгандек ҳис этди. Оҳу кўзлар йигитни бутунлай сеҳрлаб қўйгандек. Шоирлар қиз кўзларини бекорга оҳу кўзларига ўхшатмаган экан, — ўйлади Жўрабек. Энди у ҳамма нарсани унутган, бу ердан бир неча қадам нарида кўзи тушиб қолди дегунча уни гажиб ташлашга тайёр турган бўрисифат одамлар борлигини ҳам унутганди.

— Кетинглар бу ердан, тезроқ жўнаб қолинглар, — деди Жўрабек пичирлаб.

Оҳуларнинг қулоғи диккайди, бу нотаниш овоз уларни безовталантирди. Лекин шунда ҳам овоз қаердан, ниманинг овози эканлигини пайқай олмаганликларини учун бўлса керак, қимир этмай туриша берди.

Жўрабек оҳулар бирданига чўчиб кетмасин, шагур-шутур қилиб қочиб қолишса, анавилар билиб қолиб битта-иккитасини қийратишади, деб эҳтиёткорлик билан иш тутди.

— Кўзларинг жуда чиройли экан, тўйиб олдим, энди иссиғида бу ердан жўнаб қолинглар-чи,— деди пичирлаб ва секин-аста калласини кўтарди.

Оҳулар одам шарпасини сезиб қолишди. Биринчи келган оҳу бурилиб, яна ўз йўлига шошилмасдан кета бошлади. Шундан кейин бошқалари ҳам унинг орқасидан жўнаб қолишди. Хуллас, ҳалиги мафтункор кўзлар бир зумда тоғ ёнбағридаги яшил водий ичига кириб, бирпасда ғойиб бўлишди.

Жўрабек булардан «қутулди-ю», гулхан томонга юзланди. Гўё бир дамлик гўзаллик дунёсидан бошқа бир дунёга қайтгандек бўлди. Ҳалиги беғубор кўзлар ўрнига гулхан ёнидаги ваҳшиёна кўзларга дучор бўлди. Ҳа, улар ҳамма нарсага қодир. Кунни-кеча кимнингдир хонадонини қақшатиб олиб келинган қўй гўштининг тезроқ пишишини кутиб ўтиришибди. Ахир улар ҳам одам фарзанди-ку, нега инсоний ҳиссиётлардан маҳрум? Ахир ақл-идроқ, сўзлаш, эшитиш, меҳнат қилиш имкониятига эга бўлган шу одамлар бировларга ёмонлик қилиш учун дунёга келганми? Нега Жўрабек улар билан сўзлашиб, беҳуда қон тўкишларига барҳам беролмайди. Шундайларни деб, анави шўрлик қиз ўз қаллиғи билан қовуша олмаса! Хотиржамлик билан тўй-томоша қилиб турмушга чиқмаса! Бахтга интилган бу ёш қалблар тинч ҳаёт оғушида худди анави оҳулардек эркин юриши керак эмасми? Ҳа, ҳаммасига шулар сабабчи, тинч, бахтиёр ҳаётимизга оғу солишга, инқилоб самараларидан бизни бебаҳра қилишга уринаётган халқ душманлари сабабчи!

Жўрабекнинг газаби ортди, юраги безовта ура бошлади.

Шу вақт тоғ даралари гумбурлаб, узоқдан от туёғининг овози келди.

Жўрабек отлиқ келаётган томонга қараб турди. Босмачи отининг олдига ниманидир ўнгариб олганди. Жуда ҳам хурсанд, ҳаяжонли кўринар, отини йўрғалатганча тўппа-тўғри гулхан томон келди-ю, таққа тўхтади.

— Полвон ака, бу ёққа қараб қўйинг, ажойиб ўлжа олиб келдим, — деди-ю, бошига қоп кийгизилган бир нарсани кўтариб олиб, ўт устига ётқизди.

— Ҳа, кўриб қўйинг, биз ҳам юрган йигитлардан... Қаранг-а, қидирганимиз оёғимиз остидан чиқиб турибди-я! Аммо мана бу кўр Бўдирга аҳтиёт бўлинг, — деди-ю бошига ўралган гавдани очиб юборди. Ер билан битта бўлиб, сочлари тўзғинган, юзлари тимдаланган Чўлпон ётарди.

Жўрабекнинг юраги қинидан чиқиб кетай деди, «дод» деб юборишига озгина қолди! Милтиғини ушлаганча нима қиларини билмай юраги типирчилар, азоб чекар, маънавий эзиларди. Ҳар турли хаёлларга борди, юраги чидамай, ҳозирнинг ўзидаёқ ҳужум қилмоқчи ҳам бўлди. Лекин ўзини босди. Бундай пайтларда «жонфидолик» қилиш ўз-ўзини ўлдириш, Чўлпонни ҳам ҳалокат ёқасига олиб бориш бўлар эди.

— Полвон ака, Бухоро амирининг ҳарамида ҳам бунақаси бўлмаган. Ҳали қўй сўяётганимда бурним қичишган эди-ю, мени у ёқларга омад етаклаб борган экан, энди қимиз ўрнига шунини баҳам кўрамызда-а? — аския қилган бўлди босмачи. Кейини Бўдир томонга юзланиб гап бошлади: — Кўриб қўй, ҳой Бўдир, дунёда бунақанги гўзал нарсалар ҳам бўлар экан!

— Роса бизбоп экан-ку, бу момақаймоқ, — Бўдир унинг гапига талтайиб кетиб ўрнидан турди-да, мажолсиз ётган қизга яқинлашди.

— Унга яқинлашма! — деди қатъийлик билан Башар полвон.

Чўлпон сўзлай олмас, қаршисида турган барзангидек-барзангидек одамлардан нажот чиқмаслигини биллиб, кўзига ёш олар, юрагидаги нафрат ўтларини соча олар эди, холос.

— Сен, болакай, ҳовлиқма, бу жононни хўжайинга тортиқ қилиш керак,— деди Башар босиқлик билан.

— Эй, полвон ака, қўрбоши сиздан миннатдор бўлармиди, унга ҳар куни олиб келиб туришибди, қўйинг, буни бизга худонинг ўзи етказди, ахир саҳрома-саҳро, тоғма-тоғ юравериб ўлиб бўлдик-ку!

— Кўп ҳаддингдан оша берма, сенинг тенгинг бу эмас!

— Нега энди?— таажжублангандек бўлди Бўдир.

— Бу қиз аслзодаларга лойиқ, сенга ўхшаган яланг-оёқларга эмас!

— Ахир, ҳозир замон ялангоёқларники-ку, полвон ака, буни унутибсиз-да?— галати кесатиш қилди Бўдир.

— Шундай дегин? Сен ўшалардан экансан-да, ҳали нчимизга плон солиб юрган эканмиз-да!

Башар маузерини чиқариб, тўппа-тўғри Бўдирга ўқталиб, у томонга юра бошлади.

— Ия, полвон ака, ҳазиллашяпсизми, вой-вой, ақлингизни едингизми, бу нимаси ўзи?— деди Бўдир ёлвориб.

— Қизил иблис, сен ўшаларнинг айғоқчиси экансан-да, а?!

Лекин Бўдир бўш келмади, бир сапчиди-ю, Башарнинг қўлидаги маузерини тушириб юборди. Икковлон слишиб кетишди. Улар ўт устида худди итдек хириллашар, бир-бирини мижиғлаб, ғажиб ташлагандек бўлишарди. Нима бўлди-ю, Башарнинг боши тошга урилиб ўзини ўнглай олмай қолди. Бўдир пайтдан фойдаланиб, сапчиб ўрнидан туриб олди. Кейин ўзини ўнглаб олиб Башарни тепкилай кетди. Башарнинг телпаксиз қолган тақир бошидан қон оқар, ётган жойида Бўдирни бўралаб сўкарди. Охири Башар бундай ҳақоратга чидай ол-

мади, ғазаб кучи билан ўрнидан туриб кетди, қаердан-
дир қўлига тушиб қолган тош билан қаршисида ирил-
габ турган мухалифининг калласига урди. Бўдир дод
деганча бошини ушлаб ерга йиқилди. Башарга жон кир-
ди, дарҳол ерда ётган маузерини олиб, Бўдирнинг тепа-
сига келди. Бўдирнинг чаккасидан оқаётган қоп-қора
қоп юзлари аралаш тушиб, башарасини таниб бўлма-
диган ҳолга келтирган эди. У ҳушдан кетганга ўхшаб
отар, бир кўзи юмилган, кўр кўзи бўлса, негандир очиқ
қолганди.

— Аблаҳ, ҳали сенми менга қўл кўтарадиган!— Ба-
шар кетма-кет ўқ узди. Бўдир қимир этмади ҳам.
Афтидан, ўша тошнинг зарбасидан аллақачон ўлиб қол-
ганди.

Башар от ёнида нима қиларини билмай қўрқа-писа
турган семиз босмачига қаради.

— Ҳа, нима қилиб томоша қилиб турибсан? Мени
ўлдириб қўйса ҳам ишинг йўқ-а!— Башар маузерни унга
қаратди.

— Йўқ... йўқ...

— Сотқинлар, оёқяланглар!

Учинчи ўқ, семиз босмачини ҳам ернарчип қилди.

Башар шошганча бориб, ерда боғлиқ ётган Чўлпон-
ни даст кўтариб отга ўнгарди, кейин ўзи ҳам чаққонлик
билан миниб олди.

Бу фожиали саҳна қаршисида томошабин бўлиб
турган Жўрабек қўққисдан қилинган бу ҳаракат олдида
аввалига нима қиларини билмай бир оз эсанкираб қол-
ди. Лекин бирпасда ўзини ўнглаб олди.

— Тўхта, тўхта деяпман!— Биринчи ўқ Башарнинг
бошидан ҳуштак чалиб ўтиб кетди. Аммо Башар отига
яна ҳам қаттиқ қамчи босди.

— Тўхта!— бақирди Жўрабек. Иккинчи ўқ унинг
сувсар телпагини учуриб кетди. Башар, мерганнинг учин-
чи ўқи юрагига тегишини билди шекилли. Чўлпонни
йўлда қолдириб, отга ёнбошлаганча узоқлашиб кетди.

Жўрабек ҳалиги эгарлоғлиқ турган қорабайирга минди-ю, от солиб Чўлпоннинг тепасига келди.

— Тирикмисан, Чўлпон?

Чўлпон Жўрабекни кўрди-ю, кўнгли жойинга тушиб, астагина жилмайди.

— Ҳартугул тирик экансан...— деди юзига қон югуриб Жўрабек.

— Тирикка ўхшайман...— Чўлпон унга меҳрли кўзлари билан қараб турди.

— Хўш, келинпошша, сенга нима бўлди, бошқа куёв олиб қочиб кетаётган экан, зўр-базўр ушлаб қолдим-а!

— Келин... келин... ўзингиз қаерларга кетиб қолдингиз... мени ташлаб,— ўпкаланди Чўлпон.

— Разведкага дедим-ку!

— Разведкага... шунча кетадими?— Чўлпон сўлғин кўзларини юмди.

— Ўзинг кўриб турибсан-ку буларни...

— Бир отлиқ келаётган экан... сиз деб... унга пешвоз чиқибман... қарасам, бегона...

— Ия, менга ўхшамайди-ку, жуда семиз одам-ку!

— Узоқдан ориқми, семизми билиб бўлмади... Бунинг устига отининг ранги ҳам... сизникига ўхшар экан.—

Чўлпон жилмайди. Толиққан юзларида табассум пайдо бўлди.

— Майли, сен кўп сўзлама, бир оз дам ол,— деди Жўрабек ва Чўлпонни кўтариб ҳалиги гулхан ёнига юрди. Унинг кетидан отлар эргашди.

Жўрабек шинелини ёзиб, қизни гулхан чеккасига ётқизди. Чўлпон қандайдир қаттиқ зарбадан анча озор чеккан эди. У бошини кўтаролмай кечгача ётди. Уридан турса боши айланар, кўнгли ғалати бўларди. Жўрабек Чўлпоннинг оғир аҳволини кўриб гарчи хатарли бўлса ҳам, бу оқшом шу ерда тунаб қолишга қарор қилди.

Чўлпон эрта тонг билан уйғонди. Ухлаб анча тиниққан эди. Туриб, ўзининг у ёқ-бу ёғини тартибга солган бўлди. Кейин ювиниб келиш учун сой бўйига тушди. Жўрабек бўлса, аллақачон уйғониб, йўлга тайёргарлик кўриш билан машғул эди.

Бир оздан кейин Чўлпон ювиниб-тараниб гулхан ёқилган жойга қайтди. Чўлпоннинг қўлидаги пичоқ теккан жойи қаттиқ оғриқ берарди. Жўрабек жароҳатни қайта очиб боғлади.

— Шундай қизга озор бериш мумкинми-а? Вой куёв тушмагур-эй,— ҳазиллашди Жўрабек.

— Куёв эмиш, нега энди куёв бўларкан!

Чўлпон уни олиб қочмоқчи бўлган мўйловдор босмачини эслади.

— Вой, энди эсимга тушди, мени олиб қочган босмачи бизникига совчиликка борган эди-я, тавба!

— Ия, ия, куёв ҳам, совчи ҳам шу ердами дейман!— хандон ташлаб кулди Жўрабек.

— Ҳазил эмас, ўша қочган одам Башар полвон деган, ҳа, қўрбошининг энг яқин кишиси. Бир-бирининг бошини еди,— деди газабланиб Чўлпон.

— Айтишларича, Кавказда куёвлар қизни мана шу куёвга ўхшаб олиб қочишар экан, бир дўстим айтиб берганди.

— Бошига уриб, кўнглини оздирибми?

— Йўғ-ей, кавказликлар жасур, кучли йигитлар бўлади. Агар қиз бола севган йигитининг қўлига тушса борми, эй, сен билмайсан, маҳкам қучоқлаб отга ўнгариб олиб кетаверар экан...

— Қизиқ...— деди Чўлпон ерга қараб.

— Ҳа, ҳа, жуда қизиқ. Уша кавказлик ошнам, ҳа, оти Шота эди, ўзи ҳам севган қизини олиб қочганлардан.

— Қиз рози бўлмаса-чи?— сўради Чўлпон.

— Қавказ йигитлари қиз рози бўлмаса олиб қочишмас экан.

— Бўлмаса нега олиб қочишади, қизнинг ўзи рози бўлгандан кейин...

— Баъзан ота-онаси розилик бермайди, ана шундай пайтда йигит қиз билан желишиб қочар экан...

— Шундай денг...

Чўлпон негадир хаёлга чўмиб кетди. Қаршисида ўтирган ажойиб, жасур аскар йигитга қараб-қараб қўяр, бир нарса демоқчи бўлиб, лабини жуфтлаб, лекин айтолмасди. Жўрабек қизнинг нимадир айтмоқчи, бирор нарса сўрамоқчи эканлигини пайқади шекилли, унга юзланиб:

— Хўш, келинчак, энди нима қиламиз?— деди.— Тагин куёв у ёқда кутиб қолмасин.

— Жўрабек ака, менга қаранг...

— Хўш, мана, қарадим, икки қулоғим сенда.

— Ҳадеб ҳазилга ола берманг...— ўпкalandи Чўлпон.

— Хўш, нима дейсан?

— Агар сиз...

— Нима мен?

— Агар... севган қизингизни олиб қочиб кета олар-мидингиз?

— Қаёққа олиб қочаман?

— ...

— Қаёққа-а?

— Масалан, ҳов анави тоққа!

— Бўлмайди.

— Нега?

— Жуда баланд.

— Сизга нуқул ҳазил бўлса...

Жўрабекнинг юраги бирдан гурсиллаб уриб кетди. Хаёли қочди. Шундай ажиб соҳибжамол қиз унга кўнгил бериб қолган бўлса-я! Бунини у ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди. Агар шу қиз билан ҳаётини бирга қурса бир умрга бахтиёр бўлмасмиди? Уни ўз қишлоғига

олиб кетиб, бутун овулга кўз-кўз қилган бўларди. Ҳа, хотиннинг борми деса бордек-да! Отаси, онаси, синглиси, қариндош-уруғлари хурсанд бўлишиб, катта тўй қилиб беришган бўларди. Тезда босмачилар ҳам туғаб кетали, ўзи ўқишга киради, ишлайди. Чўлпоннинг отаси ҳам, онаси ҳам рози бўлади, албатта, ахир қизини мендек йигитга бермаса кимга беради.

— Чўлпон, куёвни ўзинг кўрганмисан?

— Йўқ...

Жўрабек яна хаёлга кетди. Куёвини билмаса, бирор марта кўрган бўлмаса, қандай қилиб бегона бир одамга танмай туриб кўнгил қўяди? Чўлпоннинг отаси йўлга кузатиб қўяр экан: «Сенга жошимни бериб юборяпман, эсон-омон эгасига топшир, қизим тинч бўлса биз ҳам тинч», деган эди. Меҳнатқаш, гоят жафоқаш, содда одам. Ишқилиб эсон-омон бўлишсин.

— Қани тур, йўлга тушамиз, мана энди яна бир тоғдан ошсак, у ёғи куёвнинг қишлоғи.

Чўлпон индамади. Урнидан туриб, майда-чуйдаларни йиғиштира бошлади.

— Энди отимиз олтига бўлди, ҳаммасини олиб кетишга тўғри келади, Қизил Армияга от керак, битта отга юқларни ортамиз,— деди Жўрабек ер остидан Чўлпонга қараб.

Чўлпон гапирмас, аразлагандек эди. Жўрабекка қарамас, нарсаларни тез-тез йиғиб, бир жойга жам этди. Хуржуннинг икки кўзига ўзига тегишли нарсаларнигина солди.

— Анали милтиқни сен кўтариб ол, отини биласанку!

Чўлпон яна индамай, Жўрабекка таажжублангандек ғалати қараш қилди. Ердаги милтиқни олиб шақиллатиб затворини очиб-ёпди. Уқларни олиб, елкасидан ўтказиб олди. Бу билан «милтиқ отини биламан», демоқчи эди.

Чўлпон ўзига оро бериб, гимнастёркасига камарни

яхшилаб торта бошлади. Бошига будёновкасини кийиб, икки сочини орқасига ташлаб олди. Кейин интизомли жангчидек, от эгарлаётган ҳамроҳини кутиб турди. Жўрабек ўз отини йўлга тайёр қилгач, Чўлпоннинг отини ҳам қайтадан у ёқ-бу ёғини тортиб, эгар-жабдуқларини маҳкамлаб берди.

— Кетдикми?

— ...

— Нега индамай қолдинг?

— Нима ҳам дердим...

Чўлпон аразлаган бўлиб отга минди. Ўзи билмай жийроннинг юганини қаттиқ тортиб юборган эди, от икки оёғини кўтариб гижинглаб юборди ва қизни олға қараб суриб кетди.

— Тўхта, нима қиляпсан ўзи, оббо шайтон қиз-ей!

Чўлпон зўр-базўр отни тўхтатиб олди. Кейин секин-аста юриб Жўрабекнинг ёнига келди-да, индамай ерга қараганча буйруқ кутиб турди.

— Жангчи мана бундай бўлади, сени отрядимизга олсак ҳам бўларди-ю, лекин...

— Нима лекин?— Чўлпоннинг дили равшан тортиб кетди.— Жон-жон деб Қизил Армияга кирардим, ахир бир жангчидек хизмат қилоламан...

— Ҳозир қийин, ўзинг кўрдинг-ку, ҳаммаёқ босмачи, у ёқда оқлар, отрядимизнинг ҳоли не кечди, билмайман.

— Мени қўрқади деб ўйламанг, отам овчи, мерганликда манаман деган йигитларни ҳам қочираман.

— Қизил Армияга кириш учун фəқат мерганлик кифəя эмас.

— Ҳаммасига чидар эдим, ўрганардим, ўқирдим. Яхшиси, мени қайтариб олиб кетинг, илтижо қиламан. Мени ўзингиз...— У бирданига жим бўлиб қолди. Бир оз ўйлаб турди-да:— Кейин икковимиз бирга хизмат қила берардик...— деб қўйди.

— Биласанми, Чўлпон, мен командиримнинг топши-

риғи билан сени ўша ёққа олиб кетяпман. Отанг олдида ваъда берганман. Мен ўз бурчимни бажаришим керак. Ахир мен дунёда энг адолатли давлат бўлган Шўро ҳукумати армиясининг жангчисиман. Сен биласанми Қизил Армиянинг кучи нимада эканлигини?

— Тушундим,— деди маъюслик билан Чўлпон.

— Йўқ, ҳали тушунганингча йўқ. Қизил Армия халқники. Ҳа, у сен билан бизга ўхшаган меҳнаткашдан ташкил топган. Шунинг учун ҳамма камбағаллар унга ишонади. Биласанми, ҳамма ишонади. Шунинг учун ҳам, бу армия кучли, енгилмайди. О, ҳали кўрасан, дунёда энг қудратли қўшин ҳам бизники бўлиб қолади. Ҳеч ким уни енга олмайди.

Жўрабек ўзи айтган гаплардан хурсанд бўлиб кетди. Командири ҳам худди шундай қилиб сўзлаган эди. Ҳозир унинг сўзлаши ҳам командирниқига ўхшаб кетди. Аммо Жўрабек ҳозир бу гапларни фақат бир кишига, қиз болага айтяпти. Қани энди ҳозир шу ерда анча оғам бўлса-ю, шу гапларни уларга тушунтириб берса! «Агар бирор жойда шундай қилиб сўзлаб берсам борми, жуда зўр иш бўларди»,— ўйлади Жўрабек ўзинча.

— Агар Қизил қўшин сиз билан менга ўхшаш камбағаллардан ташкил топган экан, унда мени ҳам олинлар ўзларингга!

— Сабр қил, бунни ҳам вақт-соати келиб қолар, дини, юр кетдик,— деди-да, ўзи олға ўтиб кета бошлади Жўрабек.

Улар яна йўлга чиқишди. Энди офтоб чиқиб, ҳамма ёққа ёйилиб кетганди. Қуёш ғоят ёқимли, баданларга хуш ёқарди. Оппоқ қор билан қопланган тоғ чўққилари яна ҳам ёрқин кўринар, тоғдан эсаётган совуқ шабада қуёшда қизиган юзларга урилиб, қандайдир роҳатбахш ҳис уйғотарди.

Энди қўрқинчли йўллар орқада қолди.

Жўрабек йўрғасига сингиб кетгандек, ширин орзу-

лар оғушида табнатнинг гўзаллигига мафтун бўлиб, аста-секин куйлаб юборди.

Кўз илмас баланд тоғлар,
Не учун сукут сақлар?
Мен кимга ошиқ ўлдим,
Юрагим эзиб доғлар...
Тоғ бошида бир булоқ,
Бормоқ қийин, йўл узоқ.
Юрагимда дардим кўп,
Дилбаргинам, бер қулоқ...

Унинг қўшиғи тоғ дараларига урилиб, табнатнинг мафтункор гўзаллигига ҳамоҳангдек, гўё баланд тоғ тизмаларига бориб тирмашарди.

Яна тоғ оралиғида кенг сайҳонлик бошланди. Чўлпон отига қамчи уриб, ҳамроҳига тенглашди. Жўрабекка бир нарса демоқчи бўлди-ю, айтолмади. Жўрабек бўлса, ўзининг ички ҳиссиётлари билан, ҳозирги айтган қўшиғининг кайфи билан банд эди.

Чўлпоннинг оти аста-секин орқада қола бошлади. Жўрабек кўзини бир нуқтага тикканча жим кетар, энди қўшиқ ҳам тинган, фақат отларнинг туёқ товушигина тоғ дараларига урилиб акс-садо берарди.

Улар хуфтонга яқин қишлоққа кириб боришди. Ҳаммаёқ зимистон, унда-бунда милтираган чироқ кўринади. Ҳаммаёқни қандайдир аччиқ тутун ҳиди қоплаб олган. Итларнинг чакаги тинмайди, қаердадир оч бўрнининг увиллаган овози келади. Кўчаларда бирорта ҳам одам зоти кўринмайди. Қудрат қандолатчининг уйини топиш керак. Деҳқонбой ака довондан ошиб, қишлоққа етганингизда катта чинор бор, тагидан тезоқар ариқ ўтади, ўша ердаги кўк эшикли уй, деб тушунтирган эди.

Қоронғида кўк эшикни топиб бўлармиди? Ҳар ҳолда ҳов анави ерда катта чинор кўриняпти. Улар ўша томон кетишди. Отлиқлар чинор тагига боришганда, ариқдан бир тегирмон сув шалдираб оқиб ётарди. Жўрабек отдан тушиб, ёғочдан қилинган кичик бир кўприкдан ўтиб, кўк

эшик ёнига борди. Эшикнинг катта ҳалқасини ушлаб аста-секин тақиллата бошлади. Ичкаридан ҳеч ким садо бермади. Эшик тирқишидан қаради. Ҳовлида ҳеч ким кўринмайди, ҳаммаёқ қоп-қоронғи. Энди бор кучи билан тақиллата бошлади. Уйдагилар ё ухлаб қолишган, ёки бирор ёққа кетишган, ўйлади Жўрабек.

Энди у қўлидаги қамчисининг дастаси билан эшикни ура бошлади. Шу вақт ичкарида эшик гийёқ этиб очилди. Кимдир эшик томон юриб кела бошлади-да, нарироқда тўхтаб, қўрқа-писа сўради:

— Ким бу?

— Қудрат аканинг уйими шу?

— Ҳа, шу, кимсизлар ўзингизлар?

— Биз Боғидарёдан келдик.

— Кимсиз ўзингиз, нега бевақт юрибсизлар?

— Очинг, ишимиз бор.

— Йўқ, очолмайман, яхшиси эрта билан барвақт келинглар.

— Ие, Қудрат ака, сизникига келяпмиз ўзи, бошқа борар жойимиз йўқ, очинг. Деҳқонбой ака сизга салом айтиб юбордилар.

— Қайси Деҳқонбой ака ўзи?

— Овчи Деҳқонбой ака, очинг, қизларини ҳам олиб келдим.

— Қизлари, ня, Чўлпонними? Қандай қилиб...

Қудрат ака шоша-пиша занжирини туширди, кейин эшикка тираб қўйган тамбани олиб ташлади. Эшикни очиб, меҳмонлар билан самимий саломлашди.

— Войбў, жуда кечга қолибсизлар-ку!

— Ҳа, йўлда бир оз тутилиб қолдик.

— Қўрқмай келганларингизни қаранглар-а, ҳаммаёқ босмачи-ку! Деҳқонбой ака қандай қилиб шундай пайт-да қизини ишониб юборди экан-а?

Улар ичкари киришди. Ҳовли саҳни катта эди.

— Нега отларингиз кўп? — Қудрат ака бир отларга, бир Жўрабекка қаради.

— Йўлда босмачилардан олдик.

— Қандай қилиб? Сизлар кўпчилик эдингларми?

— Йўқ, икковимиз...

Чўлпон гапга аралашди.

— Ҳаммаси Жўрабек аканинг иши,— деб кулиб қўйди.

— Сен Чўлпонмисан?— сўради қайтадан Қудрат ака.

— Ҳа, Чўлпонман. Ассалом алайкум,— Чўлпон уялибгина салом берди.

— Ваалайкум ассалом, қизим, хуш келибсиз. Ҳой ойиси, тезроқ чиқ бу ёққа, азиз меҳмонлар келишди.

Ичкарида чироқ ёнди, аёл кишининг йўталган овози эшитилди. Болалар ҳам уйғониб кетишди.

— Жуда эрта ётар экансизлар,— деди Жўрабек Қудрат акага юзланиб.

— Саҳарлаб туриш керак, ўғлим яйловга кетган, бугун дараги бўлмади. Энди эртага келса керак.

— Ўглингизнинг оти нима?

— Арслон.

Жўрабек ер остидан Чўлпонга қараб қўйди. Чўлпон ўзини билмасликка олиб, отдан туширган нарсаларни кўтариб чироқ ёнган уй томон юра бошлади. Шу вақт ичкаридан унга юзма-юз ҳалиги аёл чиқиб келди. Аёл Чўлпон билан қадрдонлардек қучоқлашиб кўришди.

— Келар экансан-ку, Чўлпоной, сени кута бериб кўзларим тўрт бўлди! Арслон ҳар куни довонга бир марта чиқиб келади.

Чўлпон ерга қараганча жим тура берди.

Хуллас, Қудрат акалар хонадонида ўша кеча яна қайта чироқ ёнди. Уй эгалари Чўлпонни ҳеч қаерга ишонимас, Зухра опа бўлса Чўлпоннинг атрофида гирдикапалак эди. Жўрабек ҳам иззат-ҳурматда. Қуда томоннинг кишиси бўлганлиги учун унга алоҳида эътибор билдирилмоқда. Кечаси алламаҳал бўлиб қолганига қарамай, Зухра опа сабзи тўғраб ошга уннаб кетди. Бир соатга етмай ошни дамлаб, самоварни жағиллатиб олиб

келиб қўйди. Дастурхон ёзиб, турли нозу неъматлар қўйди.

— Хўп келибсизлар-да! Дехқонбой аканинг соғлиқлари яхшими? Ойинг эсон-омон юрибдиларми?

— Ойим сизга кўпдан-кўп салом айтиб юбордилар, ўзлари йўллар яхши бўлиб қолса борарман, дедилар.

— Ўзим ҳам сени шундай деб ўйлаган эдим, худо сени бахтли қилсин, қизим.

Зухра она бўлажак келинининг хусни жамолига қараб тўймас, ҳар гапнинг бирида худога минг бор шукр айтиб, шу хушбичим қизининг ўғли билан бахтиёр ҳаёт кечириб, ували-жували бўлиб кетишини орзу қиларди.

Бир оздан кейин Зухра она чиқиб ош сузиб келди. Ҳаммалари катта лаган атрофига чўкишди. Энди ошга қўл уришган ҳам эдики, эшик тақиллади. Ҳаммалари жим бўлиб қолишди. Зухра опанинг ранги қув ўчиб кетди. Бунақа воқеалардан зада бўлиб қолган болалар ичкари уйга кириб кетишди. Босмачилар безовта қила бериб юрак олдириб қўйишган эмасми! Шундай бўлгач, бунақанги эшик тақиллашлар албатта бирорта ғавғо олиб келишини яхши билишади.

— Чироқни ўчирин керак,— деди маузерни қўлга олар экан Жўрабек ва деворга суяб қўйилган милтиқларни олиб, биттасини Чўлпонга, иккинчисини Қудрат акага берди. Яна битта милтиқни эҳтиётдан ўзи олди. Чироқ ўчди. Ҳаммаёқ яна зимистонга айланди. Эшик олдидаги тезоқар сувнинг шовуллаши юракка ваҳима солади. Узоқда, тоғ ёнбағирларида қандайдир гулханлар ёнмоқда.

Улар учовлашиб ҳовлига чиқиб, девор тагидан кўча эшик томон юришди.

— Сизлар шу ерда туринглар, мен хабар олай-чи, ким экан,— деди Қудрат ака.

Қудрат ака шундай деди-ю, эшикка яқин борган ҳам эди, бу сафар эшик тақилламасдан кимдир уни тимдалагандек бўлди. Қудрат ака яна бир оз қулоғини динг қи-

либ, яна нима гап чиқар экан дегандек, эшикка тикилганча турди. Кимдир инграгандек бўлди.

— Ким бор эшикда?

— Мен...

— Ким?

— Мен... очинг...

— Арслон!

— Мен...

Уй эшиги ёнида буларни кузатиб турган Зухра опа додлаб юборди, Қудрат аканинг эси чиқиб кетди, ҳовлиққанидан бориб эшикни очди. Қоронғида кимдир — тупроққа қорилиб ётарди. Унинг тепасида тулпори депсиниб кишнаб бетоқат бўлиб турарди...

Арслонни учовлашиб ичкарига олиб киришди. Чироқ ёнди. Йигит оёғидан ўқ еган, қон кўп кетганлигидан бутунлай ҳолдан тойганди. Сув ичиришди. Ярасини тезда боғлаш керак. Фақат ўқ ичида қолмаган бўлса бас. Чўлпон самовардан иссиқ сув олиб келиб, йигитнинг оёғини ювди, тозалади, кейин дори қўйиб боғлади. Йигитнинг жони бир оз ором олиб, эси жойинга келиб атрофдагиларга қаради.

— Булар... Ким?

— Бу Чўлпон...

— Хул... келибсиз...—пичирлади Арслон.

Бу-чи, дегандек Жўрабекка қаради. Жўрабек бунни пайқадн-ю, ўзи жавоб бериб қўя қолди.

— Мен қизил аскар, командиримнинг топшириғи билан келдим.

— Жуда яхши... Менга қара... қизил аскар, фақат... фақат сенинг ўзингга... айтадиган,.. гапим бор,—Арслон оғриқнинг қаттиқлигидан терлаб, гоҳ ўзига келиб, гоҳ ўзидан кетиб турарди.

— Қулогим сенда, айта бер.

— Айт, ҳамма чиқиб кетсин,—Арслон кўзини юмди.

Уйдагилар чиқиб кетишди.

— Бемалол айта бер, ҳамма чиқиб кетди.

— Эшит, қизил аскар... Мен ЧЕКА ходимиман. Гапимни яхшилаб тингла. Довоннинг нариги томонида босмачиларнинг жуда катта шайкаси тўпланган. Олти юз отлиқ... Эшитдингми, олти юз! Унта станок... пулемёт... инглизлар яна қурол юборишяпти. Яна бир гап... Шўро қўмитасининг раиси сотқин. Иккинчи гап... яхшилаб уқиб ол. Шайхнинг мазорида жуда кўп қурол-яроғ бор.

Чўнтагидан карта олди. Чироқнинг ёруғига тутди. Ундан босмачилар турган жойни кўрсатиб берди:
— Уқдингми... Хужум уч кундан сўнг... Ҳозироқ жўна!

Арслонбек ҳушидан кетди...

* *
*

Босмачилар тўдаси бутунлай тор-мор этилди. Водий улардан тозаланди. Бизнинг азиз дўстимиз Жўрабек шу воқеадан бир йилча ўтгач, Чўлпондан хат олди. Мактуб қизнинг ўз қўли билан ёзилган эди.

«Жўрабек ака, салом!

Бу мен, Чўлпонман, эсингиздан чиқариб юборганингиз йўқми мени? Уша кунлар сира-сира ёдимдан чиқмайди. Сизни ҳамиша эслаб турамыз. Сиз бизнинг оиламизга энг яқин киши бўлиб қолгансиз. Сиз энди туғишган акамдек бўлиб қолдингиз. Лекин киши қалби ақлдан ҳам тўғри ҳукм чиқарар экан. Сизга шуни айтай: отам менга танлаган қаллиқ, Сизга ўхшаган ажойиб йиғит экан. Бу рост. Сиз ўшанда ўз мардлигингиз, пок виждошингиз билан менинг бахтимга йўл очдингиз. Ҳа, софдил йиғитлигингиз билан мени абадий бахтиёр этдингиз. Мен ҳам, Арслонбек акам ҳам сизга миннатдорчилигимизни билдирамыз. Ҳа, бировларга бахт ато қилганларга таъзим қиламыз

Ҳурмат билан Чўлпон».

Ҳикоялар

ЯМОҚЧИНИНГ МЕРОСИ

Ўша даврлар ҳечам ёдимдан чиқмайди. Унда ҳали ёш бўлсам ҳам, ҳаётнинг оғир дамлари гўдак қалбимда ўчмас из қолдирганди. Ҳа, ўша кезлар! Ҳаёт юпун ва оғир ҳаёт кечирардик. Отамнинг ямоқчиликдан топгани кичкинагина рўзгоримизни тебратишимизга етмасди, қозонимиз бир кун қайнаса, икки кун қайнамасди.

Бирор-бир ўзига тўқроқ одам маҳсими, кавушми ёки этикми яматиб, «дурустроқ» пул бермаса, бошқалардан сариқ чақадан бошқа ҳеч нарса унмасди. Лекин ўзига тўқ одамларнинг ямоқчига иши камдан-кам туншарди. Юпун одамларнинг нарсаларини ямайвериб, отам шўрликнинг тинкаси қуриб, баъзан хуноби ошиб кетарди. Бева-бечоралар олиб келган йиртиқ нарсанинг ямайдиган жойи қолмаган бўларди. Отамнинг ёнига ўтириб, чуриндиси чиқиб кетган бу этикни қандай қилиб ямашлари мумкин, деб ўзимча таажжубланардим, лекин отамнинг кўнгли кенг эмасми, бировнинг дилига асло озор беришни ўзларига эп кўрмасдилар. Бундай пайтда отам, албатта, руҳан жуда қийналар эдилар. Ўзи тикиб, ямаб, эпга келтириши лозим бўлган шу чуриндини у ёқ-бу ёғини обдан айлантириб, ағдариб кўрар, кейин изтиробда қўрқа-писа турган ҳалиги одамга қараб: «Пул берган жойига тарвақайлаб кетибди-ю, ахир бунинг қаерини ямайди...» деб ярим ҳазил, ярим ачиниш билан ямоқни оёқлари тагига зарда билан ташлаб юбо-

рардилар. Бу отамнинг тикишга рўзи бўлмаганликларининг аломати эди.

Эрталаб отам энди иш бошламоқчи бўлиб турган эдилар, бир қизалоқ кийилаверганидан таг чармининг ярми чириб, пошналари ейилиб кетган этикни кўтариб келиб қолди.

— Амакижон, жон амаки, дадам бугун кўчага чиқолмай уйда ўтирибдилар, ойимлар илтимос қилдилар, қандай бўлмасин, шуни тикиб берар экансиз.

— Ҳа, ҳа, ойимлар дегин, шундай дегин, даданг қаерда ўзи, шу совуқда дийдираб сени юбормаса? Ўзи кела қолса бўлмасмиди?

— Ие, амакижон, қизик экансиз-ку, оёқ яланг келадиларми?

— Ҳа, эсим қурсин, шунга ақлим етмабди-я,— деди отам қизалоққа бир оз ҳазиллашган бўлиб.

— Тикиб берасизми, амакижон, хўп дея қолинг...

— Даданг қаерда ишлайди ўзи?

— Дон бозорнда ҳамболлик қиладилар, жон амаки, укаларим оч, хўп дея қолинг.

— Хўп майли, тикиб берсам қанча пул берасан?

— Эртага бозор, иш кўп бўлади, дадам кўпроқ пул ишлайдилар, ҳақини индинга албатта олиб келиб берман, ойимлар шундай деб айтдилар... Хўп дея қолинг, жон амаки...

Дадам этикнинг у ёқ-бу ёғини синовчан кўзлари билан обдан текшириб чиқиб:

— Қўнжи яхши экан, лекин бу ёғининг чок тутадиган жойи қолмабди, бу этикка таг чарм, янги пошна қўйиш керак, булар ҳаммаси пул,— дедилар-да, совуқда ич-ичидан титраётган қизалоққа раҳми келиб қараб турдилар.

— Гулчинини қара, билимай едирилиб кетибди. Майли, қизим, эртага қадар бир амаллаб тикиб берарман.

— Йўқ, йўқ, амакижон, дадам азонда бозорга ке-

тадилар, бўлмайди, жон амакижон, бугун тикиб бера қолинг.

Отамнинг рози бўлишдан бошқа иложи йўқ эди. Шундан кейин юраклари эзилиб, ҳалиги қизалоққа раҳмлари келиб, чок тикадиган игнанинг мумланган калта ипига янги пишитилган ипни улаб, бошқа ишларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, бу қийин муаммони бажаришга киришдилар. Отамнинг уларга раҳми келса, мен отамга ачинардим. Кўз нурларини тўкиб, қўллари толиб, эртадан кечга қадар ишлар эдилар.

Отам замон тақозоси билан оддий бир ямоқчи бўлсалар ҳам ажойиб, нозик табиатли одам эдилар. Улар кириб келишлари билан хонадонимизга файз кириб кетгандек бўларди. Қарабсизки, бирпасда ҳамма нарса жой-жойида. Онамнинг қўллари қўлларига тегмай, бирпасда ҳаммаёқни саранжом саришта қилиб, йўқдан йўндириб дастурхон тайёрлар эдилар, шунинг ўртасида яна вақт топиб, қаергадир кириб ўзларига оро ҳам бериб чиқардилар. Бир дақиқа илгари болаларга бақариб турган онам энди: «Ҳой, овозларингни чиқарманглар, даданг ишдан чарчаб келдилар», деб ҳаммамизни тартиб-одоб сақлашга даъват қилардилар.

Отамнинг ўзларига яраша салобат, юзларида қандайдир нуронийлик, файз бор эди. Ўзлари ҳам уйга келишлари билан у ёқ-бу ёққа қарар, ҳали ҳовли тозаллаган, томнинг кунни кеча ёмғир ёғиб, чакка ўтган жойини бир амаллаб суваб тушар ёки уйнинг баъзи бир зарур юмушларига аралашардилар. Хуллас, отам уйга келганда ҳам тинч турмасдилар.

Ҳа, бизнинг отамга бўлган меҳр-муҳаббатимиз беқиёс эди. Зеро отамнинг ҳалол, покиза меҳнати, ажойиб инсоний фазилатлари оиламизнинг ҳар бир аъзоси қалбида унга нисбатан битмас-туганмас иззат-ҳурмат уйғотганди.

Отамнинг асл касблари ямоқчи бўлса ҳам, лекин ҳеч ким ямоқчи демасди, ҳамма уни Пўлат дуторчи

деб атарди. Баъзан нозик дид билан дутор чалишлари қалбимизда ўчмас из қолдирганди. Ҳа, ҳамма гап ана шунда. Отамнинг ажойиб бир дуторлари бўларди. Узи тутдан қилинган, садафдан ҳар хил бежирим гуллар қадалган, қулоғига ипакдан попуқ осиб қўйилганди. Уни еру кўкка ишонмас эдилар, ҳамиша уйнинг тўрида осиглиқ турарди. Гоҳо-гоҳо ишдан келиб, диллари рўй-хушлик бериб қолса, дуторни қўлларига олиб иштиёқ билан чалиб қолардилар. Бундай пайтлар, албатта жуда камдан-кам бўларди. Ўша дамлар ҳамон ёдимда. Отам дуторни қўлга олишлари билан ёнларига яқин ўтириб олардим. Ростини айтсам, ўша дутор куйи мени аллақандай сеҳрли бир дунёга олиб кириб кетгандек бўлар, гўдак қалбимнинг аллақаерларига бориб уриларди. Отам ҳали қирқ ёшга кирмаган бўлсалар ҳам, ўз ёшларига нисбатан анча қари кўрнардилар. Уларга термиллиб ўтириб, ўзимдан ўзим хўрлигим келарди. Гўё отам ўз аянчли фақир ҳаётидан нолиётгандек бўлар, юракдаги ғам-ғуссаларини қўшиққа солиб куйлаётгандек туюларди. Отамнинг тирикчилик деб, кунни бўйи гузар четидаги чойхона айвонида кичкинагина курси қўйиб олиб, чидам билан ҳар хил одамлар билан муомала қилиб, кечгача ямоқ ямаб ўтириши кўз олдимдан ҳечам кетмайди. Мана, ҳозир ҳам ўша манзарани кўриб турибман.

Отам дутор чертяптилар-ку, мен бўлсам қўлларига термиламан. Бигиз ёки игна кириб, яраланган қўллари орасига мўмланган ипнинг қораси кириб, кетмайдиган бўлиб қолган. Томирлари бўртиб чиқиб кетган қўпол ишчи қўллари дутор пардалари устида шундай нозиклик билан ўйнар, дутор торларини хилма-хил йўлга солиб, шундай ширин, нозик куй таратар эдикки, менимча, бирор-та ҳам санъаткор менинг отамга ўхшаб дутор чала олмаса керак деб ўйлайман. Ўшанда жуда ҳам синчковлик билан қўллар ҳаракатини кузатардим. Отамнинг қўллари дутор пардалари устида шундай усталик билан ҳара-

кат қилардики, қанчалик зийраклик билан кузатмай, қўллари қайси пардага тушиб чиқаётганлигини пайқай олмасдим. Бир пардани босиб туриб, наригисига жуда тезлик билан ўтиб, яна ўша пардага қайтиб келардилар. Дуторнинг нозик торларини парда устида қўллари билан эзиб, титратиб, ажиб бир оҳанг ҳосил этардилар, кейин бирданига тез-тез чалиб, гўё торларни гапиртириб юборгандек бўлардилар.

Бир кунни отам дутор чалаётганда қўлларини қандай ишлатар эканлар, деб ёнбошлаб олиб яқиндан кузатиб турдим. Қизиқ, отам қўлларини пастга қараб урадиларда, қайтиб чиқаётганда тепа бармоқлари билан торни олиб оладилар. Шунда қандайдир ширин бўғиқ овоз пайдо бўларди. Лекин қўллари ҳеч қачон дуторнинг қопқоғига тегмасди. Мен чалмоқчи бўлганимда, ўзим ҳам билмай қўлимни ҳадеб дутор қопқоғига уравераман. Хуллас, отам дуторни ҳар хил куйга солиб, баъзан бўғиқ, баъзан жанговар оҳанг чиқара олар эдилар. Асосан мунгли куйлар чалар, шу билан нигун бўлган, эзилган юракларига бир оз ором бергандек ҳис этардилар ўзларини. Баъзи-баъзида бирдан кўнгли равшан тортиб кетиб, чертмак-билан шодиёна куйлар тараннум этардилар. Бир кунни қарасам, отам дуторни бошларига кўтариб, қопқоғи тагига чертиб чала бошладилар. Овоз қаердан чиқяпти, деб ҳайрон бўлдим. Уртадаги курсига чиқиб қарасам, отам дуторни тепага кўтариб, пардани бир қўллари билан ўйнаб чалаётган эканлар.

Отам шодиёна куйлар чалган пайтларида унинг чарчоқ, ҳорғин юзларида бир оз табассум намоён бўлар, сўлғин кўзларида умид учқунлари порлаб кетарди. Бундай тантанавор дамларда ғариб кулбамиз чароғон бўлиб кетгандек бўлар, отам қалбининг шу дақиқадаги илиқ туйғулари асносида ҳечам рўшнолик кўрмаган оиламизга ҳам бахтиёр дамлар келармикин, деган фикр хаёлимга келиб уриларди. Шунда мен ҳам отамдек

меҳнатсевар бўлишни, отам каби дутор чалишни ҳавас этардим.

Дутор чалишнинг сўнги қўшиқ билан тугарди.

Замошнинг ханжари, дўстлар,
юрак-бағримни қон этди.
Очилган долазөримни мисоли
бир хазон этди.
Юзимни сўлдириб, рангимни
найлаи заъфарон этди.
Бу чексиз ғам-алам охир
букиб қаддим камон этди.
Дуторим йиғласин, боисини
сўрманг азиз дўстлар,
Ҳаётнинг қаҳри қурсинким,
эзиб рангим самон этди.

Отам қўшиқни айтиб бўлгач, дуторни бир чеккага эҳтиётлик билан қўярдилар-да, кейин узоқ хаёлларга чўмиб кетардилар. Шундан кейин ўринларидан туриб, бир оз ҳаво олиш учун ҳовлига йўл олардилар. Шунда мен ҳали совимаган дуторни олиб тинғиллата бошлардим. Гўё отамга ўхшаб бармоқларимни парда устида уйнатмоқчи бўлардим, лекин қанча уринмай — улдасидан чиқа олмасдим. Шунда отам кириб қоларди-да:

— Дуторнинг ипини узиб қўясан, жойига олиб бориб қўй,— дер эдилар. Мен дуторни эҳтиёт билан олиб бориб, жойига илиб келардим.

Баъзан отам бирор-бир топшириқ билан мени уйга юборардилар, онам уй юмушлари билан банд бўлиб ҳовлида юрган бўлсалар, лип этиб уйга ўтардим-да, тахмондан дуторни олиб, отамнинг ўринларига ўтириб олиб, ўзимча-ўзим хониш қилгандек бўлардим. Отам дуторни чалишдан илгари обдан созлардилар. Ҳа, чалиниши лозим бўлган куйга қараб икки хил пардага созлардилар. Дуторнинг қулоғига қўлим етмагани учун бу ишни ҳечам уддалай олмасдим, кейин дуторни жойига илиб қўйиб, отам ёнига ошиқардим.

Эсимда, бирдан мардикорликка олиш бошланди. Ушанда қиёмат-қойим бўлиб, ҳаммаёқ қий-чув, тўполон

бўлиб кетди. Ҳар бир оиладан биттадан ишга яроқли йигит мардикорликка мажбуран рўйхат қилина бошланди. Шу ташвиш бизнинг фақир онламиниз бошига ҳам келиб тушди, оқибат-натижада бирдан-бир мададкоримиз, меҳрибон отамиз мардикорликка жўнайдиган бўлиб қолди. Ҳаммаёқда йиғи-сиғи, бўйсунмаган одамлар калтакланган, қамалган, хуллас, золимларнинг зулми авжига минди. Лекин отам ҳам ўнғайлик билан кетавермадилар. «Болаларим оч қолади, уларни мендан бошқа боқадиган одам йўқ, мардикорликка бормайман», деб қатъий туриб олдилар. Ўшанда уйимизга катта-катта боёнлар миршаблар билан бирга келиб, отамни судраб, уриб, қўлига кишан солиб олиб чиқиб кетишди. Эс-эс биламан: «Инқилоб бўлармиш, оқпошшо тахтдан ағдарилар эмиш», деган миш-миш гаплар юрарди. Бу гаплар биз учун гўё нажот олиб келадигандек туюлди ўшанда. Қани энди шундай воқеа юз берса-ю, отам мардикорликка бормай, йўлдан қайтиб кела қолса, деган фикр миямда айланарди.

Отамни мардикорликка олиб кетишгач, жуда ҳам оғир аҳволда қолдик. Опам Мастурани хастимомлик хотини ўлган Сайдиғани деган бир маҳсидўз сўратган экан, эрга бермасак, барибир очидан ўлиб кетади, деб онам маҳалладагиларнинг маслаҳати билан ўшанга турмушга бериб юбордилар. Отамдан бўлса на хат бор, на хабар. Хуллас, ҳувиллаган шу қашшоқ хонадонда мен, синглим ва онам қолдик. Қўшниимизнинг катта ўғли темир йўл устахонасида ишлар эди, маҳалладагиларнинг илтимоси билан мени ҳам бир амаллаб, ўша ердаги бир раҳмдил одам билан сўзлашиб, ишга жойлаб қўйди. Эндигина ўн ёшга қадам қўйган бўлсам ҳам, ўзимга яраша иш топилди, югурдаклик қилиб бўлса ҳам, бир оз чойчақа ишлаб юрдим. Шу туфайли оиламиз бир оз жон сақлаб қолди.

Қарабсизки, энди мен уйнинг каттаси бўлиб қолгандим. Худди отамга ўхшаб, кечқурун ишдан қайтиб ке-

ламан, уй-рўзгор ишларига қарашаман. Хўжалик билан шуғулланаман. Кечқурун овқатдан сўнг отамнинг тахмонда осиглиқ турган дуторига қараб-қараб қўяман, аммо энди уни олиб, чалишга ҳечам юрагим йўқ. Отам шу ердаликларида бемалол билдирмасдан олиб чала-верар эдим, энди бўлса, олишга негадир қўлим бор-майди, дуторга кўзим тушди дегунча дилим оғриди, юрагимнинг аллақаерлари ачишади, руҳан эзиламан, хўрлигим келади, отамни қўмсайман, ҳозир қаерларда хор-зор бўлиб, бизни соғиниб юрган экан, деб ўйлайман. Унинг дутор чертган моҳир олтин қўллари қаерларда хор бўлиб юрган экан, деб ич-ичимдан озор чекаман.

Отам дом-дараксиз кетгач, бир кунни эрга тегиб кетган опам ташриф буюрди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиргач, «уйимизга эримнинг косиб ўртоқлари меҳмонга келишади. Эрим отамнинг дуторини олиб кел, деб мени юбордилар» деди. Онам ҳеч нарса демай дуторни олиб бердилар. Менинг юрагим узилиб қолгандек бўлди. «Маҳалласида бирорта дутор йўқ эканми, шундан-шунга дуторга келмаса», деб ич-ичимдан ғазабим келди. Шу-шу, дутор уларникидан қайтиб келмади. Бир кунни менинг қистовим билан ойим бориб, дуторни олиб кетаман, деб чайналган эканлар, поччам: «Қўйсангизчи, ойи, дадамиз келгунча дутор шу ерда тура турсин, барибир уйингизда чаладиган одам йўқ-ку», деб бермабди. Бир оз кўнглим оғриди, поччамдан хафа бўлдим. Поччамнинг ниятига тушундим. Кейин билсам, кўнглида дуторни қайтариб бериш йўқ экан. Бир кўнглим, ўзим бориб шартта олиб келай ҳам деб ўйладим. Шунда онам: «Қўй, поччанг хафа бўлади, битта дутор деб ўртамызга совуқчилик тушмасин, ахир, нима қилса ҳам опанг ўша ерда», деб мени юбормади.

Инқилоб бўлди. Ҳаммаёққа ҳуррият эълон қилинди. Мардикорликка кетганлар бирин-кетин қайтиб кела бошлади. Лекин отамдан дарак бўлмади. Кўп жойлардан суриштирдим, сўрадим, лекин ўша вақтда ҳеч ким

ҳеч нарса билмасди. Кўп одамлар сарсон-саргардонликда қолиб, биров отасини, биров фарзандини, биров синглисини топа олмасди. Бир кун мен ишда чоғимда бир киши келиб, отам қандайдир сиёсий ишларда қатнашгани учун оқпошшо томонидан Сибирь қилинганлигини билдириб, кейин ўша ерда вафот этганлигини айтиб кетибди. Онам жуда ҳам содда аёл эмасми, лоҳқал ким келганлигини, бу воқеа қандай юз берганлигини ҳалиги кишидан яхшироқ сўраб қолмабдилар ҳам. Юрагим узилиб, хўрлигим келиб, йнгладим. Бехосдан тахмонга қарадим, дутор йўқ. Баттар хўрлигим келди, ич-ичимдан хўнгроқ келди. Шу заҳотиёқ опамникига жўнадим, бориб, уларга отамнинг вафот этганлигини билдириб, энди сўраб-истаб ҳам ўтирмай, дуторни олиб уйга қайтдим.

Онам отам вафот этганлигини эшитиб, касал бўлиб қолдилар, кейин, шу-шу, ўнгламай бир йилдан сўнг оламдан ўтдилар.

Йиллар ўтди, ажойиб замонлар келди. Мен уйландим, бола-чақалик бўлдим. Узоқ йиллар паровоз-вагон ремонт заводига ишладим. Малакали ишчи бўлиб етишдим. Хонадонимизнинг энг тўрида отамдан қолган бирдан-бир ёдгорлик, ўша қадрдон дутор туради. Баъзан қўлимга олиб, хониш қилиб қоламан. Уғлим ҳам, келиним ҳам онаси билан мен дутор чалганда ҳамма ишларини йиғиштириб, жимгина тинглаб ўтиршади. Неварам бўлса биқинимга келиб ўтириб олади. Мен отам юрган пардалардан юраман, худди отамдек позиклик билан дуторнинг сеҳрли торларига қўл уришга ҳаракат қилмаман. Лекин мен отам босган пардаларда юрсам, ҳаракат қилсам ҳам, мен куйлаган мусиқий куй озод замонамиз нафаси билан бошқача садо беради. Дуторим унларни қайғу-аламни куйламайди, бахтиёр замонамиз оҳанглари, шодиёна туйғуларни тараннум этади. Отам ўша даврларда дутор чалиб бўлгач, «бу ташвишли, азобуқубатли ҳаётда яшагандан кўра, яшамаган яхши», деб

Ҳардилар. Мен дуторни қўлимга олсам, ёшариб кет-
гандек бўламан, қариб қолганимга ачинаман. Ҳа, икки
дунё, икки замонни кўрган бу ажойиб дутор менга отам-
дан қолган бирдан-бир ўлмас меросдир. Ҳа, отам мен-
га давлат эмас, бахт-иқбол қўшиғини мерос қолдирди.

Кейинчалик отам ҳақида баъзи бир маълумотлар
гўлладим. Отамни шахсан билган, мардикорликда бўл-
ган, ўн олтинчи йил қўзғолонида қатнашган бир инқилоб
востерани билан суҳбатда бўлдим. Отамнинг овози жуда
ҳам ширали бўлганлиги туфайли, одамлар орасида из-
зат-ҳурмат қозонган. Кейин унинг дуторни яхши чали-
шини билиб қолишиб, андижонлик ишқибоз йиғитлар
дутор топиб олиб келиб беришган эмиш. Шунда отам
кечқурунлари дутор билан қўшиқ айтган. Энди унинг
донғи ҳаммаёққа таралган, кейин инқилобни қўшиқлар
ҳам айтган. Шунинг учун бўлса керак, уни Сибирга сур-
тув қилишган. Отам Сибирь йўлида ўпкасидан қаттиқ
шамоллаб, узоқ ётмай вафот этган. Отам ҳақидаги ҳақи-
қат ана шундай. Мен отамга эътиқод қўйиб, унинг ўчмас
иймосини умрбод қалбим тўрида сақлайман. Шу сабаб-
ли ҳам отам йўлидан бордим. Ўғлим ҳам шу йўлдан бор-
мақда. Бир куни заводдан қайтсам, неварам Мухтор ди-
варанда дутор тинғиллатиб ўтирган экан.

— Дуторнинг ипини узиб қўясан, жойига олиб бориб
қўй, — дедим.

Шундай дедиму, юрагим шиф этиб кетди. Қулоғим-
га ўша замонлардан акс садо келгандек бўлди. Ҳаёлим
кўзгусида бир дақиқа отам, болалик йилларим намоён
бўлди. Кўнглим алланечук бўлиб, диванга ўтириб
қолдим.

Неварам бўлса дуторни мендан сўрамай-нетмай ол-
ганлиги учун хижолат чекиб, уни олиб бориб, эҳтиёт-
корлик билан жойинга илиб қўйдим.

СОЛДАТ ҚАЛБИ

Мен уни жонимдан ҳам ортиқ севардим... Гўё дунёда мен учун ундан азиз, меҳрибон, севимли киши йўқдек. Гоҳо-гоҳо унинг эшиги олдидан ўтиб бораётганимда бир қаватли, унча ҳам ҳашаматли бўлмаган бу уй менга шундай чиройли, кўркам кўрнардики, қани энди анави кўк эшикни очиб, шу хонадонга дадил кириб борсам, деб орзу қилардим. Ана шундай саодатли кунлар келишини орзу қилардим... Уша ҳовлидан эшик тепасига ёнбошлаб олган бир туп балхи тут ҳам мен учун худди театрлардаги декорацияларга ўхшаб кетарди. Яхши кўриб қолганингдан кейин, севгилингнинг энг оддий бир нарсаи ҳам сенга қадрдондек кўрина беради.

Биз Гулбону билан бир мактабда ўқиганмиз. Мен ўрта мактабни тамомлаганимда Гулбону мендан бир синф паст ўқирди. Лекин нима сабабдандир у мактабни тугалламай, қизлар педагогика билим юртига ўқишга кириб кетди. Мен бўлсам, университетнинг кимё факультетига жойлашдим. Бизнинг ўртамизда қандайдир яқинлик бордек эди. Мен уни бир баҳона толиб ҳар куни кўрардим. Ёшликдаги Гулбону билан ўртамизда бўлган жуда ҳам оддий, дўстона муносабатлар энди аста-секин қандайдир илиқ туйғуларга айланиб бормоқда эди. Бу ҳиссиёт бора-бора мени ҳам, Гулбонунини ҳам ўз оғушига олгандек... Оқибат шундай бўлдики, биз бир-биримизни кўролмасак туролмайдиган бўлиб қолдик. Ўқишдан чиқдим дегунча, техникумга чопамач.

Техникум билан университет оралиғи ўн минутлик йўл. Гулбонунинг дарси тугаган бўлса ҳам, бирор баҳона топиб, менинг келишимни кутиб туради. Шунда мен Гулбонуни уйига қадар кузатиб қўярдим, йўл-йўлакай бир-биримиз билан сўзлашмай жим борсах ҳам, хаёлимизда гўё гаплашиб кетаётгандек, юракдан ҳам дардлашаётгандек туюларди менга. Баъзан Гулбонуга бирор савол бериб қолсам, у кулимсираб, кўзи билан «ҳа, шундай», дегандек қилиб қўярди. Менимча, биз гўё бир-биримиз учун туғилгандек, бир-биримизсиз яшай олмайдигандек эдик...

Мен университетнинг учинчи курсига ўтганимда ҳарбий хизматга чақриқ қоғози олдим. Бу мен учун ҳар ҳолда кутилмаган воқеа бўлди. Бир томондан, ўқишимга ачиндим, иккиламчи, мен учун гоят суюкли Гулбону бу ерда қолаётганди. Боз устига, ойим уларнинг уйига бир марта совчиликка ҳам бориб келган эдилар. Бир ёғи, ишлар анча пишиб, бизни унаштиришга тайёргарлик кўрилмоқда эди.

Мен ҳарбий хизматга жуда қизиқар эдим. Жасур разведкачи, ўткир учувчи, жанговар танкчи ёки ракетачи бўлишни ҳамиша орзу қилардим. Хуллас, ҳарбий иш менга жуда-жуда ёқарди. Офицер кийимида, ихчам, башанг кийиниб, Ватан йўлида садоқат билан хизмат этиш ҳақида ўйлардим. Шу бондан бўлса керак, биринчи чақирув қоғози олишим билан ҳеч нарса кўзимга кўринмай, ҳарбий бурчимни адо этишга отландим.

Ҳарбий комиссариатга борсам, ҳамма ишлар битиб, бизни ўша куниёқ жўнатишга тайёрлаб қўйишган экан. Қанча уринмай, Гулбону билан хайрлаша олмадим. Қизиқ бўлди-ку, деб ўйладим. Зора, эшитиб, ўзи келиб қолса, деб хаёлдан ўтказдим. Ёшликда ҳар хил ўйларга борасан экан киши. Куни кеча менга фироқ қилиб, аразлашиб юрган кезлар эсимга тушадигу, мана энди ўша қилган ишларингга пушаймон бўласан, шўрлик йигитни нега хафа қилган эканман, деб ачинасан,—

деб ўйлайман. Кейин ўзимни-ўзим койиб, чақирув қозин олиш билан Гулбонуга хабар берсам бўларкан,— деб кўнглимдан ўтказаман. Уйлаб қарасам, бунга сира ҳам вақтим бўлмади-ку! Поездда кетяпман-ку, хаёлим Гулбонуда. Менинг индамай кетиб қолганимни эшитиб, роса йиғласа керак, деб ўйлайман. Унинг аянчли аҳволи кўз олдимга келади-ю, ўзимнинг ҳам хўрлигим келади. Поезд қанча узоқлашган сари юрагим шунча кўп узила бошлади, ичимдан хўрсиниш келиб, хаёлим қочиб, маъюслик ҳиссиёти бутун вужудимни чулғаб ола бошлади. Бора-бора, ана шу узоқлашув юрагимда ҳижрон алангасини авж олдириб юборгандек...

Бу ёгини сўрасангиз, хизматни кичик командирлар тайёрлаш курсидан бошладим. Уқишлар мен учун жуда қизиқарли эди. Мен ҳарбий ишга бўлган катта эътиқодим, ҳавасим боисидан бўлса керак, ўз хизмат бурчимни аъло даражада бажаришга ҳаракат қиламан. Уқишда ҳам, амалий машғулотларда ҳам командирим топшириқларини намунали бажардим. Бир неча бор раҳматнома ҳам олдим. Аммо юрагимда ғалаён қилаётган севги алангаси ҳеч тиним бермас, продам, фаолиятим кучини аста-секин синдирмоқда эди. Мана, келганимга уч-тўрт ой бўлди, лекин Гулбонудан шу дамгача бир энлик ҳам хат олмадим. Бора-бора ўқишлар оғирлаша бошлади, ҳарбий машқлар ҳам кеча-кундуз демай давом этарди. Ҳозирги замоннинг энг мураккаб қуроллари, механизмларини ўзлаштириш, яхши билиб олиш керак. Зеро энди мен танк экипажининг командириман. Экипажимиз составида украинalik Андрей Рябокляч, Сибирдан Алёша Топорков, туркманistonлик Мамед Алиевлар бор. Ҳаммамиз бир оиланинг фарзандидек бир-биримизга қуролдош, сирдош. Ҳар ҳолда ҳарбий бурчимизни садоқат билан бажарардик. Бизнинг экипаж ҳамиша яхши ном билан саналарди.

Уқиш ва машқдан қутулиб, бўш вақтим бўлди дегунча Гулбонуга хат ёзаман, лекин нима қилайки, ун-

дан жавоб йўқ. Биринчи август — унинг туғилган куни эди. Шу муносабат билан яхшилаб табрикнома ёзиб юбордим. Шундан кейингина Гулбонудан хат олдим, лекин хат негадир жуда ҳам қисқа ёзилганди. Бу мени ўйлантириб қўйди, нега шундай қилди экан, балки ўшанда хайрлашмай кетиб қолганим учун мендан хафа бўлганмикин ёки бошқа сабаби борми?.. Шунда ҳам бир энлик хат учун қувончим чексиз эди, ўзимни қаерга қўяримни билмасдим, шу топда дунёда мендан бахтиёр одам йўқдек. Ҳа, мен бу кун севганимдан мужда олгандим. Унинг ҳар бир сўзи, жумласи мен учун қадрдон, сеvimли, муқаддас эди.

Шундан кейин яна хат узилди қолди. Бир неча бор мактуб йўллаган бўлсам ҳам, Гулбонудан жавоб олмадим. Шундай қилиб, ҳаш-паш дегунча бир йил ўтиб кетди.

Сентябрнинг бошларида уйдан хат олдим. Онамнинг тилидан синглим ёзибди. Хатда: «Ўғлим, севгилининг бевафо бўлиб чиқди, ҳозир у турмушга чиқяпти», дейилганди. Юрагим қинидан чиқиб кетгандай бўлди, кўзимга дунё қоронғу, ҳаёт мазмунсиз, гўёки бутун интилишларим, орзуларим йўққа чиққандек... Эртасига Гулбонунинг дугонасидан ҳам шу мазмунда хат олдим, у ҳам шу гапларни такрорлаганди. Уша куни ҳаётимдаги энг аянчли кун бўлди. Мен ўз бахтим, иқболимни йўқотиб қўйгандек... Гўё девонадек, нима ишлар қилганимни, қаерларга борганимни билмасдим. Ярим кечада текширув пунктидан ўзимдан-ўзим довдираб чиқиб кетиб қолибман. Мени қаерлардандир ушлаб келишиб, «бу ақлдан озибди», деб ҳарбий госпиталга текшириш учун юборишди. Лекин менинг ҳаяжонли кечмишларим, аянчли ҳолатимдан экипаж аъзолари, қуролдош дўстларимгина хабардор эдилар.

Узимча ўйлайман: менинг қанчадан-қанча орзуларим, умидларим, келажак режаларим ҳаммаси қолиб кетди. Энди ўз қадрдон юртимга, шаҳримга қандай бо-

раман, ота-онам, дўстларим юзига нима деб қарайман? Ҳаётнинг қизиги ҳам йўқдай бўлиб қолганди. Ҳар хил хаёлларга бордим, ҳатто ўзимни-ўзим отмоқчи бўлдим, лекин нимадир, қандайдир ирода кучи мана шу сўнги қароримни амалга оширишга қўймади. Алам-ғазаб аралаш: «Нега шундай бевафо одамлар туғилади?» деб ўзимга-ўзим савол бераман.

Шундай қилиб, ҳижронли кунлар ҳаяжонли хаёллар, уйқусиз кечаларга уланиб ўта бошлади. Шундай оғир дамларда менинг тун-кун ҳамроҳим, сирдошим экипаж аъзоларим, қуролдош дўстларим эди. Улар ўз коман-дирларининг дардига шерик эдилар, кўпинча мени юпатишар, кўнглимни кўтаришарди. Улар хизмат вазифаларини аъло даражада ўташиб, шу билан ҳам менга тасалли беришга ҳаракат қилишарди.

Улар ўз ҳаётлари, ўйлари билан ўртоқлашиб, менга панд-насихат қилишарди, ўз фикрларини сўзлашарди. Мамед: «Қўявер сен ул бевафони, ҳали сенга аталган-нинг қаймоғи бузилгани йўқ» дер, Алёша: «Менинг отам урушда вафот этган, лекин онам ҳозирга қадар отамни кутади, вафо деб мана бунни айтади, сеникига ўхшаган қизларга ишониб бўладими, қўявер, хафа бўлма, сени Сибирга олиб кетаман, ажойиб сибириячкага уйланасан» деса, Александр: «Лекин сенда ҳам айб бор, хайрлашмай кетгансан, мен ҳали ҳеч кимни севмаганман, севги нималигини тотиб кўрганим йўқ, лекин тўй қиладиган бўлсам қишлоқи қизга уйланаман, чунки онам ҳам асли херсонлик бўладилар», дер эди.

Хуллас, менинг севгим фожиаси қуролдош дўстларимга ўз тақдирларига, келажакларига, ҳаётга яна бир бор эҳтиётлик билан қарашга ундов бўлгандек эди.

Илгари китобларда севишганлар ҳақида ўқиганимда муҳаббат қанақа бўларкин деб, ҳайрон бўлиб юрардим, севги деган мана бунақа бедаво нарса бўларкан, одам ўзи севиб қолса, бу ҳиссиётнинг куч-қудратини тушунаркан.

Энди мен битта қарорга келиб қўйдим: ўз шаҳримга қайтиб бормайман. Ўз келажагимга назар солсам, ҳамма нарса Гулбону билан боғлиқдек туюлди. Ҳа, ҳамма ҳаммаси, юрагим, иродам, орзу-умидларим, келажагим ҳам Гулбону эди. Дўстларим нега ўз шаҳрингга бормайсан, нега сен уяласан. қизинг уялсин бевафолиги учун деб менга далда беришяпти. Йўқ, гап унинг ёки менинг уялишимда эмас, гап инсон қалбининг нозик туйғуларига урилган зарбада, севгининг хўрланишида.

Яқинда дўстларим билан бирга «Офицерлар» деган бир фильмни томоша қилдик. Эсимда қолгани, унда бир офицер взвод командирдан сўрайди: «Урушдан кейин нима иш қилмоқчисан»,— деб. Шунда командир: «Асли касбим ўқитувчи, уруш тугагач, шу ишимни давом эттираман»,— деб жавоб беради. Кейин у, ўзинг-чи, деб савол берди. «Менинг касбим Ватанни ҳимоя қилиш, дунёда шундай касб ҳам бор»,— дейди офицер.

Мен ҳам шу фикрдаман. Ҳа, Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас касбни танлаб олдим. Ҳозир мен партиёга кириш учун тайёргарлик кўраёпман. Яқинда Узоқ Шарққа бориб, ҳарбий хизматни тугатгач, қаерга бориб ишлаш жойимни аниқлаб келдим. Албатта, отам билан онам менинг бу қароримга рози бўлишмайди. Нима ҳам қилардим, ахир мен энди ёш бола эмасман-ку! Ҳаёт менинг ҳам кўзимни очди, ҳали ёш, мурғак қалбим озор чекди. Энди мен мустақил фикрли, тўлақонли совет гражданиман. Қаерда бўлмай, қаерда ишламай, ота-онамнинг муқаддас номига, эл-юртим шаънига доғ туширмайман, уларнинг юзларини ерга қаратмайман, онам берган оқ сутларини оқлайман... Фақат юрагимда абадулабад мангу қоладиган, солдат қалбининг энг оғир, энг аянчли ҳолати — сароб бўлган соф севгининг сўнишидир... Бундан кейин ана шундай олий туйғу қалбимга меҳмон бўладими, йўқми — буни менинг ҳаёт сабоғини кўрмаган ёш юрагим сезмайди. Би-лишимча, севги йигит киши учун бир бор келади...

МОСКВАЛИК КЕЛИН

Урушнинг энг оғир йиллари. Ушанда душман Москва остоналарига яқинлашиб қолган, ҳаёт-мамот учун жанг кетаётганди. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, қўшнимиз Лазокат холанинг энди уйлантираман деб турган як-каю-ягона ўғли Нурмат кўнгиллилар қатори ўзбек дивизиясига ёзилиб, фронтга жўнаб кетди. Лазокат хола ҳувиллаган катта ҳовлида ёлғиз ўзи қолиб, кечаю кундуз Гитлерни қарғар, урушни лаънатларди. Ўғлининг тўсатдан фронтга кетиб қолиши кампирнинг белини букиб қўйди.

Биз Лазокат холага қўшни эдик. Ҳовлимиздан Лазокат холаларниқига чиқадиغان тўйнуқ бўларди. Нурмат ака армияга кетгач, кампирнинг ёлғизлигини билдирмай, опам, ойим ва мен вақт-вақти билан чиқиб, унинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турардик, меп бўлсам, кўпинча магазиндан заборний карточкага нон олиб келиб берардим.

Бир куни кечга яқин Лазокат холанинг чақирган овози келди:

— Ҳой, ким бор, болам, бу ёққа чиқинглар!

Югурганча Лазокат холаниқига чиқдим. Айвон ёнида ҳарбийча кийими ўзининг баста-қоматига жуда ҳам ярашиб тушган, малла сочли, оппоқ юзли, истараси иссиқ, ёши йигирмаларга борган бир қиз турарди.

— Ҳартугул сен уйда экансан, мана буни қара, болам, қачондан бери бошимни қотириб, бир нарсалар деб чу-

фуллайти, бир тиллашиб кўр-чи, военкоматдан келиб-
дими ўзи?

Мовий кўзларини менга тикиб, қаршимда табассум билан турган истараси иссиққина қизга салом бериб кўришдим.

— ИсмиМ Людмила, фронтдан, Нурматнинг ёнидан келдим, асли ўзим москваликман,— деди қиз ўзини таништириб.

Мен қизнинг сўзларини кампирга таржима қилиб бердим. Лазокат хола ҳарбийча кийинган бу қиз ўғлининг ёнидан келганлигини эшитдию, унинг ёнига яқин келиб, суриштириб кетди: «Ўзи омон-эсонми, озиб кетгандир? Қачон келишини айтдимиз?»— деб кетма-кет саволга тутарди. Қиз бўлса: «Ҳеч нарса тушунмайман», дегандек менга юзланарди. Хуллас, ўртада таржимонлик қилиб, уларнинг сўзларини бир-бирларига тушунтириб берардим. Кампир: «Сени кўриб, ўғлимни кўргандек бўлдим», деб бир оз кўз ёши қилиб ҳам олди.

Савол-жавоблар, танишувлар тугагач, энди гапнинг асл моҳияти маълум бўлди. Людмила Нурмат ака жанг қилаётган қисмда ҳамшира бўлиб хизмат қилганини, ўша ерда танишиб, бир-бирларига кўнгил қўйиб, кейин унга турмушга чиққанлигини бирма-бир сўзлаб берди. Кейин, ўқиб беринг, дегандек, қўлимга Нурмат аканинг онаси номига ёзиб юборган хатини тутқазди. Хатда дуои саломдан кейин: «Онажон, Люда деган шу қизга уйландим. Ўзи жуда одобли, меҳнаткаш. Мени қандай кўрсангиз, уни ҳам шундай севинг, боргунимга қадар сизга қараб, боқишиб туради, уруш тугаши билан бораман, катта тўй қиламиз»,— дейилганди.

Лазокат хола ўғлининг уйланганини эшитди-ю, ранги докадек оқариб кетди. Не қиларини билмай, бир менга, бир Людмилага қарар, тили гапга келмай фикрлари чувалашиб кетгандек эди. Кейин бир оз ўзига келди-ю, гапира кетди:

— Вой ўлмасам, бу Нурмат қургур нима иш қилиб

қўйди?! Тошкентда қиз қуриб кетган эканми? Энди бир куним шунга қолибдим! Шундан кўра «оч қорним, тинч қулоғим», деб бемалол ўтирганим яхши эди-ку! Тавба қилдим, астафурулло, бу нима қилгани ахир! Тилини тушунсам ҳам майли эди!— Кампир кўзига ёш олди.

Кампирнинг сўзларига Людмиланинг олдида уялиб кетдим. Яхшиям Лазокат холанинг гапларини тушунмайди. Ўзимни қаерга қўяримни билмай қолдим. Людмила бўлса: «Нима бўлди ўзи? Ойим нега йиғлапти?»-деб кампирга яқинлашиб, кўнглини кўтармоқчи бўлган эди, Лазокат хола тушмагур ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ: «Нари тур, менга суйканма, бор ўша Нурматнинг ёнига бора қол» деб тескари ўгирилиб олди.

Лазокат холани юпатишга киришдим:

— Ахир ўйлаб кўринг, ўғлингиз адресини берибди, сизга хат ёзиб тайинлабди, яхши кўриб уйландим дебди ҳам. Қиз бечора бўлса шунча жойдан узини паноҳ тортиб келибди, сиз бўлсангиз жўна деб ҳайдасангиз, ахир шу мурувватданми? Нурмат акам эшитиб қолсалар нима бўлади?

— Эшитса эшита қолсин. Менга энди барибир, бунақа келин керак эмас, ўз йўлига кета берсин...

— Ахир бу ерда сиздан бошқа таниш-билиши бўлма-са, шунча жойдан паноҳ тортиб келибди, сиз бўлсангиз уйимдан кет деб турсангиз, уят бўлмасмикин, хола? Ахир маҳалла-кўй нима дейди? Эшитган қулоққа ёмон, кимсан фалончи келинини ҳайдаб юборибди, деб...

— Вой ўлай, келини дема, оғзингга қараб гапир! Ахир нега менинг келиним бўларкан!

— Майли, холажон, жаҳлингиз чиқмасин, келиним дема десангиз, майли, айтмайман, лекин бировнинг кўнглига бунчалик озор бериш ярамайди. Ўзингизни унинг ўрнига қўйиб кўринг-а!

Лазокат хола бу сафар жавоб бермади, ўпкасини ҳеч туюлмамай йиғлайверди. Энди Людмила ҳам ўғли-

нинг унга уйланишидан кампир норози бўлаётганлигини тушуниди. Ноқулай аҳволга тушиб, бир менга, бир Лазокат холага қараб турди-да, кейин пешайвон ёнига ташлаб қўйган шинелини олиб кийди, чамадонини олиб:

— Майли, кампирга тушунтиринг, ҳечам хафа бўлмасин, ҳозир военкоматга бораман, бирор жой топиб беришар, Нурмат онамни сира ҳам хафа қилма деган... — деди-ю, чамадонини олиб эшикка қараб юра бошлади.

— Оббо, кампир-ей, нима қилиб қўйдингиз? Мана энди келиннингиз аразлаб кетяпти, военкоматга борармиш, жуда уят иш бўлди-да! Агар бу қилганингизни Нурмат акам эшитиб қолса борми, уйга асло қайтиб келмайдилар! — дедим мен ҳам ўзимни тутолмай, жаҳлим чиқиб.

— Бўлмаса нима қилай! Мана, агар хотини бўлса Нурматнинг уйига кириб тура берсин... — деди кампир энди бир оз юмшаб.

Хурсанд бўлиб кетдим. Чопиб бориб, Людмиланинг қўлидан чамадонини тортиб олиб, Нурмат аканинг хонасига олиб кириб қўйиб чиқдим. Кейин қўярда-қўймай Людмиланинг қўлидан ушлаб «яраштириш» учун Лазокат холанинг ёнига етаклаб келдим.

Энди гапни Людмиланинг ўзи бошлади:

— Ойи, асло хафа бўлманг, Нурмат ҳам эсон-омон қайтиб келади, унгача бирга тура берамиз, ҳаммаси яхши бўлади, — деди самимийлик билан.

— Қилғиликни қилиб қўйиб, яна менга қараб иршялди-я, ана ўша уйга кириб ётавер, — деди кампир Нурматнинг хонасини кўрсатиб.

— Ажойиб кампир экан, — деди Людмила кулиб.

Шу воқеадан бир неча кун ўтди. Людмила келгач, Лазокат холанинг хонадонига файз кириб кетгандек бўлди. Қаровсиз ётган уйлар секин-аста тартибга туша бошлади. Людмила бир кунни атайин бозорга бориб, оҳак олиб келиб, бутун уйларни, ҳовли деворларини оқ-

лади. Кейин ишга жойлашиш ҳаракатига тушди. Тез орада Тўқимачилик комбинатига кириб олди.

Людмила ишдалик вақтида ҳол-аҳвол сўрай, деб Лазокат холанинг уйига чиқдим. Бир оз у ёқ-бу ёқдан сўзлашиб ўтирдик. Қани, кампир келини ҳақида нима дер экан деб, оғзини пойладим: лекин Лазокат хола анчагача бу ҳақда оғиз очмади. Охири ўзим гап бошлашга мажбур бўлдим.

— Қалай энди, келинингиздан хурсандмисиз?

— Айланай болам, яна келинингиз дейсан-а, мен сенга айтсам, барибир бўлмайди, омон-эсон қайтиб келса, ўғлимга наҳ онаси ўпмаганни олиб бераман.

— Ахир Людмиланинг нимаси сизга ёқмаяпти?

— Сен менга ҳадеб бунақа савол бераверма, мен сенга бу қизни ёмон деяпганим йўқ. Оёқ-қўли чаққон, ўзи жуда меҳрибон, вақти келса устимда ўлиб қолади. Ишдан чарчаб келса ҳам кечаси билан уй тозалайди, кир ювади. «Ҳай, қизимка, ухла энди», десам ҳам қаёқда дейсан, ишлайверади.

— Ана, кўрдингизми, сиз бўлсангиз...

— Эй, барибир охири вой, бўлмайди,— деди-ю, Лазокат хола ер остидан менга қараб қўйди.

— Тушунолмадим, ўзингиз мақтайсиз-ку, кейин яна бўлмайди, дейсиз, бу қанақаси?

— Эй болам, нега ҳадеб менга унақа дейсиз, бунақа дейсиз дея берасан! Ахир мен уни жуда ёмон деяпганим йўқ-ку! Ҳар ҳолда оғиримни енгил қилаяпти, мана, куникча ишхонасидан мабш олибди, ҳаммасини қўлимга олиб келиб тутқазди,— деди-ю, кампир тугиб қўйган бир даста пулни олиб менга кўрсатди.

— Мана, кўрдингизми, бунақа келинни қаердан топасиз?

— Бо, шундай дейсан-да, сен нуқул уни мақтайсан, барибир менга келинлик қилмайди, кетиб қолади...

Кунлар кетидан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтди. Бир кун Людмила ишдалик вақтида Нурмат ака-

дан хат келган экан, Лазокат хола мени чақириб қолди.

— Уқиб бер-чи, нима деб ёзибди. Ҳаммасини ўқи. Анави Людага ёзганини ҳам ўқи, нима деган экан...

Людмилага аталган жойини ўқиб бермадим. Хатнинг сўнгида: «Онажон, Людмила сиздан жуда хурсанд, худди ўз қизингиздек меҳрибонлик кўрсатибсиз, бунинг учун катта раҳмат», дейилганди.

— Ҳа, хурсанд ҳам бўлмасинми! Ахир, суқсурдек ўғлимни бериб қўйганимдан кейин...

Шундан бир ойча вақт ўтгач, бир куни ҳовлида майда-чуйда ишлар қилиб юрган эдим, Лазокат хола туйнук олдига келиб, мени имлаб қолди.

— Ҳой, болам, анави Людманга бир бало бўлдимми? Икки кундан бери ишга бормади, ётоқчилагани ётоқчилаган. Касалга ўхшайди. Доктор чақириб берсангми-кан...

Людмиланинг хонасига кирдим, Қизнинг ранги анча кетиб қолганди. Қаравотга ёнбошлаб, оёғига иссиқ грелка қўйиб, китоб ўқиб ўтирарди.

— Нима бўлди, ишга ҳам бормабсиз?

— Отпусकाга чиқдим, — деди хиёл кулимсираб.

— Ишга кирганингизга бир йил бўлгани йўқ-ку, дарров отпускаи беришдимми?— сўрадим.

— Ҳа, беришди, гапнинг ростини айтсам, декрет отпускасига чиқдим, — деди у уялибгина.

Мен Людмиланинг ёнидан чиқиб, ҳамма гапни Лазокат холага ётиғи билан гушунтирдим.

Лазокат хола бу хабарни эшитди-ю, чопганча Людмиланинг хонасига кириб кетди. Жуда ҳам қўрқиб кетдим, кампир тушмагур яна нима нағма кўрсатар экан деб. Бундай вақтларда фикр тез ишлайди: агар Людмила ни хафа қилгундек бўлса, уни уйимизга олиб чиқиб кетаман, деган қарорга келиб қўйгандим. Кейин қўрқибгина кампирнинг орқасидан юриб, эшикка яқинлаш-

ган эдим, ичкаридан Лазокат холанинг ҳаяжон билан айтиб-айтиб йиғлаётган овози эшитилди:

— Вой болам тушмагур-ей, ҳа, шундоқ экан, бир оғиз айтсанг бўлмайдим! Ахир мен бегона эмас, онангман-ку! Худога шукур, неvara ҳам кўрадиган бўлибман! Боламнинг боласи...

Эшик қиррасидан ичкарига қарадим. Людмила билан Лазокат хола каравотга ўтирганча қучоқлашиб, гўё бир-бирини ялаб-юлқашарди...

* * *

Шу воқеадан бери неча йиллар ўтиб кетди. Людмила Андреевнанинг ўғли ҳозир Совет Армияси сафида хизмат қилмоқда. Лазокат хола билан Людмила ўша кезлари Москва остоналарида қаҳрамонларча ҳалок бўлган жигаргўшалари Нурматнинг хотирасини эъзозлаб, янги дунёга келган паҳлавондек ўғилчага Қаҳрамон деб ном қўйишганди. Ҳа, у Ватан урушининг қонли, оғир йилларидан ёдгорлик. Ҳозир Людмила Андреевна ҳамон ўша Эски шаҳардаги катта ҳовлида туради. Яқинда у мусобақадош Москва тўқимачилари ҳузурида бўлди. Шу баҳона, ўзининг қариндош-уруғлариникида бир неча кун меҳмон бўлиб турди.

— Яқинда газеталарда расмларингни кўриб хурсанд бўлдик, юксак унвонларинг муборак бўлсин,— деб уни табриклади тоғаси.

— Люда, энди Москвага қайтиб кела қолсанг ҳам бўлармиди, бир ўзинг Тошкентда нима қиласан, ўғлинг армиядан қайтса у ҳам шу ерга кела қоларди,— деб маслаҳат беришди баъзи бир қариндошлари.

Людмила хаёлга чўмиб кетди. Кейин кўзига ёш олиб:

— Менинг ёшлигим ҳам, энг яхши туйғуларим ҳам Тошкент билан боғлиқ,— деди.— Қайнонамни ҳеч эсдан чиқаролмайман. «Москвалик келиним», дерди мени. Нурмат бўлса, Москва учун жон берди. Мен Тошкентга бориб унинг чироғини ёқиб ўтиришим керак.

МЕНИНГ ЁРУФ ЮЛДУЗИМ

Ҳиндистон қиссаси¹

Бу дилрабо сарвқомат қизга отаси севиб Стора деб исм қўйганди. Холисанлилло айтганда, унинг исми жисмига шундоғам монанд тушгандики, кўрган одам «заб қиз эканми», деб қўярди. Унинг катта-катта қоп-қора кўзлари, гилосдек қип-қизил ёноқлари, зулукдек сочлари ҳар қандай кишини ҳам бир қарашда мафтун этмасдан қўймасди. Агар институт ҳовлисидан товусдек юриш қилиб ўтгудек бўлса борми, талабалар бир-бирларини туртишиб, «ана келаяпти» деб қўйишар, қандай қилиб бўлса-да, у билан танишиб олишни орзу қилишарди.

Бу ёғини сўрасангиз, Стора ҳиндлар билан мусулмонлар ўртасида бўлган фожиали қиргинбарот йили туғилган экан. Ушанда қайси бир маҳаллада ўз-ўзидан арзимаган бир сабаб туфайли бошланиб кетган пичоқбозликда ҳалок бўлган акасининг қонга бўялган жасадини олиб келишганида қўрқувдан онасининг кўзи чала ёриган экан. Шундан кейин отаси шўрлик ўғлининг фироқидида қайгу-ҳасратда куйиб, бир йил ичида дунёдан ўтди. Онасининг ғам-ғуссада қадди ёй бўлди, отадан етм қолган қизни тарбиялаб вояга етказгунча эҳ-ҳе, озмун-

¹ Бу воқеани 1971 йил октябрь-ноябрь ойларида совет журналистлари делегацияси составида Ҳиндистонга борган кезларимда деҳшлик бир ўқитувчи ҳикоя қилиб берган эди. Ушбу ҳикоя аниқ шу воқеа асосига қурилган. Мен уни қозоғга солиб, озгина бадний бўёқ бердим, холос.

ча гурбат чекдими? Яхшиям, ўртанча ўгли вояга етиб, молия министрлигидаги кичик бир лавозимга жойлашиб олди, шундан кейин бу оила бир оз рўшнолик кўрди, очлик балосидан қутулиб, амаллаб кун ўтказишадиган бўлишди, ҳар ҳолда, қора қозонлари беминнат қайнай-диган бўлди. Кейинчалик Стора ҳам йўлини топиб, институтга жойлашиб олди. Кейин Ҳиндистонда ҳаёт бир-мунча изга тушиб, эрк шабадалари эса бошлади, саодатли кунлар келди...

Стора ўқишга кирганидан кейин биринчи танишган кишиси юқори курс талабаси Алиакбар бўлди.

Уларнинг танишишлари ҳам фавқулодда юз берди. Алиакбар кутубхонадан бир неча кун навбат кутиб ўқи-моқчи бўлган китобни Стора ҳам олмоқчи экан. Шу ба-ҳона бўлди-ю, икки ёш китоб устида бир-бирлари билан учрашиб қолдилар.

— Кечирасиз, жаноб, Тагорнинг бу китобини бир не-ча кун илгари айтиб қўйган эдим-ку,— деди Стора бир оз жаҳли чиққандек.

— Мен-чи, наҳотки сиз ўйлайсизки, хоним, гўё мен бугун келиб, тайёрга айёр бўлиб турган бўлсам...

— Билмадим, жаноб, ҳар ҳолда мен айтиб қўйганим-га бир ҳафта бўлди.

Алиакбар ғойибдан ошиқ бўлиб юрган бу хушсурат қизга китобни ўша заҳотиёқ бериб юборишга жон-жон деб рози бўларди-ю, лекин у билан бир оз сўзлашиб, яқинроқ танишиб олиш учун жўрттага гапни чўза берди:

— Хоним, мен ҳам бир ҳафта илгари кутубхоначига ёзиб бергандим, ҳамма режаларим бузилиб кетадиган бўлди. Энди ўртамиздаги низони ким ҳал этиб бераркан-а?

— Ҳеч ким ҳал этиб бера олмайди. Майли, мен ке-йинроқ ўқирман, лекин ҳар ҳолда маданиятли жаноб қиз болага бир оз ён берсалар чакки бўлмасди...

— Агар билсангиз, ҳамма нарсада ён берар эдим-ку,

лекин китоб масаласига келганда ҳеч кимга ён бермайман. Ҳа, бу менинг чин сўзим.

Стора индамади, энди бу ғоят ўжар, китобга ўч йигит билан тортишиб ўтиришдан фойда чиқмаслигини тушунди шекилли, шу вақтга қадар буларнинг сўзига эътибор ҳам қилмасдан, янги келган газета, журналларни бирма-бир тартибга солаётган кутубхоначи аёлга «нега бу сурбет йигитга ҳеч нарса демайди», дегандек галати бир қараш қилди.

Шу вақт сал нарироқда столга ёйиб қўйилган буғунги газеталарни варақлаётган бўйи баланддан келган йигит тўсатдан гапга аралашди:

— Менинг исмим Чанд, танишиб қўяйлик!

— Меники Алиакбар.

— Ҳурматли жаноб, хоним тўғри айтдилар, ҳар ҳолда китобни бера қолсангиз бўларди...

Алиакбар қаршида бўзрайганча қараб турган йигитга эътибор қилмасдан, Сторага юзланиб:

— Майли, хоним, бу сафар китобни сиз ола қолинг, лекин шартим шуки, ўқиб бўлишингиз билан менга берасиз. Шу билан бирга фақат тезроқ ўқишга ваъда беринг.

Стора индамади, фақат мийиғида нозик табассум пайдо бўлди.

Стора чиқиб кетгач, Алиакбар қиз бола ёнида ўзини обрўсизлантирмоқчи бўлган бу сурбет йигитнинг бир адабини бериб қўймоқчи бўлди:

— Маслаҳатларингиз учун раҳмат, жаноб, аммо сизга бундан кейин бировларнинг ишига аралашманг деб айтиб қўймоқни ўзимнинг бурчим деб ҳисоблайман.

— Ўғитингиз учун раҳмат, лекин сиз ҳам одамлар китоб ўқиб ўтирганда уларга халақит берманг, — деди Чанд масалага гўё жамоатчилик нуқтаи назаридан қарагандек.

Агар кутубхоначи аёл уларни огоҳлантирмаганида,

икки ўртадаги бу тортишув яна давом этиши мумкин эди.

Лекин китоб баҳона бўлди-ю, кейинчалик бу икки китоб шайдолари яқиндан танишиб олишди. Қиз энди Алиакбарни учратиб қолса, албатта тўхтаб, саломлашиб ўтадиган бўлди. Бу Алиакбар учун катта ғалаба эди. Алиакбар энди қизга яқинлашиш мақсадида китобнинг қаерига келганлигини билмоқчи бўлар, асар қаҳрамонлари ҳақида сўрарди. Хулласи калом, энди улар ўртасида узоқ баҳслашувлар, мулоҳазали фикр олишувлар бошланди. Баъзан бундай тортишувлар қизнинг аразлаши билан ҳам тугарди. Лекин оқибат-натижада Алиакбар узр сўраб, мунозара якунланарди. Шу баҳона, фикр фикр билан, қалб қалб билан тўқнашарди. Қитобий мунозаралар, ижодий баҳслашувлар замирида юзага келган дўстлик бора-бора улар ўртасидаги соф муҳаббатга кўприк хизматини ўтади. Энди чамаси икки ёшнинг юлдузлари бир-бирларига жуда ҳам тўғри келиб қолганди.

Ҳамма нарса ўз йўли билан бораётган эди-ю, ҳаётнинг тақозоси бу икки ёшнинг тақдирига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Эл-юрт бошида яна қора булутлар пайдо бўла бошлади. Урушнинг совуқ шабадалари эсиб, совуқ хабарлар кела бошлади. Покистон билан Ҳиндистон ўртасида яна низо, яна жанжал бошланди. Ғарбий Бенгалиядан ташвишли маълумотлар кела бошлади. Ун миллионлаб қочоқлар Покистон маъмурларининг зулмидан қочиб, Калькутта атрофидаги сайҳонликларда ватангадо бўлиб, оч-яланғоч, бошпанасиз ётишарди. Қочоқларнинг кети узилмасди. Шарқнинг энг тиқилинч, эрта саҳардан то ярим кечга қадар бетинч, шовқин-суронли шаҳри—Калькутта кўчаларидаги оч-гадолар сони ана шу қочоқлар ҳисобига борган сари кўпая борарди. Ер, нон, бошпана топиш — ана шу миллионлаб қочоқлар, бева-бечораларнинг бирдан-бир орзуси эди, холос.

Бу аянчли оғир аҳвол ҳақида ўйлаш Стора учун ҳам, Алиакбар учун ҳам ғоят оғир эди. Улар ўз ватандошларининг бу аянчли аҳволига сира-сира ҳам бепарво қарай олмас эдилар, яқинлашиб келаётган фожианинг аланга олиб кетишидан ташвишланардилар.

Бугун дам олиш куни бўлганлиги боисидан, шаҳардаги миш-миш гаплардан бир оз бўлса ҳам ҳоли бўлиш мақсадида улар дам олиш, шу баҳона, Тожмаҳал мақбарасини зиёрат қилиш мақсадида эрталабки автобус билан Агра томон йўл олишди. Оламдаги етти мўъжизанинг бири бўлган бу улкан мақбара Ҳиндистонга келган сайёҳлар учун энг ноёб зиёратгоҳ ҳисобланарди. Ҳа, «Тожмаҳални кўрмабсан, Ҳиндистонда бўлмабсан», дейишади. Бу мафтункор, тошдан битилган ўлмас дostonнинг ҳар бир тошида, пештоқида, безакларнда инсон меҳнатининг, ақл-заковатининг, ижодининг маҳсули мужассамдир.

Сторанинг чаросдек кўзлари бу ажойиб-ғаройиб обидага тикилган, хаёли аллақарларда кезар, Алиакбарнинг бўлса ўйлари ҳам, дили ҳам қаршисида ўтирган қора кўзли, илиқ чеҳрали гўзал қизда эди.

— Тожмаҳалга қарасангиз-чи, қаёққа тикиляпсиз ўзи?— сўради Стора.

— Мен унинг аксини сизнинг ўша тимқора кўзларингизда кўриб турибман-ку, шунинг ўзи кифоя эмасми?

— Ажабо, наҳотки менинг кўзим орқали кошонага қарасангиз! Сиз ҳам бировнинг кучидан фойдаланадиган чиқиб қолдингиз-ку!

— Нега бундай дейсиз, қанақасига мен бировнинг кучидан фойдаланувчи бўлай?

— Бўлганда ҳам жуда устаси экансиз...

— Мени кечиринг, бундан кейин кўзингизга қарамайман.

— Қарасангиз қарай беринг, лекин бир ўйлаб кўринг-а, кўзимда сизнинг аксингиз кўринади-ку!— деди қиз уялибгина.

— Йўқ, азизам, мени кўзингиз билан эмас, қалбингиз билан кўринг, шуни жон-дилдан истар эдим, ҳа, сизнинг қалбингиз кўзгусида акс этсам деб орзу қиламан.

Стора уялиб ерга қаради гапни гўё бошқа томонга бурмоқчи бўлиб, бутун борлиги билан севги нашидасидан маст бўлган йўлдошига юзланиб:

— Билсангиз, мен бир сирни билиб олдим, агар ҳеч кимга айтмасангиз, сизга ошкор этай?— деди.

— Қандай сир экан у?

— Тожмаҳал бунёдкорлари яшириб кетган сир...

— Севги сирими ёки садоқат сирими?

— Ҳа, шундай деса ҳам бўлади, топдингиз.

— Бўлмаса айтинг, қулоғим сизда, эшитай!

— Биласизми, Алиакбар, сиз Тожмаҳалдан чиқиб кетаётганингизда орқангизга қараб-қараб кета беринг. Қизиғи шундаки, Тожмаҳал сизга эргашиб кетаётгандек бўлади. Яна қайтиб олга юрсангиз, у сиздан узоқлашди, ўзини олиб қочаётгандек...

Алиакбар қизнинг маъюс юзларига термилди. Унинг юлдуз кўзларида ёш томчилари акс этгандек туюлди. Йигит бу ҳолатни кўрди-ю, ўрнидан туриб, сарҳовуз бўйиндан орқасига қараганча тез-тез дарвоза томон юриб кета бошлади, кейин узоқдан Сторага қараб турди-ю, Тожмаҳал томон секин-аста қайта бошлади. Қайтиб келиб, кўм-кўк ўт устига ўзини ташлади, кейин Сторага юзланиб:

— Гапингиз тўғри экан, Тожмаҳал қўрқиб-қўрқиб онасига эргашаётган ёш болага ўхшайди, — деди.

— Ҳа, яхши ўхшатиш, — деди қиз кулимсираб.

— Балки ўз севгилисига етолмай, икки ўртада сарсон бўлган ошиқ бечорадир, — деди йигит.

Стора индамади, уялиб ерга қаради. Жимлик чўкди. Бу ҳолатдан қутулиш учун гапни Алиакбар бошлади.

— Энди мен ҳам сизга бир ажойиб сирни айтаман.

—

— Айтайми?

— Бутун вужудим қулоқ, эшитаман.

— Сиз мақбарага қараб турсангиз, ҳар соат, ҳар дақиқа турли тусга кириб товланади, хилма-хил ранг касб этади. Бунинг сири нимада, биласизми?

— Йўқ, билмайман, ўзингиз айтиб беринг.

— Бунини мен ўзимча талқин этдим. Менинг фикримча, Тожмаҳал минг-минглаб кишиларнинг меҳнати, ақл-заковатининг самараси, ҳар бир тошда, ҳар бир пештоқда меҳнаткаш инсоннинг кўз нури, қалб қўри, юрак қони бор. Шу боисдан ҳам у турланади, минг-минг йиллар тарихидан акс-садо беради. Баъзан пичирлайди, қўшиқдек мангу яшайди. Ахир унинг ҳар бир тоши инсон умри, севгиси, ҳаётининг жонли достони-ку! Агар оидин кечалари Тожмаҳални кўрсангиз, у шаффоф ой нурида яна ҳам гўзал бўлиб ёнади. Уни барпо этишда Ҳиндистоннинг энг зўр, моҳир усталари, Самарқанд, Бухоро наққошлари, жаҳоннинг кўп мамлакатларидан келган олтин қўл санъаткорлар иштирок этишган. Ҳа, чиндан ҳам Тожмаҳал тошдан қилинган дoston, минг-минглаб кишилар ҳаётининг достони.

Шу вақт қайдандир Чанд пайдо бўлди. Кейин билишса, у Деҳли газеталаридан бирида репортёр бўлиб ишлар экан. Унинг отаси институтда ўқитувчи, ўша кунни ҳам отасининг ёнига келиб, Сторани кўриб қолади. Қарасаки, қиз кутубхонага кириб кетяпти. Танаффусга кўнғироқ бўлгунга қадар отасини кутиб туриш баҳонаси билан Сторанинг кетидан кутубхонага йўл олади.

Бу ёғини сўрасангиз, Чанд ҳам Сторага ошиқ бўлиб қолганди. Ҳар кунни унинг дарсдан чиқишини кутиб туради, то қизнинг уйига қадар соядек кузатиб боради. Қандай қилиб бўлса ҳам, бирор-бир баҳона билан гапга солиб, кўнглини овлашга ҳаракат қилади.

Бир кунни улар ўртасида шундай гап ўтди:

— Хоним, кечирасиз, сизга бир оғиз гапим бор эди...

— Қандай гап?

— Сиз билан яқиндан танишишни истардим...

— ...

— Ўша куни кутубхонада...

— Кечирасиз...— деди-ю, Стора Чанд гапини тамом-ламасданоқ, тез юриб ўз йўлига кетди.

Лекин Чанд аҳдидан қайтмади, Стора билан танишиш йўлини қидирди. Қарасаки, ўша тортишув баҳона бўлиб, Алиакбар Сторага яқинлашиб олибди. Шу боисдан энди Чанд қандай қилиб бўлмасин, Алиакбар билан яқиндан танишиб олишга ҳаракат қилди. Ёз кунларидан бирида улар Бакрада кўришиб қолишди. Алиакбар ёзги каникулдан фойдаланиб, бир оз пул ишлаб олиш мақсадида Бакра гидроэлектр станциясида ишлаётганида Чанд газета иши билан у ерга бориб қолганди. Эртасига дам олиш куни бўлганлиги учун улар Чанднинг машинасида Деҳлига қайтиб келишганди. Ушанда йўл-йўлакай баҳслашиб келишди. Асосий баҳс Бакра электростанциясининг қуввати ҳақида борди. Унинг ўнг қанотини совет мутахассислари, чап қанотини эса бошқа давлатларнинг мутахассислари барпо этишганди. Совет мутахассислари барпо этган узел 120 минг киловатт, йккинчиси эса 90 минг киловатт қувватга эга. Чанд нима учундир иккаласи ҳам баб-баравар қувватга эга деб туриб олди. Улар баҳс бойлашди, оқибат-натихада Алиакбар ҳақ бўлиб чиқди.

— Бу иншоотни ҳозирги замон Тожмаҳали деса бўлади, — деди Алиакбар.

— Роса қизиқ гапини айтдингиз-ку, Тожмаҳал қаёқда-ю, бу қаёқда?

— Бунинг жуда яхши тушунаман, Чанд, Тожмаҳал тарихнинг ҳеч ўлмас муқаддас обидаси, лекин бундай ўйлаб кўрсангиз, Тожмаҳал қўлидан ҳеч нш келмайдиган, фақат зеб-зийнатга беланиб олган гўзал келинчакка ўхшайди...

— Нима деяпсиз ўзи? Ахир тарихнинг ҳеч ўлмас мўъ-

жизаси-ку! Мўъжиза бўлганда ҳам, энг гўзали, энг ажойиби, ҳа, худди шундай!

— Фикрингизга мутлақо қўшиламан, лекин Бакра гидроузели халққа сув, нур, ҳаёт бахш этади, унинг улуғлиги, мўъжизалиги ҳам ана шунда. Уни янги замоннинг Тожмаҳали дейишимнинг бонси ҳам шунда!

Баҳс Деҳлига етиб келгунга қадар ҳам тугамади.

Мана, энди улар Аграда учрашишди.

— Эй, роса ҳеч ким йўқ жойни топибсизлар-ку, оббо сизлар-ей, — деди Чанд ҳазиломуз, кела солиб ўтга ёнбошлади. Кейин «сизларга ҳалал берганим йўқми», деб ҳам қўйди.

— Нега ҳалал берар экансиз, бемалол, ўтира беринг, — деди Алиакбар.

— Мен сизга анчадан бери ўйлаб юрган бир фикрни айтмоқчи бўлиб, кечадан бери излайман, мана ниҳоят шу осори атиқалар шаҳридан сизларни топиб олдим.

— Бизни ҳам ёдгорликлар қаторига қўшиб юборманг тагин, — деди Стора ҳазиллашиб.

— Сизлар атиқалар шаҳрининг навқирон гавҳарларисиз, ҳа ноёб гулларисиз.

— Сўзга устасиз, Чанд, нима қилса ҳам журналистсиз-да, — деди Алиакбар.

Бу мақтовдан хурсанд бўлиб кетган Чанд ўрнидан туриб чўккалаганча ўтирди, кейин мароқ билан, жуда ҳам билагон одамлардек, ўз фикрини баён эта кетди:

— Мен ўз журналистлик касбим ҳақида сўзлашмоқчиман. Биласизми, журналист ким? У, ижрочи, яхши мутахассис, техник ходим, турли мавзуларда қойилмақом қилиб, маҳорат билан мақола ёзиб бергувчи киши. Ҳа, унга истаган мавзу бериб, шу асосда материал тайёрла деса, дарҳол бажариб бера олишга қодир бўлган мутахассис.

— Хўш, унда маслак масаласи нима бўлади?

— Журналист маслакисиз мутахассис. Ҳа, шундай.

— Ажабо, бу нима деганингиз?

— Наҳотки, тушунмасангиз? Ахир инглиз тилида га-
пиряпман-ку!

— Ҳа, тушунмадим, фикрингиз ҳам, тилингиз ҳам
менга тушунарсиз.

— Ажабо, қандай тушунтирсам экан энди...

— Бундан чиқди, сиз «ижрочи» журналист сифатида
Ғарбий Бенгалнига мустақиллик берилиши ҳақидаги
масалани қоралаб ёз деса, ёзасизми?

— Ёзишим мумкин...

— Покистон маъмурларининг ҳинд қочоқларига қи-
лаётган ёвузлигини ёқлаб чиқишингиз ҳам мумкинми?

— Мумкин...

— Нима деётганингизни тушунаёписизми ўзи?

— Тушунаёпман, азизим. Нима бўпти, мен моҳир
журналист сифатида ҳамма турдаги газеталар учун ма-
қола ёзабераман...

— Моҳир эмиш, унда виждон масаласи нима бўла-
ди?— шу вақтгача мунозарага аралашмай ўтирган Сто-
ра тўсатдан сўраб қолди.

— Бу нима деганингиз, ахир...

— Агар сен ўз Ватанинг шаънига қарши борсанг
сотқин, олчоқ бўлиб қоласан-ку?— деди ғазаб билан
сенсираб Алиакбар.

— Қўйинглар, бу масалага сизлар тушунмайсизлар,
яخشиси мунозарани ҳозирча тўхтатиб қўя қолай-
лик. Менинг баъзи бир журналист дўстларим ҳам шу
фикрда. Ҳа, шундай. О кей,— деди-ю, Чанд жўнаб
қолди.

У бир оз юриб борди-ю, кейин яна қайтиб келди.

— Айтмоқчи, эсимдан чиқаёзибди. Бугун худди шу
соатда Покистон билан уруш бошланди, ҳа, уруш...

— Нима дединг, шу ростми?

— Рост!— деди-ю, Чанд чопганча йўлига кетди.

Шу учрашувдан кейин Алиакбар Чандни учратмади.
Маълум бўлишича, у Қалькутта атрофидаги қочоқлар
лагерига кетибди. У, қайси газетанинг топшириги билан

кетган, қайтиб келгач, қанақа мақола ёзади, буни ҳозирча айтиш қийин эди.

Уруш ҳақидаги шумхабарни эшитиб, Алиакбар билан Стора ўша заҳотиёқ Деҳлига қайтиб кетишди.

Сторанинг айтишича, Алиакбар кўнгиллилар сафига қўшилиб, жанг-жадал бўлаётган томонларга кетибди. Стора ундан икки марта хат олибди. Дастлабки хатни Калькутта яқинидаги «Солт лейк»¹ деган қочоқлар лагеридан ёзиб юборибди. Алиакбар қочоқларга ёрдам берувчи ёшлар билан бирга баракларда мактаб ташкил этиб, қочоқларнинг болаларини ўқитаётган эмиш. Иккинчи хат эса бир неча кун ўтгач, Ғарбий Бенгалия фронтдан келганди:

«Азизим, гўзалим Стора! Сен гўзал Ҳиндистонимизнинг порлоқ ёруғ юлдузисан. Мен ўз Ватанимни севаман, унинг содиқ фарзандиман. Шу сабабдан ҳақ иш учун, озод Бенгалия учун Покистон урушқоқларига қарши қўлимга қурол олиб жангга кирдим. Қочоқлар лагерларидаги ўн миллионлик бенгалияликларнинг аянчли инсон деган муқаддас, буюк номга иснод келтирадиган аҳволини кўриб, чидай олмадим, ғазабим қўзғаб, қўлимга қурол олиб жангга кирдим. Инсон бахти, ҳақ-ҳуқуқи, ҳаёти билан ўйнашишнинг бундай фожиали шаклини бирор жойда ҳам учратиш қийин бўлса керак. «Солт-лейк» лагерининг ўзида уч юз минг киши бошпанасиз, очиқ саҳрода ётибди. Ҳозир биз озод қилаётган шаҳар ва қишлоқларда қон изларини кўраяпман. Улдирилган чоллар, зўрланган аёллар, етим қолган болалар, булар бизнинг қардошларимиз, қондошларимиз. Хонавайрон бўлган, куйдирилган, кул бўлган уйлар. Топталган экинзорлар... Булар бизнинг қардошларимизнинг уй-жойлари, далалари. Улар турли миллат ва динга мансуб кишилар...

¹ «Шўр қўл».

Биз гўзал Ҳиндистоннинг келажаги учун курашмоқдамиз.

Ажойиб, гаройиб Ҳиндистон, бу менинг Ватаним, Гуллар, сабз-райҳонлар, гўзал водийлар ўлкаси, ҳаммаша фусункор-дилрабо диёр, қайноқ, шовқин-суронли шаҳарлар...

Калькуттанинг тонг саҳаргача тинимсиз кўчалари, Мадорас, Банорас, Жойпурнинг ажойиб хиёбонлари, Бомбейнинг қирғоқ бўйидаги дуру гавҳардек тақинчоқлари, Бхилаи металлургия гиганти, хуллас, янги ҳаёт йўлидан бораётган Ҳиндистон индустрия гигантлари, янги ҳаётга ташна бўлган миллион-миллион йўқсиллар. Бу мўъжизакор, гўзал, меҳнаткаш Ҳиндистон, менинг Ватаним.

Тожмаҳал, Рожистоннинг гўзал манзаралари, Фил ороли, Осма боғнинг беҳисоб гулзорлари, инсон ақлзаковатининг ифодаси бўлган тарихий ёдгорликлар — мана, мўъжизакор гўзал Ҳиндистон.

Ўйлаб қарасам, булар ҳаммаси худди қўшиққа ўхшайди. Гоҳо жозибадор, мусиқий, лирик, гоҳо мунгли, ғамгин, жанговар. Ҳа, қалбларга ўт ёқувчи ажиб дилрабо куйлар, қўшиқлар, асрий гўзал рақслар. Улар мингминглаб йиллик тарих саҳифаларини варақлаб, Ватаним маданияти тарихини эслатди, энди бўлса янги мазмун кашф этаётгандек...

Азизам, агар билсанг эди, сени қанчалик кўргим келаетганини! Кунни кеча ўтириб, Тожмаҳалда бирга ўтказган ўша дамларни яна бир бор эсладим, сенинг ўша ўтли қарашларинг кўз ўнгимда гавдаланди. Ўзимга-ўзим савол бераман: ахир дунёда севгидан ҳам қудратли нарса борми ўзи! Чунки сенинг севгинг билан, ширин хаёлларинг оғушида яшамоқдаман. Сенинг меҳринг кучи билан душманга қарши дадил жанг қилмоқдаман. Агар анави Чанд ўша кунни келиб қолмаганида сенинг дийдорингга тўйиб-тўйиб олган бўлардим.

Унинг фикрлари лойқа, у фақат кўпроқ ўзини ўйлай-

ди, мулоҳазалари ҳам чалжаш. Ахир, ҳақиқий ғоя билан, бугунги кун билан яшаётган, Ҳиндистоннинг келажаги учун курашаётган меҳнаткаш, жафокаш ҳинд халқи истиқболга ишонч ғояси билан яшамоқда-ку!

Азиз, гўзал, жафокаш Ҳиндистоннинг келажаги ёруғ, ҳа, жуда ҳам порлоқ!

Муҳтарам Стора, менинг қора кўзлим, сени юракдан севаман, Ватаним Ҳиндистонга бўлган беқиёс муҳаббатим гулшанида сен шундай хушбўй, шундай чиройли гулсанки, мен уни ҳеч нарсага алишмайман.

Яқинда бир ўқитувчи билан гаплашиб қолдим. Унга сен ҳақингда сўзлаб бердим. Ажойиб кишилар бор экан, бу дунёда, жуда кўпни кўрган одам. Ҳатто Советлар Россиясида ҳам бўлибди.

Агар эсон-омон қайтиб борсам, биз ҳам саёҳатга борамиз. Москва ҳақида эшитганларимни сўзлаб бераман, албатта сўзлаб бераман... Шу билан хатим тамом.

Дийдор кўришгунча хайр, севгим!».

Ойлар ўтди. Уруш ҳам чўзилмай, тезда тугади. Лекин Алиакбар дом-дараксиз кетди. Ундан на хат бор, на хабар. Яқинда Чанд келиб, Сторага Алиакбарни Порнйпур яқинидаги бир қишлоқни озод қилган солдатлар орасида кўрганлигини айтиб берибди...

Замонлар ўзгарди, золимлар ўз оёғи билан кетди. Стора ўқишни тугаллаб, истеъдодли ўқитувчи бўлиб етишди. Алиакбар бўлса, ҳамон дараксиз. Чанднинг ҳикоя қилиб беришича, Сторани кимдир бир печа бор Калькутта — Деҳли поездида учратибди. Айтишларича, у асирлар алмашинадиган жойга кетаётган экан. У ҳар сафар асирлар алмашинаётган кунни биллиб ўша лагерга бориб, улар орасидан Алиакбарни қидирар эмиш...

Деҳли, 1971 йил,
октябрь -ноябрь.

БЕКАТДАГИ ЙУЛОВЧИ

Янги йил кирар кечаси эди ўшанда. Оиламиз билан мактабдош дўстимникига Янги йил кутиш учун таклиф қилингандик. Уша куни эрталабдан эзиб ёға бошлаган ёмғир кечга бориб қорга айланди. Қарабсизки, ҳамма ёққа Янги йил файзи кирди-қўйди.

Соат ўнлар чамаси бошлашиб кўчага чиқдик. Аксига олиб, бундай вақтларда бирорта ҳам бўш такси учрамайди. Кўчада анча туриб қолдик. Энди қанақа машина ўтса ҳам қўл кўтаравердик. Чунки борадиган жойимиз анча олис. Чилонзорнинг олтинчи кварталда.

Шу вақт қаердандир бир «Москвич» қўққисдан келиб, ёнимизда таққа тўхтади. Шофёр эшикни очиб, илтифот билан:

— Қани, Раҳим ака, қаерга кетяпсиз? Ўзингизам роса ивиб кетибсиз-ку, қани ўтиринглар, олиб бориб қўяман,— деди.

— Раҳмат, раҳмат, — дедиму жоп-жон деб тезлик билан машинага чиқиб олдик.

— Кетаётган Янги йилларингиз муборак бўлсин, ўзи қаерга кетаётган эдинглар?

— Ўзингизнинг байрамингиз ҳам муборак бўлсин! Агар иложи бўлса, ука, Чилонзорга олиб бориб қўйсангиз, дўстимизникига кетаётган эдик.

Машина юриб кетди. Шофёр йигитни қаердадир кўргандек эдим-ку, аммо, қаерда, қачон кўрганлигимни эслай олмасдим, ўзидан суриштиришга ийманардим.

— Раҳим ака, Чилонзорга олиб бориб қўярдим-ку, лекин агар рози бўлсангиз, йўл-йўлакай ўн минутга аэропорт томонга ўтиб келишим керак, зарур ишим бор эди.

— Майли-майли, бемалол. Ҳали анча вақт бор Янги йил киришига!

Энди қор роса бўралаб ёға бошлади. Кўча яхши кўринмасди. Бунинг устига ҳўл қор машина ойнасига тушиб, ойнани хиралаштирарди. Мен шофёрдан иложи бўлса секинроқ юра беринг, ҳали вақт эрта, сиз ҳам, мен ҳам борадиган жойимизга бемалол етёб оламиз, деб эҳтиёт бўлишни илтимос қилардим.

Биз Театр майдони ёнидан ўтиб, Шота Руставели кўчаси томон кетаётган эдик, троллейбус бекатида турган бир киши кўчанинг қоқ ўртасига тушди-ю, қўл кўтариб, жон-жаҳди билан олиб кетишни биздан илтижо қилди. Қарасам, устидаги кийими жуда юпун. Бунинг устига, бекатда анча туриб қолган бўлса керак, ивиб кетган. Бу йўловчига жуда раҳмим келди. Уйлайман, оиласи, бола-чақаси олдига ёки дўстлари ҳузурига ошиқаётган бўлса керак, шўрлик бу аҳволда қачон етиб боради. Чиндан ҳам негадир унга юрагимдан ачиндим.

— Йигитча, шу одамни олиб кета қолайлик, чамамда йўлимиз ҳам бирга ўхшайди.

Шофёр аввалига бир оз иккиланиб турди-да, менинг сўзимни иккита қилгиси келмадими ёки бўлмаса ўзининг ҳам меҳрибонлиги тутиб кетдими, машинасини шартта тўхтатди. Мен хурсанд бўлиб кетдим, кейин дарҳол орқа эшикни очиб, бояги йўловчини чақирдим.

Бечора ҳам чопганча келиб, апил-тапил шофёр ёнига ўтириб олди, кейин эшикни бор кучи билан ёпган эди, машина эшиги чамамда ёпилмади. Эшикни қайта очиб, иккинчи бор тортганди, яна шундай аҳвол юз берди. Шофёр бундан бир оз ранжиган бўлди, эшикни астагина тортиб, ўнғайгина ёпди-ю, ҳалиги йўловчига норози бўлиб қараб қўйди.

Агар шофёрнинг гашига тегмоқчи бўлсангиз, машина эшигини қаттиқроқ ёпинг. Шунақада сержаҳл шофёрга дуч келиб қолсангиз борми, бирпасда асабингизни бузади. Ҳатто, ҳақорат қилишдан ҳам тоймайди. Аммо, бизнинг шофёримиз унақанги баджаҳл, маданиятсиз шофёр эмас экан. Анчагина босиқ, жаҳли чиқса ҳам ичига ютиб, индамай кета берди.

Йўловчи у ёқ-бу ёққа қаради-ю, бошидаги телпакни олиб, ҳеч кимга эътибор ҳам қилмасдан, ўтирган жойида қорларини қоқа берди. Ҳўл қор ҳаммаёққа сачраб кетди. Кейин биз томонга юзланиб, ғалати бир оҳангда:

— Машиналаринг тагингда, бемалол юра берларинг, биз бечоралар ёмғир-қор тагида ивиб тура берайлик,— деди.

Йўловчининг ялпоқ юзи қаршидан келаётган машина ёруғида кўриниб кетди. Маст десам, мастга ўхшамас, лекин хаёли бир оз паришон кўринарди. Кейин ўриндиққа кўлини ташлаб, ялпайиб ўтириб олди-да, бир менга, бир хотинимга қараб турди, яна бир нима демоқчи бўлди-ю, кейин биздан хафа бўлгандек, қўлини силтаб, шофёр томонга юзланди. Чўнтагидан эзилиб кетган сигарета қутисини олиб, аввал шофёрга тутди, ундан рад жавобини олгач, бизларга чекишни таклиф ҳам қилмай, ўзи бурқитиб-бурқитиб чека бошлади.

Уртага жимлик чўкди. Хотиним менга суйканиб гўё бирор нарса демоқчи бўлади, лекин лом-мим демайди. Йўловчи бўлса яна ҳам ҳаддан ошиб, сигарета тутунини биз томонга пуфлаб:

— Ҳа-ҳа, биз яёв, сизлар машинада, ахир дунёда ҳақиқат борми ўзи?— дейди. Кейин менинг саволимга жавоб беринглар, дегандек кўзини лўқ қилиб, бизга тикиб туради.

Шофёр «бунинг менга бирор ўтқазиб қўйган жойи борми ўзи» дегандек ҳалиги одамга, кейин биз томонга қараб қўяди. Мен бўлсам, хижолат чекаман. Ахир бу менинг машинам бўлмаса. Нега энди бу одамни ўтқи-

зиб олинг, деб таклиф этдим? Тавба, қўшнимнинг шўр-
васи билан гўё бировни сийламоқчи бўлибман. Нима
қилиб бировларнинг ишига араллашиб юрибман, керак
бўлса ўзи тушириб оларди-да. Шофёр ҳеч нарса демай
кетаётган бўлса ҳам, унинг юзидаги жиддийлик, маши-
нани тез-тез ҳайдаб кетаётганлиги ҳар ҳолда менга
қилинаётган зардадек туюларди. Энди асабим бузилиб,
ўзимни ноўрин ҳис эта бошладим.

— Хўш, нега полизга қўйган тасқарадек жим ўти-
рибсизлар, бир уриб шляпангни учуриб юборайми,—
деди қўққисдан менга ўдағайлаб ҳалиги йўловчи.

Жоним ҳиқилдоғимга келганди. Бир кўнглим шу
ўтирган жойида бўйнидан икки қўлим билан бўғиб
олиб, роса адабни берсаммикан, ёки тортиб машина-
дан ташқарига тушириб юборайми, деб ўйладим. Ун-
дай десам, машинанинг асл хўжайини ўзини босиб жим
кетяпти-ку, мен нега аралашар эканман. Мендаги юз
бераётган бундай кайфиятни хотиним сизди шекилли,
биқинимга туртиб, оғир бўлинг, дегандек имо қилди.
Қейин гўё мен у билан уришиб кетадигандек қўлимни
қаттиқ ушлаб олди. Ўйладим, Янги йилда бир нодон
билан тенг келиб, ади-бади айтишиб юраманми, аса-
бимни бузиб нима қиламан. Агар янги йил кирар кеча-
си бирор одам билан уришсанг, хафагарчилик қилсанг
яхши бўлмас. Одамлар эски йилда бирор одамдан
қарздор бўлсалар, янаги йилга ўтиб кетмасин деб, Ян-
ги йил арафасида ҳисоб-китобларини қилиб қўядилар.
Ҳа, албатта, Янги йилга ана шундай камчиликлар би-
лан кирсанг, йил бўйи ишнинг юришмай юради.

Машина Чилонзорга қайриладиган муюлишга етиб
борганида шофёр ҳалиги йўловчига юзланиб:

— Биз аэропорт томонга кетамиз, сизни шу ерга ту-
шириб кетишга тўғри келади, ошна,— деди босиқлик
билан.

— Йўе, бу нима деганингиз, шундай экан, нега мени
индамасдан машинангизга ўтқизиб олдингиз? Йўқ,

акаси айлансин, бунақаси кетмайди. Мени айтган жойимга олиб бориб қўясиз! Эшитяпсизми, айтган жойимга, деяпман. Мен сизларни биламан...

— Акажон, ундай деманг, биз аэропортга шошяламиз, ҳозир самолёт келиши керак. Тушунсангиз-чи, Андижондан ойим келяптилар, кутиб олишим керак.

— Ойинг бўлмай туриб, авлиё келса ҳам тушмайман, вассалом. Мени ҳам уйда додам кутиб ўтирибди.

— Бўлмаса аэропортга ўтиб, кейин сизни олиб бориб қўяман, — деди-да, шофёр машинани тўппа-тўғри аэропорт томон буриб кетди. Ҳалиги йўловчи ичида нималарнидир деб сўқинди. Лекин чор-ночор индамай кетаверди.

Машина аэропорт кўчаси томон бурилиб ўтиши билан, бир чеккага бурилди-ю, «тир-тир» қилиб тўхтаб қолди. Шофёр газ берган эди, машина мотори ёнмади. Бир-икки бор калитни бураб кўрди, стартер олмади. Кейин пастга тушиб капотни очиб, нималарнидир титкирай бошлади. Хуллас, у ёқ-бу ёқни бураб кўрди-да, натижа чиқмагач, қайтиб келиб, ҳалиги йўловчига калитни кўрсатиб, мен «босинг», деганда калитни бураб, газ берасиз, деди. Йўловчи шофёр ўрнига ўтиб, шофёрнинг ишораси билан калитни бир-икки бор бураган эди, машина мотори ўт олмади. Хуллас, бу нарса бир неча бор такрорланса ҳам машина турган жойидан қўзғалмасди.

— Энди оғайни, битта илтимос, тушиб, машинани итариб юборасиз, — деди шофёр.

Йўловчи бунга дарров рози бўла қолди. Тушиб машинанинг орқасидан бор кучи билан итара бошлаган ҳам эдики, машина ўт олиб, фириллаганча юриб кетди.

— Бунақа одамлар билан ҳеч қачон йўловчи бўлмаслик керак, улар эски йилда қолиб кетишини, — деди шофёр биз томонга қараб.

ОЛТИН БАЛИҚ ҚИССАСИ

Аҳмад Тоҳирӣ бугун яхши кайфият билан барвақт уйғонди. Зўр иштаҳа билан пианинога ўтириб, кечаси ёзган янги лирик қўшиғини завқ-шавқ билан ижро этди. Ўз ижодидан кўнгли чоғ бўлиб, баъзан «ўйламаганинг-да бирпасда янги асар ёзиб қўйганингни ўзинг ҳам билмайсан», деб ўзига-ўзи таҳсинлар ўқиди. Кейин сигарета тутатиб, уйда у ёқдан-бу ёққа юриб, янги асар ҳақида ўйлади. Ҳеч физкультура қилмайдиган одам завқи келиб бир оз жисмоний тарбия қилгандек бўлди. Кейин хотини тайёрлаган нонуштани иштаҳа билан еб, «ижодий меҳнатдан сўнг бугун дам олсам бўлади», деб машинасига ўтириб, балиқ овига жўнади.

Ушанда ёзнинг қоқ ўртаси эди. Лекин кун жуда иссиқ эмас. Ҳаво гўё сени аллалаётгандек. Мана, ўша ўзи билган қадрдон кўлга эсон-омон етиб келди. Бу ер гоят манзарали. Табиати мафтункор. Илҳом париларини қўзғатиб юборади. Ёз фаслининг баданларни яйратувчи ажойиб ҳавосида, соя-салқинда дам олиш нақадар гаштли. Бу ерда ўзингни эркин ҳис этасан, яланғоч бўлиб оласан, бутун вужудинг қуёш нуридан баҳраманд бўлади. Ойна кўлда чўмилишни айтмайсизми. Кейин табиат қучоғида уйдан олиб чиққан ҳар турли оғдатлардан зўр иштаҳа билан тановул қиласан. Агар юз грамм отиб юборсанг, унинг савобига ким етсин!

Тоҳирӣ ўзи балиқ овлашни жуда яхши кўради, бўш қолди дегунча шу кўлга югуради. Қулай жой тан-

лайди-ю, кейин яхшилаб жойлашиб олади, ҳафсала билан шөшилмай қармоқни тайёрлаб, сувга ташлайди. Ана энди бемалол дам олиб хаёл сурса бўлади.

Бугун ёзган янги музыка асари ҳақида ўйлади. Илҳом келиб қолса, бунақанги асарларни ёзиб ташлаш ҳеч гап эмас. Ҳамма гап ана шунда. Эҳе, шу йиллар ичида озмунча нарса ёздими? Дастлабки ёзган симфоник асари оғиздан-оғизга тушган эди. Театрлар учун ёзган опералари-чи? Лекин негадир ўша яхши асарлар ҳам ҳозир ҳеч қаерда ижро этилмайди. Ўзича асарларини яхши тушунмаган баъзи дўстларидан хафа бўлди. «Барибир, ҳозир тушунмасаларинг кейин тушунасанлар» — деб қўйди пичирлаб.

Ҳадемай олтмишга кирапти, юбилей комиссиясига ўша, аллақачон саҳналардан тушиб кетган асарларини бир эслатиб қўйса чакки бўлмасди. Буни албатта ўзи қилолмайди, нокамтарлик бўлади. Бирорта яқинроқ кишиси орқали айттириш керак. Балки уларни қайтадан тикласа бўлар. Зеро, ўша асарларини ёзганида ҳали ёш, ижоди қайнаб турган кезлар эди. Ҳозир ўшанақа қилиб ёзолмайди, албатта. Ўйлаб қараса, шунча йиллар ичида озмунча асар ёздими? Бошқа хизматлари-чи? Ёшлар унинг қадрига етишмайди. Ҳар ҳолда, олтмиш йиллик юбилейи муносабати билан хизматларини яна тақдирлашса ажаб эмас. «Бола йиғламаса, онаси сут бермайди. Бунга ҳам туртки керак, айтмасанг кимнинг эсига келадн дейсиз. Ҳаракат қилиш керак».

Хаёл билан бўлиб, балиқ ҳам эсдан чиқиб кетибди. Ҳушёр тортди. Қармоққа бирор нарса теккандек бўлди. Қўтариб кўрди. «Айёр балиқ» чувалчангни еб кетибди. Банкадаги чувалчангдан олиб, қармоқни қайтадан тўғрилади-да, сувга ирғитди.

Яна хаёлга берилди, ўз ижодий йўли ҳақида узоқ ўйлади. Хаёл суравериб чарчади. Ўзи ҳам билмай, уйқу элтиб кетибди. Қизик туш ҳам кўрибди:

Бир вақт қараса қармоғини қандайдир катта балиқ сувга тортиб кириб кетибди. Тоҳирий ҳовлиққанича бор кучи билан ўлжасини торта бошлади. Зўр-базўр тортиб олса, қармоққа у ўйлаганидек катта балиқ эмас, балки кичкинагина, гоят чиройли олтин балиқ илинган экан. Лекин зил-замбилдек оғирмиш. Бунақанги чиройли балиқни Тоҳирий умрида кўрмаган, фақат эртақлардагина эшитган. Балиқни ушлаб у ёқ-бу ёғини айлантариб кўрибди. У чиндан ҳам олтин эмиш, тангалари ярақлармиш, кўзлари эса гўё бриллиантдек ёнармиш. Тоҳирий шоша-пиша ўлжасини қармоқдан чиқариб олибди. Қармоқдан олаётганида жаранг-журунг овоз чиқарар эмиш. Шунда у бирдан тилга кириб, худди одамларга ўхшаб гапира бошлабди:

— Эй одамзод фарзанди, мени қийнама, қўйиб юбор, тиллаган тилагингни бераман...

Тоҳирий аввалига нега бу балиқ сўзлаяпти деб қўриқиб кетибди, кейин эртақлардаги эшитган ажойиб-ғаройиб воқеаларни эслаб, дарҳол ўзини қўлга олибди, «бундай имкониятни қўлдан бой бериб бўладими», деб мияси жуда тез ишлай бошлабди.

— Хўш, олтин балиқ энди нима дейсан?— дебди тил чайнаиб.

— Қўйиб юбор тезроқ деяпман, нафасим қисилляпти, ўлиб қоламан.

— Нима... Ҳа, айтмоқчи...

— Истаганингни сўра, лекин тезроқ қўйиб юбор!

Нима сўрасам экан... Уй-жойим бор, бутун онламизга етиб ортади, жиҳозларим чакки эмас. Ҳовлимга бассейн ҳам қуриб олдим. Яқинда эски «Волга» ўрнига янги «ГАЗ-24» олдим. Худди булутга ўхшайди ранги, шаҳар чеккасида дачам ҳам бор. Ёзган асарларимга пул оқиб келиб турибди. Хуллас, турмушдан нолимайман, ҳаммаси муҳайё.

Олтин балиқдан нима ҳам сўрардим.

— Сўрайвер, ҳаммасини муҳайё қиламан. Фақат

мени кўп қийнама, тезроқ қўйиб юбор,— дебди олтин балиқ бу сафар ёлвориб.

— Нима сўрасам экан-а?— Тоҳирийнинг хаёли яна чувалашиб кетибди. Уйлаб-уйлаб, хаёлига муҳим бир нарса келиб қолибди. Бу кашфнётидан Тоҳирийнинг ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетибди. Ўзининг ақл-фаросатига минг бор тасанно айтиб, олтин балиққа мурожаат қилибди:

— Эй, олтин балиқ, майли, мен сени ҳозир қўйиб юбораман. Менга олтин ҳам, молу дунё ҳам керак эмас. Фақат битта энг зарур нарса етишмайди.

— Тила тилагингни тезроқ, ҳозир ўламан бўлмас, — дебди олтин балиқ йиғламоқдан бери бўлиб.

— Менда бир нарса етишмайди,— дебди Тоҳирий.

— Нима ўзи, айта қолсанг-чи,— дебди балиқ диққат бўлиб.

— Талант етишмайди, менга талант ҳадя эт,— дебди Тоҳирий.

Бу талабни эшитиб, олтин балиқ бир чимирлиб, силкинибди-ю, сирғалиб Тоҳирийнинг қўлидан чиқиб, кўлга тушиб кетибди.

— Тўхта, нега индамай кетяпсан, ҳой олтин балиқ!

Тоҳирий ўз бақирғидан чўчиб уйғониб кетди. Ҳовлиққанича қармоқни тортган эди, қармоғига бесўнақай илдиз илиниб чиқди.

МУНДАРИЖА

Қиз узатиб борганда (қисса) 5

Ҳикоялар

| | |
|-------------------------------|----|
| Ямоқчининг мероси | 51 |
| Солдат қалби | 61 |
| Москвалик келин | 67 |
| Менинг ёрур юлдузим | 74 |
| Бекатдаги йўловчи | 87 |
| Олтин балиқ қиссаси | 92 |

На узбекском языке:

Максуд Қариев

ПРОВОЖАЯ НЕВЕСТУ

Повесть и рассказы

Редактор *М. Бобоев*

Расом *А. Кива*

Расмлар редактори *А. Бобров*

Техн. редактор *Е. Потапова*

Корректор *М. Аҳмедова*

ИБ № 1018

Босмахонага берилди 21.02.78. Босишга рухсат этилди 22.09.78. Формати 70x108¹/₃₂. Босма л. 3,0. Шартли босма л. 4,2. Нашр л. 4,21. Тиражи 60000. Р 09681 Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30, Шартнома

№ 8 — 78.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг 1-босмахонасида 1-қоғозга босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21, 1978 йил. Заказ № 435. Баҳоси 40 т.